

ВЕСТНИК
Высших учебных курсов
Генеральной прокуратуры

BULLETIN
of the High training courses
of the General prosecutor's office

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

АХБОРОТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги
201/3-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган

ISSN 2181-5011



www.vuk.uz

№3 (31)
2017



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

Таҳрир кенгаши:

Ихтиёр Абдуллаев
Нигматилла Йўлдошев
Нурдинжон Исмоилов
Светлана Ортиқова
Муротжон Азимов
Бекзод Мавлонов
Эркин Юлдашев
Улуғбек Суннатов
Исламджан Эргашходжаев
Зоҳид Дусанов
Евгений Коленко

Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

Масъул котиб:

Ғофуржон Алимов

Таҳрир ҳайъати:

Музаффар Мамасиддиқов
Бобоқул Тошев
Матлюба Аминжанова
Фаҳри Раҳимов
Миродил Боротов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг илмий даража талабгорлари чоп этиши лозим бўлган журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Махтумқули кўчаси, 59-уй

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

web-site: www.vuk.uz

e-mail: axborotnoma@vuk.uz

- Буюртма №
- Адади: 1000

- Журнал "Аргументы и факты Узбекистан" МЧЖ ҚҚ босмаҳонасида чоп этилди
- Манзил: Тошкент шаҳри,
- Элбек кўчаси 8-уй.

МУНДАРИЖА

Э.ТУЛЯКОВ

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмлари ҳамда инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар

1

Д.ШИРИНОВ

Правовые основы деятельности институтов гражданского общества в Узбекистане

7

Д.АРИПОВ

Судлар фаолиятини ташкил этиш ва одил судловни амалга ошириш соҳасини ислоҳ қилишда муҳим қадам

11

Б.ПЎЛАТОВ

Тезкор-қидирув фаолиятини тушунчаси, мақсад ва вазифалари, уни амалга ошириш принциплари

14

О.ОҚЮЛОВ

Инвестиция муҳити ва жозибаторлигига таъсир қилувчи ҳуқуқий омиллар тизими

19

М.ДУСТКОРИЕВ

Институт содействия осуществлению правосудия в гражданском процессе

23

Д.ДОВУДОВА

Суд тергови жараёнида сўроқ қилишнинг процессуал тартиби

25

Ж.НЕМАТОВ

Давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишда маъмурий процедураларнинг ўрни

29

Н.МИРАҲМЕДОВА

Меҳнат низоларини судда кўрилишида прокурор иштироқи: қонунчилик ва амалиёт

33

А.АКБАРОВ

Построение юридического дискурса и общественная практика

37

Э.ХОЖИЕВ

Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари

40

Ш.ЖАЛОЛОВ

Коррупция тушунчаси, унга қарши курашнинг асосий йўналишлари

45

И. АСТАНОВ

Швейцария Жиноят-процессуал кодекси: таҳлил ва мулоҳазалар

49

М.САЛИЕВ

Ер назоратини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўрни ва роли

52

М.АХМЕДОВА

“Темур тузуклари” – тарихий ҳуқуқий манба

56

Г.УЗАКОВА

Нормирование землепользования: сравнительно-правовой анализ

59

Н.КУЛДАШЕВ

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши оқибатида етказилган зарарларни қоплаш институтини такомиллаштиришга оид мулоҳазалар

62

А.АМАНОВ

Ахборот хизмати кўрсатишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш

65

Н.РАИМОВА

Тайна как режим охраны конфиденциальной информации в гражданских правоотношениях

69

Ш.МИРЗАЕВ

Совершенствование деятельности по координации правоохранительных органов — стратегическое направление развития прокуратуры

72

Хабар

Икки давлат тажрибаси муҳокама қилинди

75

Пленум қарорлари

76

Элдор ТУЛЯКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ҲАМДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ЎЗАРО ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМЛАР

- ◆ Мазкур мақола Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларининг халқаро-ҳуқуқий ҳимояси, инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар муҳокамасига бағишланган.
- ◆ Данная статья посвящается обсуждению международно-правовой защите иностранных инвестиций в Республике Узбекистан на основе двусторонних договоров о содействии и взаимной защите инвестиций.
- ◆ This article discusses the mechanisms of international-legal protection of foreign investments in the Republic of Uzbekistan on the basis of bilateral investment treaties.

Таянч сўзлар: инвестиция, низо, битим, чет эл инвестори.

Ключевые слова: инвестиция, спор, договор, иностранный инвестор.

Key words: investment, dispute, treaty, foreign investor.

Инвестиция соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ва бу соҳада юзага келадиган низоларни ҳал этиш азалдан долзарб масала бўлиб келган. Ўтмишда ушбу масала ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги боис асосан икки усулдан фойдаланиб келинган. Биринчидан, инвестиция қабул қилувчи давлат судига мурожаат этиш бўлса, иккинчидан, инвестиция киритган инвестор мамлакатининг дипломатик йўллар билан инвестиция қабул қилувчи давлатга босим ўтказиш бўлган.

Инвестиция қабул қилувчи давлат судига мурожаат этиш кўп ҳолларда самарасиз бўлиб, низоларни ҳолисона ҳал этилишига олиб келмас эди. Иккинчи усулда эса тобора ривожланиб бораётган давлатлараро муносабатлар ўртасига раҳна солиши кўринди ҳамда бу усулдан асосан кўпол қонун бузилишларни бартараф этиш, яъни экспроприация бўлганда фойдаланиларди. Бундан ташқари, бу борада амалда бўлган халқаро одат ҳуқуқи ҳам самарасиз эди. Бунга сабаб, айнан низоларни ҳал этишдаги таъсирчан ва самарали механизмларнинг мавжуд эмаслигида бўлди.

Давлатлараро тузилган инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар эса ўз олдига бошқа мақсадлар билан

бирга, айнан мазкур бўшлиқни тўлдиришни мақсад қилиб қўйди. Натижада кўплаб мазкур тоифадаги битимлар икки турдаги низоларни ҳал этиш масалаларини ўз ичига олди. Бунда, *биринчиси* аҳдлашаётган икки давлат ўртасидаги низоларни тартибга солиш бўлса, *иккинчиси* аҳдлашувчи томон билан бошқа аҳдлашувчи томон давлатининг инвестори ўртасидаги низоларни ҳал этиш тартибга солишдир. Бу эса ўз-ўзидан юзага келиши мумкин бўлган инвестициявий низоларнинг олдини олиб ҳал этилишига, фуқаролар ҳуқуқларининг чет элда кафолатланишига ҳамда бўлажак инвесторларга қонун устунлиги ҳурмат қилинишини кўрсатиш (сигнал бериш) имконини беради.

Аҳдлашаётган икки давлат ўртасидаги низоларни тартибга солиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг битимларида аҳдлашувчи томонлар ўртасидаги битимни талқин қилиш ва қўллашга доир низолар энг аввало, улар ўртасида дўстона йўллар орқали ҳал этилиши белгиланган. Хусусан, мазкур норма ўрганилган қирқдан ортиқ Ўзбекистон Республикаси билан тузилган инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларда ўз аксини топган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси би-

лан Германия Федератив Республикаси ўртасида сармоялар қўйишни амалга ошириш ва ўзаро ҳимоя қилишга кўмаклашиш тўғрисидаги шартномада¹ ушбу шартномани шарҳлаш ва қўллаш хусусида ҳар икки аҳдлашувчи томонлар ўртасидаги низоларни имкони борича томонларнинг ҳукуматлари ҳал этади дейилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимда² аҳдлашувчи томонлар ушбу битимни талқин қилиш ёки қўллаш бўйича ҳар қандай низоларни имкон қадар маслаҳатлашувлар ёки бошқа дипломатик йўллар орқали ҳал этадилар, деб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Франция Республикаси ҳукумати ўртасидаги сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битимда ҳам ушбу шартномани³ талқин қилиш ва қўллаш бўйича келиб чиқадиган келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ёки имкони бўлса дипломатик йўллар орқали ҳал қилиниши келишилган. Шунга ўхшаш, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Литва Республикаси ҳукумати⁴, Швейцария Конфедерацияси⁵, Бельгия-Люксембург Иқтисодий уюшмаси⁶, Малайзия ҳукумати⁷ ўртасидаги битимларда битимни талқин қилиш ва қўллашга тааллуқли, аҳдлашувчи томонлар ўртасидаги ҳар қандай низо имкон қадар дипломатик каналлар орқали ҳал этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларида агар аҳдлашувчи томонлар низо юзага келган вақтдан бошлаб кўп ҳолларда айнан олти ой мобайнида муросага кела олмасалар, исталган аҳдлашувчи томоннинг талабига кўра низони кўриб чиқиш учун арбитраж судига топширилиши белгиланган. Польша Республикаси билан тузилган битимда эса, мазкур муддат ўн икки ой этиб белгиланган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикаси, Баҳрайн Қироллиги ҳукумати⁸, Сингапур Республикаси ҳукумати⁹, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ҳукумати¹⁰, Нидерландия Қироллиги¹¹, Финляндия Республикаси ҳукумати¹², Бельгия-Люксембург Иқтисодий уюшмаси ҳамда Малайзия ҳукумати ўртасида тузилган битимларида эса, ушбу муддат умуман кўрсатилмаганлигини кўриш мумкин.

Низолар “ad hoc” арбитраж судида кўрилиб, мазкур судни шакллантириш тартиби ҳам Ўзбекистон Республикасининг шартномаларида батафсил ёритилган. Жумладан, келишилган тартибга кўра аҳдлашувчи томонлардан бири бошқа аҳдлашувчи томондан арбитраж суди тўғрисида талабнома олган кундан бошлаб икки ой

мобайнида ҳар бир аҳдлашувчи томон биттадан арбитраж суди аъзосини тайинлайди. Сўнгра бу арбитраж судининг икки аъзоси кейинги икки ой мобайнида учинчи давлат фуқароси бўлиши лозим бўлган арбитраж судининг учинчи аъзосини танлайди. Иккала аҳдлашувчи томоннинг маъқулловига кўра арбитраж судининг учинчи аъзоси арбитраж судининг раиси этиб тайинланади.

Шу билан бирга, айнан мазкур ҳолатларда келиб чиқиши мумкин бўлган низолар ҳам Ўзбекистон Республикасининг битимларида тартибга солинган. Яъни, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Литва Республикаси ҳукумати ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битимда агар битимда қайд этилган даврда арбитраж суди таъсис этилмаса, бошқа келишувлар мавжуд бўлмаган ҳолда, исталган аҳдлашувчи томон зарурий тайинловларни амалга ошириш хусусида Халқаро суд раисига илтимос билан мурожаат этиши мумкинлиги келишилган. Шу билан бирга, раис аҳдлашувчи томонлардан бирининг фуқароси бўлса ёки бошқа сабабларга кўра қайд этилган вазифани бажара олмаса, зарурий тайинловлар раис муовини томонидан амалга оширилиши белгилаб олинган. Агар раис муовини ҳам аҳдлашувчи томонлардан бирининг фуқароси бўлса ёки бошқа сабабларга кўра ушбу вазифани бажара олмаса, зарурий тайинловларни амалга ошириш учун аҳдлашувчи томон ҳеч қайсисининг фуқароси бўлмаган, Халқаро суднинг юқори лавозимдаги аъзоси таклиф этилиши мумкинлиги ҳам кўрсатилган. Шунга ўхшаш нормалар Ўзбекистон Республикасининг бир қатор бошқа давлатлар билан имзолаган битимларида ҳам акс эттирилган.

Низоларни тинч йўл билан ҳал этилиши борасида Ўзбекистон Республикасининг бир қанча битимларида учрайдиган тажриба бу алоҳида тарзда белгиланган арбитражнинг ҳар қандай босқичида қарор қабул қилишдан аввал суд аҳдлашувчи томонларга низони дўстона йўл билан ҳал этиш имконини тақдим этишга ҳақли эканлигидир. Бунда агар аҳдлашувчи томонлар шундай қарорга келсалар, бундан аввалги қоидалар низони ҳал этишга тўсқинлик қилолмаслиги белгилангандир. Жумладан, шундай нормани Ўзбекистон Республикаси билан Португалия Республикаси¹³, Болгария Республикаси¹⁴, Латвия Республикаси¹⁵, Вьетнам Социалистик Республикаси¹⁶, Озарбайжон Республикаси¹⁷, Қозоғистон Республикаси¹⁸, Туркманистон Республикаси¹⁹, Қирғиз Республикаси²⁰, Индонезия Республикаси²¹, Молдова Республикаси, Нидерландия Қироллиги ҳамда Грузия Республикаси билан тузилган битимларда учратиш мумкин. Мазкур норма билан томонларга қўшимча имконият аниқ белги-

лаб қўйилганлиги низоларни ҳар қандай босқичда дўстона ҳал этилиши қанчалик муҳимлигининг белгиси сифатида кўриш мумкин.

Аҳдлашувчи томон билан бошқа аҳдлашувчи томон давлатининг инвестори ўртасидаги низоларни ҳал этишни тартибга солиш борасида Ўзбекистон Республикасининг инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги ўрганилган қирқдан ортиқ битимларида вужудга келиши мумкин бўлган низолар, энг аввало, дўстона йўллар, хусусан, музокаралар, консультациялар, дипломатик каналлар билан ҳал этилиши деярли барча битимларда белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бельгия-Люксембург Иқтисодий уюшмаси ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимда низолар имкон қадар музокаралар орқали ҳал этилишининг белгиланиши билан бир қаторда, лозим бўлганда учинчи томоннинг эксперт хулосаси олиниши орқали ҳамда дипломатик каналлар орқали ҳал этилиши лозимлиги кўзда тутилган. Худди шунингдек, Ўзбекистоннинг Франция Республикаси ҳукумати билан тузган битимида ҳам аҳдлашувчи томонларнинг сармоядорлари ўртасида сармояларни жойлаштиришга оид бўлган келишмовчиликлар икки томонлама дўстона музокаралар йўли билан ҳал қилиниши лозимлиги билдирилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикаси²², Қозоғистон Республикаси, Туркменистон Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Латвия Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Бангладеш Халқ Республикаси²³, Молдова Республикаси, Нидерландия Қироллиги ҳукумати, Исроил давлати ҳукумати²⁴, Грузия Республикаси билан тузган инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларида дастлабки тарзда низоларни дўстона йўллар орқали ҳал этиш кўзда тутилмаганлиги кўринади.

Ўзбекистоннинг ўрганилган қирқдан ортиқ битимларида низоларни тинч йўл билан ҳал этишда белгиланган муддат деярли барча шартномаларда олти ойни ташкил этади. Фақатгина, Ўзбекистоннинг Уммон Султонлиги, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги, Финляндия Республикаси билан тузган шартномаларида бундай муддат уч ой этиб белгиланганлиги кўринади.

Шунингдек, дўстона йўллар орқали низони белгиланган муддат давомида ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, битимларда бир нечта бошқа усуллардан фойдаланиш имкониятлари келишилган. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, бу борада низони ҳал қилишнинг энг кўп назарда тутилган

йўли бу низоларни ҳал этишда холисликни назарда тутувчи халқаро арбитраждир. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссиясининг Арбитраж регламентига (ЮНСИТРАЛ) мувофиқ “ad hoc” арбитраж судига ёки 1965 йил 18 мартда Вашингтон шаҳрида имзоланган Давлатлар билан бошқа давлатларнинг жисмоний ёки юридик шахслари ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал қилиш бўйича Конвенцияга²⁵ (Вашингтон Конвенцияси) мувофиқ таъсис этилган Инвестицияга оид низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказга низони ушбу Конвенция қоидаларига мувофиқ ҳал этилиши назарда тутилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, мазкур механизмлардан фойдаланиш имконияти деярли барча битимларда кўрсатилган. Бу эса, келиб чиқиши мумкин бўлган низолар ҳал этилишининг холислигини таъминлашга, давлатнинг низони ўз фойдасига ҳал этилиши борасида вужудга келиши мумкин бўлган шубҳаларнинг ва тазйиқларнинг олдини олишга ҳизмат қилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг битимларида амалиётда кам учрайдиган ҳолатни ҳам кўриш мумкин, яъни низо халқаро майдонда арбитраж орқали ҳал этилишидан олдин қўйилдиган талаб инвестицион фаолият олиб борилаётган ҳудуднинг ваколатли судига тақдим этилишининг белгиланишидир (“fork in the road”). Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ўртасидаги битимда низо дўстона йўл билан у юзага келган кундан бошлаб олти ой мобайнида низони ҳал этиш тўғрисидаги ариза ҳал қилинмаса, низо инвесторнинг талаби билан кўриб чиқиш учун инвестицион фаолият олиб борилаётган ҳудуднинг ваколатли судига тақдим этилиши белгиланган. Агар юзага келган низо юқорида тўхтаб ўтилган жараёнлар тўғрисида хабарнома берилган кундан йигирма тўрт ой ўтгандан сўнг ҳам ҳал этилмаса, инвестор низони кўриб чиқиш учун агар аҳдлашувчи томонлар бошқача келишмаган бўлса Вашингтон Конвенциясига мувофиқ ҳакамлик судига тақдим этилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси ҳукумати ўртасидаги битимда²⁶ эса, агар низо олти ой мобайнида дўстона тарзда ҳал этилмаган бўлса, иккала аҳдлашувчи томоннинг келишувига биноан, низо ҳал этиш учун:

а) инвестицияларга рухсат берган аҳдлашувчи томон давлатининг қонунчилигига мувофиқ унинг ваколатли суди ёки маъмурий органига;

б) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссиясининг Арбитраж регламентига (ЮНСИТРАЛ) мувофиқ “ad hoc” арбитраж судига тақдим этилиши белгиланган.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан Ўзбекис-

тон Республикасининг инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларида низолар қуйидаги усулларда ҳал этилиши мумкинлигини кўриш мумкин: дўстона йўллар, хусусан, музокаралар, консультациялар, дипломатик каналлар. Бу йўллар иш бермаганда эса, маҳаллий суд ёки халқаро арбитраж имконияти ҳам битимларда белгиланган. Мазкур усулларда ахдлашаётган икки давлат ўртасидаги низоларни тартибга солиш борасида имконият тақдим этилиши билан бир қаторда, ахдлашувчи томон билан бошқа ахдлашувчи томон давлатининг инвестори ўртасидаги низоларни ҳал этишни тартибга солишда ҳам мурожаат этиш мумкинлиги кўрсатилган.

Халқаро шартномалар билан чет эллик инвесторга тақдим қилинган турли хилдаги низоларни ҳал этиш усуллари, шу жумладан, арбитражнинг турли институтлари ва усулларидан фойдаланиш ҳуқуқи, халқаро арбитражнинг инвестицион низоларни ҳал қилишда шаклланган обрўсининг қанчалик катталигидан далолат беради. Сабаби, инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар орқали давлатларнинг арбитраж жараёнига аралашуш имконияти чекланиб, ҳолисликни янада таъминлашга эришилди. Бундан ташқари, арбитраж суди қарорининг томонлар учун мажбурийлиги келишилиб, қарорнинг тан олиниши ва ижро этилиши юзасидан нормалар ҳам инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларда ўз аксини топишига эришилди. Чунки, арбитраж судининг қарори фақат алоҳида ҳоллардагина, жумладан, агар арбитраж суди белгиланган тартибда тузилмаган бўлса ҳамда ўз ваколатлари доирасидан ташқарига чиқса, қарор лозим даражада асослантирилмаган бўлса, арбитражлардан бирининг пора олиши кузатилган бўлса ёки арбитраж суди кескин равишда белгиланган тартибдан четга чиқса²⁷, бекор бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, давлатлараро тузилган инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларнинг тўлақонли ҳамда самарали ишлаши учун механизмларга Вашингтон Конвенцияси асос солди. Ушбу Конвенциянинг халқаро ҳуқуқ манбаи сифатидаги ўрни ниҳоятда каттадир. Бунга сабаб унинг универсал характерга эгаллигидадир, яъни у территориял жиҳатдан чегараланмаган. Бу эса, ушбу Конвенция томонидан яратилган имкониятлардан ҳар қандай давлат фойдалана олишини англатади.

Шунингдек, Вашингтон Конвенциясининг яна бир ноёб томони шундаки, ушбу ҳужжат инвестиция низоларини ҳал этиш бўйича аниқ механизмларни ўзида мужассам эттирган халқаро-

ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, махсус орган — Инвестицияга оид низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказга ҳам асос солган. Ушбу марказ ўз олдига инвестицион низоларни ярашув ва арбитраж орқали ахдлашувчи томон билан бошқа ахдлашувчи томон давлатининг инвестори ўртасидаги низоларни ҳал этишни тартибга солиш мақсадини қўйган²⁸. Шу билан бирга, Вашингтон Конвенциясига асосан, агар томонлар низоларни ҳал этишни ёзма равишда марказ юрисдикциясига топширган бўлсалар, томонлар бир томонлама асосда мазкур келишувни рад қила олмасги ҳам белгиланган²⁹. Ўзбекистон Республикасининг Вашингтон Конвенциясига аъзолиги инвесторларга қўшимча имконият бериб, уларнинг қўшимча равишда ҳимояланганлигини кўрсатади.

Амалдаги шартномаларнинг ижросини кўрадиган бўлсак, хусусан, Исроил давлати ҳукумати билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида тузилган инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимга асосан *Metal-Tech v. Uzbekistan* ишида исроиллик инвесторлар Ўзбекистон Республикасига нисбатан низони халқаро арбитражда кўриб чиқишни сўраган. Низони кўриб чиқиш жараёнида Инвестицияга оид низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказ қошида ташкил этилган арбитраж суди *Metal-Tech* томонидан инвестиция ноқонуний йўл билан киритилгани боис, инвесторнинг даъвосини бир овоздан рад этган. Бу эса халқаро арбитраж соҳасида битимга асосан киритилган даъво ишини коррупция аралашганлиги боис биринчи марта қайтарилишига олиб келди³⁰.

Romak S.A.(Switzerland) v. The Republic of Uzbekistan ишини оладиган бўлсак, даъво Ўзбекистон Республикасининг Швейцария Конфедерацияси билан тузган битимга асосан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссиясининг Арбитраж регламентига (ЮНСИТРАЛ) мувофиқ “ad hoc” арбитраж судига киритилган. Лекин суд томонидан *Romak*нинг даъвоси битимда кўрсатилган инвестиция турига мос эмаслиги боис рад этилганини кўриш мумкин.

Шунингдек, ҳозирги кунга қадар АҚШ, Россия Федерацияси, Буюк Британия, Туркия каби мамлакатлар билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида тузилган инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларнинг амалдаги ижросини аниқ низолар юзасидан кўриб чиқилган ҳамда кўриб чиқиладиган ишлар мисолида кўриш мумкин. Мазкур битимлар асосида киритилган даъво аризалар кончилиқ, телекоммуникация, текстиль каби соҳалардадир³¹.

Шундай қилиб, инвестицияларни тартибга солувчи халқаро шартномалар инвестицион низо-

ларни ҳал этиш борасида турли ҳилдаги муҳим нормаларни ўзида экс эттиради. Бу эса ушбу нормалар кўптомонлама халқаро шартномаларнинг амал қилиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Инвесторлар учун муҳим бўлган имкониёт, яъни инвестиция қабул қилувчи давлатни лозим бўлганда тўғридан-тўғри судга бериш имконияти инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар билан тақдим қилинган мазкур битимларнинг энг катта ютуқларидан бўлди. Шунингдек, мазкур турдаги битимлар икки давлатнинг хоҳиш-иродаси асосида тузилиб, халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойили бўлмиш *pacta sunt servanda* асосида ушбу битимларнинг ижро этилиши мажбурийлиги таъмин-

ланди. Бундан ташқари, мазкур битимлар асосида амалга оширилган инвестициялар ҳамда инвесторлар икки давлат ҳимоясида бўлишига эришилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар икки суверен мамлакат ўртасида тузилган қонунан мажбурий кучга эга бўлган ҳужжатлардир. Мазкур битимлар тузилишининг негизида иқтисодий илдамлаш ва мамлакатни ривожлантириш ётади. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси энг аввало, ўз тажрибаси ҳамда халқаро ижобий тажрибадан келиб чиқиб, битимларнинг намунавий шаклини ишлаб чиқиши ва келгусида бошқа давлатлар билан



¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги капитал маблағлар солиш ва уларни ўзаро ҳимоя қилишга кўмаклашиш тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида”ги 943-XII сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 343-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 декабрдаги “Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-750-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52-сон, 535-модда.

³ UNCTAD’s database of international investment agreements (IIAs) <http://investmentpolicyhub.unctad.org/Download/TreatyFile/1293>, Last accessed: July 3, 2007.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 24 мартдаги “Ҳукуматлараро битимларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 92-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 5-сон, 6-модда.

⁵ UNCTAD’s database of international investment agreements (IIAs) <http://investmentpolicyhub.unctad.org/Download/TreatyFile/2328>, Last accessed: July 3, 2007.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, бир томондан, ва иккинчи томондан, Бельгия-Люксембург Иқтисодий Уюшмаси ўртасида инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битимни ратификация қилиш ҳақида”ги 682-I сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 182-модда.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 20 апрелдаги “Ҳукуматлараро битимларни тасдиқлаш тўғрисида”-ги 162-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1664305

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 7 январдаги “Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-1256-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, 1-сон, 51-модда.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 14 августдаги “Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 352-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 15-16-сон, 128-модда.

¹⁰ UNCTAD’s database of international investment agreements (IIAs) <http://investmentpolicyhub.unctad.org/Download/TreatyFile/3543>, Last accessed: July 3, 2007.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 15 июлдаги “Ҳукуматлараро битимларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 251-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2293666

¹² UNCTAD’s database of international investment agreements (IIAs) <http://investmentpolicyhub.unctad.org/Download/TreatyFile/1223>, Last accessed: July 3, 2007.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 февралдаги “Ҳукуматлараро битимларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 59-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 3-4-сон.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 14 августдаги “Ҳукуматлараро битимларни тасдиқлаш тўғрисида”-ги 348-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2170602.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 январдаги “Ҳукуматлараро битимларни тасдиқлаш тўғрисида”-ги 32-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1184780.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 15 июлдаги “Ҳукуматлараро битимларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 251-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2293666.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 3 июлдаги “Ҳукуматлараро битимларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 232-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1629392.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 июлдаги “Ҳукуматлараро битимларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 348-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1185334.

айнан мукамал тарзда ишлаб чиқилган, ҳар бир масалани ўз ичида аниқ акс эттирган битимлар лойиҳаларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, мамлакатимизда инвестицион муҳитни яхшилашга доир кенг қўламли ишлар амалга оширилаётган даврда ҳорижий мамлакатга инвестиция киритиш учун қарор қабул

қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилувчи Ўзбекистон Республикасининг инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларининг потенциал инвесторлар учун ҳам очиклигини таъминлаш юзасидан турли имкониётлардан фойдаланишни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.



¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 мартдаги “Ҳукуматлараро битимларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 86-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2290350.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 январдаги “Ҳукуматлараро битимларни тасдиқлаш тўғрисида”-ги 32-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1184780.

²¹ Юқоридаги манбада.

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 18 июлдаги “Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-1580-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, 7-сон, 186-модда.

²³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 августдаги “Ҳукуматлараро битимларни тасдиқлаш тўғрисида”-ги 332-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 йил, 4-сон, 81-модда.

²⁴ UNCTAD’s database of international investment agreements (IIAs) <http://investmentpolicyhub.unctad.org/Download/TreatyFile/4998>, Last accessed: July 3, 2007.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 7 майдаги “Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Қонвенцияга қўшилиш ҳақида”ги 881-XII сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 6-сон, 265-модда.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 9 августдаги “Ҳукуматлараро битимларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 382-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=1671770.

²⁷ Давлатлар билан бошқа давлатларнинг жисмоний ёки юридик шахслари ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал қилиш бўйича Конвенция, 52-модда.

²⁸ Юқоридаги манба. 1-модда.

²⁹ Юқоридаги манба. 25-модда.

³⁰ *italaw* (2015), *Metal-Tech Ltd. v. Republic of Uzbekistan*, ICSID Case No. ARB/10/3 <https://www.italaw.com/sites/default/files/case-documents/italaw3012.pdf>, Last accessed: July 01, 2017.

³¹ International Centre for Settlement of Investment Disputes. (2017) <https://icsid.worldbank.org/en/Pages/cases/AdvancedSearch.aspx> Last accessed: July 01, 2017.

Джахонгир ШИРИНОВ,
депутат Законодательной палаты Олий Мажлиса

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИНСТИТУТОВ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

◆ Мақолада Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг самарали фаолият юритиши учун зарур шароитларни яратишга қаратилган ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилганлиги кўрсатилган. Мамлакатда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш босқичлари таҳлил этилган.

◆ В статье описывается создание законодательной базы для создания необходимых условий для эффективного функционирования ННО и других институтов гражданского общества в Узбекистане и отвечающая общепризнанным принципам и нормам международного права. Проанализированы этапы создания правовых основ деятельности институтов гражданского общества в стране.

◆ The article describes the creation of a legislative framework for creating the necessary conditions for the effective functioning of NNOs and other civil society institutions in Uzbekistan and meeting the generally recognized principles and norms of international law. The stages of creation of legal bases of activity of institutes of a civil society in the country are analyzed.

Таянч сўзлар: нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, кафолат, қўлаб-қувватлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, жамоатчилик назорати, давлат органи.

Ключевые слова: негосударственные некоммерческие организации, институты гражданского общества, гарантия, поддержка, государственная регистрация, общественный контроль, государственный орган.

Key words: non-governmental non-profit organizations, civil society institutions, guarantee, support, state registration, public control, state body.

Необходимо отметить, что в Узбекистане ведется большая работа по поддержке деятельности негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества. Еще в 1991 году, в столь исторически трудный период, принятие закона «Об общественных объединениях в Республике Узбекистан»¹, ещё раз доказывает правильность избранного пути Узбекистаном строительства правового государства и гражданского общества.

Сегодня в Узбекистане создана отвечающая общепризнанным нормам и принципам международного права законодательная база, направленная на создание необходимых условий для эффективной деятельности ННО и других институтов гражданского общества.

В частности, за истекший период было принято более двухсот законодательных актов, направленных на усиление роли и значения гражданских институтов в решении социально-экономических проблем.

В целом, процесс создания правовых основ деятельности институтов гражданского общества в Узбекистане, можно разделить на четыре эта-

па.

Первый этап, с 1991 по 2000 год — этап первоочередных реформ, формирования законодательных основ создания и деятельности институтов гражданского общества.

В первую очередь, это принятие в 1992 году Конституции Республики Узбекистан. Так, защита прав и законных интересов ННО закреплена на уровне Конституции страны. Например, ст.58 Конституции гласит, что «Государство обеспечивает соблюдение прав и законных интересов общественных объединений, создает им равные правовые возможности для участия в общественной жизни». Более того, XIII глава Основного закона полностью посвящена общественным объединениям.

В этот период также был принят ряд законодательных актов, регулирующих порядок создания и функционирования институтов гражданского общества. В частности, это законы «Об общественных объединениях в Республике Узбекистан» (1991 год), «О профессиональных союзах, правах и гарантиях их деятельности» (1992 год)², «О политических партиях» (1996 год), «О негосу-

дарственных некоммерческих организациях» (1999 год)³ и другие.

В этих актах закреплены права и обязанности ННО, а также правовые рамки их деятельности.

Например, согласно ст.7 Закона «О негосударственных некоммерческих организациях», ННО имеют право:

- представлять и защищать права и законные интересы своих членов и участников;
- выступать с инициативами по различным вопросам общественной жизни, вносить предложения в органы государственной власти и управления;
- участвовать в выработке решений органов государственной власти и управления;
- распространять информацию о своей деятельности;
- учреждать средства массовой информации и осуществлять издательскую деятельность;
- создавать предпринимательские структуры для выполнения уставных задач;
- учреждать свою символику;
- проводить собрания, конференции по вопросам своей деятельности;
- открывать представительства и создавать филиалы и другие.

Второй этап в период с 2000 по 2010 год — характеризуется дальнейшим обеспечением гарантий деятельности институтов гражданского общества и укреплением их материально-технического потенциала.

Так, для активизации деятельности политических партий, укрепления их материально-финансового положения, важное значение имело принятие в 2004 году Закона «О финансировании политических партий»⁴.

В этот период также были приняты законы «Об общественных фондах» (2003 год)⁵, «О гарантиях деятельности негосударственных некоммерческих организаций» (2007 год)⁶, «О благотворительности» (2007 год)⁷ и др.

Закон «О гарантиях деятельности негосударственных некоммерческих организаций» дал возможность широкого практического применения механизмов государственной поддержки в виде государственных субсидий, социальных заказов и грантов.

Также, этим законом определены такие правовые гарантии ННО, как свобода деятельности, доступ к информации, права собственности, а также установлена защита деловой репутации, результатов интеллектуальной деятельности и защита от неправомерных решений государственных органов, действий (бездействий) их должностных лиц.

В целях практической реализации вышеуказанного закона в 2008 году было принято совместное постановление Кенгашей палат Олий Маж-

лиса «О мерах по усилению поддержки негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества»⁸.

В соответствии с данным постановлением при высшем законодательном органе создан Общественный фонд по поддержке ННО и других институтов гражданского общества, а также Парламентская комиссия по управлению средствами данного фонда, в состав которой вошли также представители ведущих ННО и других институтов гражданского общества.

Следует отметить, что за истекший период из государственного бюджета для реализации различных социально-значимых проектов институтов гражданского общества вышеуказанному Общественному фонду выделены средства в размере около 60 млрд. сум. Указанные средства по решению Парламентской комиссии использованы для поддержания инициатив институтов гражданского общества путем проведения грантовых конкурсов, выделения субсидий и размещения социальных заказов.

Важным фактором обеспечения финансовой устойчивости ННО являются предусмотренные в законодательстве льготы по уплате налогов и других обязательных платежей. Так, в соответствии с Налоговым кодексом, ННО освобождаются от выплаты налога на прибыль юридических лиц (ст.126); налога на добавленную стоимость (ст.197); налога на имущество юридических лиц (ст.265); земельного налога с юридических лиц (ст.279); налога за пользование водными ресурсами (ст.257) и др.

Государство, как основной инициатор и гарант проведения социальных реформ, предприняло активные организационно-правовые меры по поддержке ННО, осуществляющих свою деятельность в сфере социальной защиты уязвимых слоев населения, поддержке молодежи, женщин, развития спорта и т.д. На сегодняшний день насчитывается более 60 ННО, при регистрации, которых были приняты решения Правительства. В их числе Фонд социальной поддержки ветеранов «Нуроний», благотворительный общественный фонд «Махалла», общественное движение молодежи «Камолот», фонды «Меҳр нури», «Сен ёлгиз эмассан», Комитет женщин Узбекистана и многие другие. Это свидетельствует о том, что ННО играют огромную роль в реформировании и модернизации страны и постоянно находятся в центре внимания государства.

Третий этап, с 2010 года по 2014 год — является эпохой дальнейшего развития институтов гражданского общества, создания правовых основ их равноправного партнерства с государственными органами. На фоне реализации системных мер в рамках Концепции, которая в ноябре 2010 года была выдвинута Первым Прези-

дентом Республики Узбекистан И.А.Каримовым на совместном заседании палат Олий Мажлиса, принят ряд законов.

Так, в новой редакции приняты Законы «Об органах самоуправления граждан»⁹ и «О выборах председателя схода граждан и его советников»¹⁰.

Принят Закон «О социальном партнерстве»¹¹, который определяет правовой механизм взаимодействия государственных органов с негосударственными некоммерческими организациями и другими институтами гражданского общества в разработке и реализации программ социально-экономического развития страны, а также нормативно-правовых актов и иных решений, затрагивающих права и законные интересы граждан.

В соответствии с данным Законом при органах представительной власти на местах образованы общественные комиссии, ответственные за содействие углублению социального партнерства между государственными органами

и институтами гражданского общества. В состав данных комиссий вошли также представители «третьего сектора».

В совершенствовании законодательства в данном этапе, важное значение имеет принятое Постановление Президента Республики Узбекистан от 12 декабря 2013 года №ПП-2085 «О дополнительных мерах по оказанию содействия развитию институтов гражданского общества»¹². В целях практической реализации данного постановления, 10 марта 2014 года принято Постановление Кабинета Министров №57 «О мерах по реализации Постановления Президента Республики Узбекистан от 12 декабря 2013 года № ПП-2085 «О дополнительных мерах по оказанию содействия развитию институтов гражданского общества»¹³.

В соответствии с вышеуказанными актами законодательства совершенствованы и значительно упрощены организационно-правовые вопросы деятельности ННО. В частности:

Во-первых, снижены в 5 раз ставки государственных пошлин за государственную регистрацию ННО, и в 2,5 раза размеры сборов, взимаемых за государственную регистрацию их символов.

Не взимается государственная пошлина за государственную регистрацию обособленных подразделений ННО являющихся юридическими лицами;

Во-вторых, снижен с двух до одного месяца срок рассмотрения заявления о государственной регистрации ННО;

В-третьих, упразднен институт принятия решения об оставлении без рассмотрения представленных заявлений о регистрации, что существенно облегчает право заявителей обжаловать ре-

шение регистрирующего органа в судебном порядке;

В-четвертых, упрощена процедура оформления учредительных документов, в том числе исключено требование о нотариальном заверении, а также учредительные документы теперь представляются не в трех, как это было раньше, а только в двух экземплярах и только на одном – государственном языке;

В-пятых, упрощен порядок подачи документов на перерегистрацию ННО, исключены требования о предоставлении излишних документов;

В-шестых, отменена практика ежеквартального предоставления в органы юстиции сведений о принятых решениях руководящих органов ННО;

В-седьмых, на ННО не распространяется положение ст.53 Гражданского кодекса Республики Узбекистан¹⁴, предусматривающее в качестве основания для ликвидации юридических лиц неосуществление ими финансово-хозяйственной деятельности с проведением денежных операций по банковским счетам в течение шести месяцев.

Примечательным является то, что на Министерство юстиции, являющееся органом надзора за деятельностью ННО, возложена задача по обеспечению соблюдения прав и законных интересов ННО.

Четвертый этап, охватывающий период с 2014 года по настоящее время, характеризуется становлением институтов гражданского общества как реальные субъекты общественного контроля. В соответствии с внесенными в 2014 году изменениями и дополнениями в ст.32 Конституции¹⁵ страны, институт общественного контроля приобрел конституционный статус.

На сегодняшний день институты гражданского общества являются не только равноправными партнерами государственным органам, но и осуществляют общественный контроль над их деятельностью. Такой контроль направлен на обеспечение конституционного права граждан участвовать в управлении делами общества и государства как непосредственно, так и через своих представителей, обеспечение открытости и прозрачности деятельности государственных органов, повышение ответственности их должностных лиц перед обществом.

В Законодательную палату Олий Мажлиса внесен и находится на стадии обсуждения проект Закона «Об общественном контроле», предусматривающий создание правового механизма осуществления со стороны институтов гражданского общества контроля за деятельностью государственных органов и их должностных лиц.

Как правильно отметил Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев на торжественном церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан: «...особое внимание мы бу-

дем уделять укреплению института общественно-го контроля как важнейшей основы народовластия, а именно – обеспечению исполнения требований, закрепленных в статье 32 Конституции нашей страны...»¹⁶.

Принят Закон «Об открытости деятельности органов государственной власти и управления»¹⁷. Впервые в правоприменительной практике Узбекистана принятию данного закона предшествовало проведение правового эксперимента по апробации проекта данного закона на базе органов государственной власти. Вовлечение таких субъектов общественного контроля, как средства массовой информации, ННО и самих граждан в процесс проведения правового эксперимента показало эффективность нового метода использования потенциала институтов гражданского общества.

В законотворческой деятельности практикуется внесение отдельных норм, направленных на установление прав институтов гражданского общества по осуществлению общественного контроля. Например, в ст.19 Закона «О государствен-

ной молодежной политике»¹⁸, принятого 19 сентября 2016 года предусмотрено, что ННО осуществляют общественный контроль за исполнением законодательства, реализацией государственных и территориальных программ в области государственной молодежной политики. Участие институтов гражданского общества в осуществлении общественного контроля также предусмотрено в законах «Об охране и использовании животного мира» (в новой редакции)¹⁹, «Об охране и использовании растительного мира» (в новой редакции)²⁰, «О ветеринарии» (в новой редакции)²¹, «О санитарно-эпидемиологическом благополучии населения»²² и др.

Таким образом, законодательное регулирование деятельности институтов гражданского общества, направлено на расширение участия граждан в общественно полезной деятельности, повышение общественно-политической активности ННО, обеспечение их устойчивости, развития, самостоятельности, а также, усиление роли и влияния институтов гражданского общества на принятие важнейших государственных решений.



¹ Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1991 г., № 4, ст. 76.

² Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1992 г., № 9, ст. 344.

³ Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1999 г., № 5, ст. 115.

⁴ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2004 г., № 21, ст. 248.

⁵ Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2003 г., № 9-10, ст. 141.

⁶ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2007 г., № 1-2, ст. 2.

⁷ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2007 г., № 17-18, ст. 174.

⁸ Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2008 г., № 7, ст. 409.

⁹ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2013 г., № 17, ст. 219.

¹⁰ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2013 г., № 17, ст. 220.

¹¹ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2014 г., № 39, ст. 488.

¹² Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2013 г., № 51, ст. 660.

¹³ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2014 г., № 11, ст. 126.

¹⁴ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2014 г., № 50, ст. 588.

¹⁵ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2014 г., №16, ст. 176.

¹⁶ Выступление Ш.Мирзиёева на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан на Совместном заседании палат Олий Мажлиса, 14 декабря 2016 года.

¹⁷ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2014 г., № 12, ст. 209.

¹⁸ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2016 г., № 37, ст. 426.

¹⁹ Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1998 г., № 1, ст. 14.

²⁰ Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1998 г., № 1, ст. 12.

²¹ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2016 г., № 1, ст. 1.

²² Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2015 г., № 34, ст. 451.

Дилшод АРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси ўринбосари,
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов
муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази директори

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШДА МУҲИМ ҚАДАМ

◆ Ушбу мақола судларнинг чинакам мустақиллиги, улар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги ҳамда судьялар дахлсизлигини таъминлаш, уларнинг фаолиятини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш ва Ўзбекистонда ягона суд амалиётини жорий этишда Судьялар олий кенгаши ва унинг ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот марказининг ўрни ва аҳамиятига бағишланган.

◆ Данная статья посвящена роли и значению Высшего судебного совета и Исследовательского центра изучения проблем правосудия при Высшем судебном совете в обеспечении подлинной независимости судов, открытости и прозрачности их деятельности, неприкосновенности судей, усовершенствовании законодательства в судебно-правовой сфере, а также организации единой судебной практики на всей территории Узбекистана.

◆ This article is devoted to the role and importance of the Supreme Judicial Council and the Research Center for the Study of Justice Problems under the Supreme Judicial Council in ensuring the true independence of the courts, their openness and transparency, the immunity of judges, the improvement of legislation in the judicial and legal sphere, and the organization of a uniform judicial practice throughout the territory of Uzbekistan.

Таянч сўзлар: Судьялар олий кенгаши, Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази, суд фаолияти, суд амалиёти, судларнинг мустақиллиги, судьялар дахлсизлиги.

Ключевые слова: Высший судебный совет, Исследовательский центр изучения проблем правосудия, судебная деятельность, судебная практика, независимость судов, неприкосновенность судей.

Key words: Supreme Judicial Council, Research Center for the Study of Justice Problems, judicial activity, court practice, independence of the courts, inviolability of judges.

Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламдаги суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти, дунёқараши тобора юксалмоқда. Буни 2016 йилда “Ижтимоий фикр” маркази томонидан ўтказилган ижтимоий сўровлар натижалари ҳам тасдиқлайди. Унга кўра, респондентларнинг 77,2 фоизи ҳуқуқи бузилса судга мурожаат қилишини, 89,9 фоизи судлар қарор қабул қилишида қонунга асосланишига ишониши, 71,8 фоизи судларнинг мустақиллиги таъминланганини эътироф этган.

Ҳозирги тезкор даврда ана шу ютуқлар билан кифояланиб қолиш мумкин эмас. Яъни соҳани янги поғонага кўтариш ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимоясига нисбатан эскича қарашдан бутунлай воз кечиш давр талабидир. Хусусан, судлар мустақиллигини янада кучайтириш, суд иши юртишни соддалаштириш, фуқаролар мурожаатларига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, жиноий жазоларни енгиллаштириш, қатор

йўналишларда аниқ вазифаларни белгилаб олиш зарурати юзага келмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда жорий йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ва 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шу ҳужжатлар ижроси доирасида мамлакатимиз тарихида илк бора судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланган ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашиш вазифаси юклатилган Ўзбекистон

Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”-ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, кенгаш раис, раис ўринбосари, унинг аъзолари ва котибидан – жами йигирма бир нафар кишидан иборат таркибда судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан шакллантирилиши белгиланган. Шунга кўра, Президентимизнинг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5006-сонли Фармони асосида кенгаш аъзоларининг таркиби тасдиқланиб, у бугунги кунда ўзининг фаолиятини тўлақонли амалга ошириб келмоқда.

Кенгаш зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилган:

- судьялик лавозимларига номзодларни танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш йўли билан судьялар корпусини шакллантириш;

- судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

- судьяларни касбий тайёрлаш, малакасини оширишни ташкил этиш, уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш, шунингдек судьяларни рағбатлантириш бўйича ташаббус кўрсатиш;

- оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик олиб бориш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш, судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалалари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

- судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш, шунингдек уларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортишга хулоса бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ва ҳ.к.

Қайд этиш лозимки, Судьялар олий кенгаши зиммасига нафақат судьялар корпусини шакллантириш ҳамда уларнинг фаолиятига оид масалаларни ҳал қилиш, балки суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражаси ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш вазифалари ҳам юклатилган. Кенгаш томонидан ушбу вазифалар унинг ҳузурида ташкил этилган Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот марказининг бевосита фаолияти асосида амалга оширилади.

Мазкур тузилма фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси давлатимиз раҳбарининг 2017 йил

19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори ҳисобланади. Унда тадқиқот марказининг Низоми ва тузилмаси тасдиқланиши билан бирга, унинг асосий вазифалари ҳам белгилаб берилган.

Аввало, Тадқиқот маркази суд фаолияти соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни, суд амалиёти ва суд иши юритуви тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш вазифасини бажаради. Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг одил судловга эришиш, уни сифатли амалга ошириш, ишларни ўз вақтида кўриб чиқиш соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича суд фаолиятига аралаштириш ҳолатига барҳам бериш ҳамда фуқароларнинг суд тизимига ишончини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ҳам рўёбга чиқаради.

Шунингдек, марказ ягона суд амалиётини таъминлаш ва судлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини бир хилда қўллаш, фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий қонунчилик, судларнинг мустақиллигини таъминлаш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларини ўрганиш, уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Айтиш жоизки, бундай кенг кўламли вазифаларни рўёбга чиқаришда марказ Олий суд, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари, илмий ва таълим муассасалари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг кўмагига таянади.

Марказ зиммасига жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритишни тизимли таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича ҳам бир қатор янги функциялар юклатилганини таъкидлаш жоиз. Бу борада марказ томонидан суд қарорларини қайта кўриб чиқиш муаммолари, суд ҳужжатлари ижро этилишининг аҳоли ўрганилади ҳамда судлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва судьяларнинг иш ҳажмини мақбуллаштиришга оид тадқиқотлар олиб борилади.

Бундан ташқари, судьяликка номзодларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, амалдаги судьялар малакасини оширишнинг замонавий усуллари ва янги ёндашувларини тадқиқ қилиш, суд кадрларини ўқитиш ва қайта тайёрлашнинг миллий тизимини такомиллаштириш, соҳа фаолиятига илгор илмий-техник воситалар ва ахборот-комму-

никация технологиялари ҳамда замонавий шакл ва усулларни кенг жорий этиш бўйича таклифлар киритади.

Маълумки, жорий йилнинг 13 июнь куни Тошкент шаҳрида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қамровли ишлар амалга оширилганини қайд этиш билан биргаликда, бу борада ҳали ўз ечимини топмаган камчилик ва муаммоларни атрофлича таҳлил қилиб, муҳим амалий таклифлар билдирди. Хусусан, муҳтарам Президентимиз суд фаолиятини амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш, суд ишини ўрганиш, муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тизимли тадбирлар жорий этилмасдан келинганлигига алоҳида тўхталиб, Олий суд ҳузурида ташкил этилган Тадқиқот маркази бу соҳада фақат номига иш юритганлиги, бу ўз навбатида, Олий суднинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти сифатидаги қонун ижодкорлиги фаолиятига салбий таъсир кўрсатганлиги, яъни 2010-2015 йиллар давомида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган 140 та қонуннинг атиги 7 таси Олий суд ташаббуси билан киритилганини қониқарли деб бўлмаслиги хусусида танқидий фикрларни билдирди.

Ушбу нутқда кўтарилган муаммолар шу йилнинг 6 июль куни пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида ўтказилган йиғилишда қабул қилинган мамлакатимиз судьяларининг Ўзбекистон халқига мурожаатида ҳам ўз ифодасини топди.

Мазкур мурожаатда суд амалиётини доимий таҳлил қилиб бориш асосида тизимли қонун бузилишларни аниқлаш ҳамда ушбу соҳадаги камчиликларни қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш йўли билан бартараф этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбир-

ларни амалга ошириш каби муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Бу борада Тадқиқот марказининг 2017 йилга мўлжалланган таҳлилий ишлар ва ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар Дастури ишлаб чиқилиб, у Судьялар олий кенгашининг қарори билан тасдиқланди. Дастурда суд-ҳуқуқ соҳасига оид 100 дан ортиқ таҳлилий ишлар ва 50 дан ортиқ тадқиқотларни амалга ошириш назарда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунга қадар Тадқиқот маркази томонидан ишлаб чиқилган амалдаги қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақидаги 5 та қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган бўлса, яна 8 та қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилиш арафасида. Бундан ташқари, қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ишлаб чиқилган 8 та қонун лойиҳаси тегишли давлат органларига белгиланган тартибда келишиш учун юборилган.

Мазкур вазифаларнинг изчил ижроси, шубҳасиз, судлов ишларининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига, мамлакат ҳудудида ягона суд амалиётини жорий этишга, қабул қилинадиган суд ҳужжатларининг нафақат миллий қонун ҳужжатларига, балки халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келишини таъминлашга, бу, ўз навбатида, судларнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи, уларнинг кундалик ва меҳнат фаолияти жараёнида вужудга келадиган ҳар қандай тўсиқ ва муаммоларни фақат қонун асосида ҳал қилувчи том маънодаги ишончли органга айланишига замин яратади.

Умуман олганда, Судьялар олий кенгаши ва унинг ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга қаратилган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда судларнинг чинакам ҳуқуқ ҳимоячиси сифатида шаклланишига муносиб ҳисса қўшади.



Бахтиёр ПЎЛАТОВ,
Бош прокуратураининг Олий ўқув курслари
катта ўқитувчиси, юридик фанлар доктори, профессор

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ ТУШУНЧАСИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ, УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ

- ◆ Мақолада тезкор-қидирув фаолиятининг тушунчаси, мақсад ва вазифалари, уни амалга ошириш принципларига доир фикр-мулоҳазалар баён этилган, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан муайян таклифлар ишлаб чиқилган.
- ◆ В статье изложены понятия, цели и задачи оперативно-розыскной деятельности, мнения и точки зрения касательно принципов ее реализации, и разработаны соответствующие предложения по совершенствованию законодательства.
- ◆ The article outlines the concepts, goals and objectives of the operational-investigative activity, opinions and reasoning concerning the principles of its implementation, and certain proposals have been developed to improve legislation.

Таянч сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, ёзишмалар, телефон сўзлашувлари, почта, курьерлик жўнатмалари, телеграф хабарлари.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, законность, правопорядок, переписки, телефонные переговоры, почта, курьерская доставка, телеграфные сообщения.

Key words: operational-investigative activity, legality, rule of law, correspondence, telephone conversations, mail, courier mail, telegraphic messages.

Мамлакатимизда барпо қилинаётган ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим шартларидан бири қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг дахлсизлигини таъминлашдан иборат. Республикамиз Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди”¹.

Қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, шак-шубҳасиз, давлат томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирларни ўз ичига олади. Булар жумласига ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, сиёсий йўналишдаги чора-тадбирлар, тарбия, огоҳликка ундаш ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар қиради. Қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари билан ҳисоблашишни ис-тамаган шахсларга нисбатан эса ўз-ўзидан маълум мажбурлов чоралари қўлланилиши лозим.

Жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ фаолият қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда асосий ўринлардан бирини эгаллаб келган ва ҳозир ҳам долзарб бўлиб турибди. Шу сабабли қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг олдини

олиш, уларга йўл қўймаслик, жиноят содир бўлган тақдирда — ўз вақтида айбдор шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни қўллаш борасидаги ишлар доимо давлат органларининг эътиборида бўлиб келмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий адолат тамойиллари асосида иш кўриш, қонун устуворлигини таъминлаш, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бу борада профилактика чораларини тобора кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислох этиш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилангани — қайд этилган соҳага доир чора-тадбирларни жадаллаштиришнинг ёрқин намунаси-дир.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”-ги², 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги³, 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги⁴ Қонунлар ва охириги йилларда қабул қилинган бошқа норматив ҳужжатлар жиноятчиликка қарши курашиш

самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш, бу органлар ходимларининг масъулиятини оширишга қаратилган.

Охирги қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ жиноят ишлари бўйича суриштирув ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг жойлардаги бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари суриштирувчилари томонидан олиб борилади (ЖПК, 38-модда).

Жиноят-процессуал кодексига киритилган янги “Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар” функциясини белгиловчи нормага мувофиқ, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга ҳақли бўлиб, улар зиммасига ҳам жиноятчиликка қарши курашиш борасида зарур чоралар кўриш вазифаси, шу жумладан, жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ЖПК қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилгандан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, зарур чоралар кўриш вазифаси юклатилган (ЖПК, 39¹-модда).

Жиноятчиликка қарши курашнинг самарадорлигини оширишда жиноятнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик, жиноят содир бўлган тақдирда — айбдор шахсларни ўз вақтида аниқлаш, далилларни тўплаш ва сақлаш, яширинган гумон қилинувчилар ва айбланувчиларни қидириб топиш вазифаларини ўз зиммасига олган тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширувчи оператив бўлинмаларининг фаолияти муҳим рол ўйнайди. Бу фаолиятни амалга ошириш, унинг натижаларини далил сифатида процессуал расмийлаштириш тартиби ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларни нафақат суриштирувчи, терговчи, дастлабки тергов устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органлари ходимлари, шунингдек, судга тақдим қилинган далилларнинг мақбуллигини текширувчи судьялар ҳам мукамал билишлари зарур. Чунки суд ҳукми фақат суд муҳокамасида текширилган далилларга асосланган бўли-

ши шарт (ЖПКнинг 26, 455-моддалари). Демак, далилларнинг мақбуллиги ҳамда ишончилигига тўғри баҳо бериш судья томонидан далилларни (жумладан, ТҚФ натижаларини далил сифатида) расмийлаштириш тартибини билишни талаб қилади.

ЖПКнинг 339-моддаси белгилаган қоидаларга мувофиқ жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш, жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш суриштирув органлари вазифасига киритилган бўлиб, улар зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, жиноят-процессуал қонунчилиги қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилгандан сўнг жиноят ишида далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларини қўллаган ҳолда зарур тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш юклатилган.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунда тезкор-қидирув фаолиятига қўйидагича тушунча берилган: *“Тезкор-қидирув фаолияти махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият туридир”*.

Тезкор-қидирув фаолияти (бундан кейин – ТҚФ) – жиноятнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик ва содир этилган жиноятни тез ва тўла очишни таъминлаш мақсадида қонунда белгиланган давлат органлари оператив бўлимларининг ўз ваколатлари доирасида зарур бўлган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш орқали амалга ошириладиган ошқора ёки ноошқора ҳаракати бўлиб, у: шахс ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, жамият ва давлат хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш; жиноят содир этган, лекин терговга маълум бўлмаган шахсларни, содир этилган жиноят ҳолатларини, далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш; жиноят содир этишда гумон қилинаётган ва жиноят содир этган шахсларнинг қаердалигини аниқлаш мақсадида олиб борилади.

ТҚФ фаолиятининг асосий вазифалари: инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳимоя қилинишини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш; жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек, жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш; суриштирув, тергов орган-

ларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлайётган шахсларни, бедарак йўқолган шахслар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидиришни амалга ошириш, шунингдек таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш; шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ходисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақида ахборот тўплаш⁵дан иборат.

Бошқача қилиб кенгайтирилган тарзда таърифланса, ТҚФ — тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят, уни содир этган шахс, унинг турар жойи, нияти, алоқалари, жиноятни содир этиш ва яшириш йўллари; суриштирув, тергов ва суд органларидан яширинаётган, дараксиз йўқолган шахслар тўғрисидаги, шунингдек, далил манбалари бўлиши мумкин бўлган маълумотларни тўплашга қаратилган, қонун ва норматив ҳужжатлар асосида махсус тактик ва техник усуллардан фойдаланган ҳолда, ваколатли органлар томонидан ошкора ёки ноошкора ўтказиладиган нопроцессуал тадбир бўлиб, унинг натижаларидан фақат тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилади.

ТҚФ материаллари жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлиши, жиноят иши ўз юритувида бўлган суриштирув, тергов органларига, прокурорга тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун тақдим этилиши, шунингдек, бу материаллардан ЖПК нормаларига мувофиқ жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддаси шартларига риоя этилган ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг далиллар сифатида эътироф этилиши мумкин.

ТҚФ натижалари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор асосида суриштирув, тергов органларига, прокурорга техника воситаларидан фойдаланиш натижасида олинган материаллар қўшилган ҳолда тақдим этилади. Тақдим этиладиган материалларнинг ҳажми тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда белгиланади.

ТҚФни амалга оширувчи ходим ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида аниқланган жиноятни қасддан яширган тақдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлади⁶.

ТҚ хизмати органларининг юқорида қайд қилинган вазифалари илгари ҳам, ҳозирда ҳам мустақил характерга эга бўлмаган, улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларни очиш

ва тергов қилиш фаолиятига бўйсунувчи характерга эга бўлиб, муҳим принципиал қоида ҳисобланади.

Тезкор-қидирув тадбирларининг турлари: сўров; маълумотлар тўплаш; қиёсий текширув учун намуналар йиғиш; текшириш учун харид қилиш; назорат остида олиш; предметларни ва ҳужжатларни текшириш; тезкор кузатув; шахснинг айнанлигини аниқлаш; турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини ва транспорт воситаларини текшириш; почта, курьерлик жўнатмаларини, телеграф хабарларини ва бошқа хабарларни назорат қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш; алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш; тезкор киритиш; назорат остида етказиб бериш; ниқобланган операция; тезкор эксперимент ҳаракатдаги тадбирлардан иборат⁷.

ТҚФ натижасида жиноят, уни содир этган шахс тўғрисида, жиноят иши бўйича исбот қилиш предметига кирадиган ишга алоқадор муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа маълумотлар (хабар, ахборот), шунингдек оператив характердаги ахборотлар берувчи ҳужжатлар ва нарсалар, фотосурат, киноленталар, фонограмма, видеокассета-лар олиниши мумкин.

ТҚФнинг асосий принциплари қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги, конспирациядан, ошкора ва ноошкора усуллар уйғунлигидан иборат бўлиб, унинг мазмун-моҳияти қуйидагича ифодланади:

қонунийлик принципи — тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳамда уларнинг ходимлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига аниқ риоя қилиши ва уларни бажариши шарт. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига аниқ риоя қилишдан ҳамда уларни ижро этишдан чекиниш қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги принципи — ТҚФни амалга оширувчи органлар ҳамда уларнинг ходимлари тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиши шарт. ТҚФни амалга оширувчи органлар ҳамда уларнинг ходимлари томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда, мазкур органлар ҳамда уларнинг раҳбарлари ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни тиклаш, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда айбдорларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шарт.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш натижа-сида олинган, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этиш билан боғлиқ бўлмаган ахборотдан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний ман-фаатларини чеклаш учун фойдаланилиши мум-кин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравон-ликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қим-матини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа ду-чор этилиши мумкин эмас. Инсоннинг шахсий ҳаёти ҳолатларига оид маълумотларнинг ошкор этилишига олиб келадиган, унинг ҳаётини, соғли-гини хавф остига қўядиган, шаъни ва қадр-қим-матини камситадиган ҳаракатларни амалга оши-риш тақиқланади.

Конспирация принципи — ТҚФ конспирация принципига риоя этилган ҳолда, яъни тезкор-қиди-рув тадбирлари ўтказишнинг, тезкор-қидирув ху-сусиятига эга ахборотни олиш, расмийлаштириш, сақлаш ва ундан фойдаланишнинг, шунингдек, тезкор-хизмат хусусиятига эга ҳужжатлар билан ишлаш қоидаларининг алоҳида тартиби белги-ланган ҳолда амалга оширилади.

Ошкора ва ноошкора усуллар уйғунлиги прин-ципи — ТҚФни амалга оширувчи органлар ош-кора ва ноошкора усуллардан фойдаланади, бун-дай усулларнинг алоҳида хусусияти ушбу фаоли-ятнинг шарт-шароитлари билан белгиланади⁸.

ТҚФни амалга оширувчи органлар: қонуннинг назарда тутилган тезкор-қидирув тадбирларини ошкора ва ноошкора ўтказиш; ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни ҳал этиш учун махсус билимларга эга бўлган мутахассислар ёрдами-дан фойдаланиш; видео- ва аудиоёзув, кино- ва фотосуратга олиш воситаларини, шунингдек ин-соннинг ҳаёти ва соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки, атроф-муҳит учун хавф-сиз бошқа техника воситаларини қўллаш; тезкор-қидирув учун мўлжалланган ахборот тизимлари-ни яратиш, улардан фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқларга эга.

Шу билан бирга, қонун уларнинг мажбурият-ларини ҳам белгилайди, яъни ўз ваколатлари доирасида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш, шунинг-дек, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъ-минлаш юзасидан барча зарур чораларни кўри-ши; жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқ-лаш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этиш-га дахлдор бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда топиш чораларини кўриши; суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жино-ий жазодан бўйин товлайётган шахсларни, беда-рак йўқолган шахслар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидиришга, шунингдек таниб олинмаган мурда-ларнинг шахсини аниқлашга доир ишларни таш-

кил этиши; тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш тўғрисидаги суриштирув, тергов органларининг ёзма топшириқларини, прокурорнинг кўрсатма-лари ва топшириқларини бажариш бўйича бар-ча зарур чораларни кўриши; ТҚФни амалга оши-ришда конспирация принципига риоя этиши; фу-қароларнинг шахсий ҳаётига тегишли, шаъни ва қадр-қимматига дахлдор маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этмаслиги; тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаши; тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда атроф-муҳит хавфсиз-лигини таъминлаши; ўз ходимларининг ҳамда тез-кор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган-ларга кўмаклашаётган шахсларнинг, шунингдек улар оила аъзоларининг хавфсизлигини, уларнинг мол-мулкини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш-ни таъминлаши; мазкур органлар ваколатига та-аллуқли, ўзларига маълум бўлиб қолган жиноий фаолият фактлари тўғрисида бир-бирини хабар-дор қилиши ҳамда зиммаларига юклатилган ва-зифаларни бажаришда бир-бирига зарур ёрдам кўрсатиши; ўз зиммаларига юклатилган вазифа-ларни бажаришда тезкор-қидирув фаолиятининг мавжуд куч ва воситаларини самарали қўллаши шарт⁹.

ТҚФни амалга оширувчи органларнинг: фуқа-ролар ҳаётини, соғлиғини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда қонуний манфа-атларини хавф остига қўядиган, шунингдек инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат-лар (ҳаракатсизлик) содир этиши; фуқароларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириши ва ун-даши; зўравонлик, таҳдид, кўрқитиш ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатла-рини чекловчи бошқа ғайриқонуний усуллардан фойдаланиши; тезкор-қидирув материалларини сохталаштириши, шунингдек била туриб нотўғри маълумотлардан фойдаланиши; бирон-бир юри-дик шахснинг, шу жумладан, сиёсий партиянинг, диний ташкилотнинг ёки бошқа нодавлат ноти-жорат ташкилотининг, шунингдек, жисмоний шах-сларнинг манфаатларини кўзлаб тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиши тақиқланади.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фой-даланилаётган ёки фойдаланилган кучлар, воси-талар, манбалар, усуллар, тезкор-қидирув фао-лияти режалари ва натижалари, ТҚФни амалга оширувчи органларнинг штатдаги ошкор қилин-майдиغان ходимлари ҳамда мазкур органларга махфийлик асосида кўмаклашаётган шахслар тўғрисидаги, шунингдек тезкор-қидирув тадбирла-рини ташкил этиш ва ўтказиш тактикаси ҳақидаги маълумотлар давлат сирини ташкил этади ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда, фақат ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбарининг қарори асосида ошкор эти-

лиши лозим. Тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи икки ва ундан ортиқ орган томонидан ўтказилган тақдирда, маълумотлар қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда, фақат мазкур органлар раҳбарларининг қарори асосида ошкор этилади¹⁰.

Тезкор-қидирув тадбирларидаги ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, почта, курьерлик жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа каналлари орқали узатиладиган бошқа хабарлар сир сақланишига доир ҳуқуқларни, шунингдек уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ва бундай тадбирларни ўтказиш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилган орган жойлашган ердаги прокурор томонидан амалга оширилади. Алоҳида ҳолларда, бундай тадбирларни ўтказиш ҳақидаги материалларнинг тадбирлар ўтказилаётган жойдаги прокурор томонидан кўриб чиқишига йўл қўйилади.

Прокурорга ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбарининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш зарурлиги асослаб берилган қарори тақдим этилади. Прокурор тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилган бошқа материалларни ҳам талаб қилишга ҳақли.

Прокурор тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли тезкор-қидирув тадбирини ўтказишга санкция беради ёхуд уни ўтказишни асослантирилган ҳолда рад этиб, қарорда бу ҳақда кўрсатиб ўтади. Прокурор тезкор-қидирув тадбири ўтказилишига санкция беришни рад этган тақдирда, тезкор-қидирув фао-

лиятини амалга оширувчи орган юқори турувчи прокурорга бундай қарор устидан шикоят қилишга ҳақли¹¹.

ТҚФни амалга оширувчи органларнинг қарорлари, мазкур органлар ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибидан юқори турувчи органга, прокурорга ёки судга шикоят қилиниши мумкин¹².

ТҚФнинг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, бошқа қонунлар, шунингдек тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга бўлган юқори турувчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этиш ва уларни олиб бориш тактикаси, ҳужжатларни тақдим этиш тартибини белгиловчи ҳуқуқий ҳужжатлар (йўриқнома, тавсия) ташкил этади. Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунларга зид бўлмаслиги шарт.

Демак, ТҚФ нопроцессуал характерга эга бўлганлиги сабабли ЖПК асосида эмас, махсус нопроцессуал, қонунга зид бўлмаган ҳаракатларни ва уларни бажариш тактикасини белгиловчи ҳуқуқий ҳужжат асосида амалга оширилади. Шу маънода ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг умумий мақсади бўлмиш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг олдини олиш, уларга йўл қўймаслик, жиноят содир бўлган тақдирда — ўз вақтида айбдор шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан қонун белгиланган чораларни қўллаш самардорлигини ошириш мақсадида ТҚФ тезкор ходимлари, суриштирувчи, терговчи ва бошқаларнинг ҳамкорликда фаолият кўрсатиши таъминланиши, улар ҳамкорлигини ташкил қилиш ва тартибини белгиловчи норматив ҳужжат қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўларди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Тошкент: Ўзбекистон, 1993. 44-б.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 585-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 20-сон, 221-модда.

⁴ //Халқ сўзи. 2017 йил 7 сентябрь.

⁵ “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси.

⁶ “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддаси.

⁷ “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддаси матни Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сон Қонуни таҳририда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 17-сон, 173-модда.

⁸ “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 5-9-моддалари.

⁹ “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 11-12-моддалари.

¹⁰ “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 17-20-моддалари.

¹¹ “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддаси биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сон Қонуни таҳририда // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 17-сон, 173-модда.

¹² “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддаси.

Омон ОҚЮЛОВ,
ю.ф.д, профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ВА ЖОЗИБАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ ОМИЛЛАР ТИЗИМИ

- ◆ Мақолада мамлакатимизда инвестиция муҳити ва жозибadorлигига таъсир қилувчи ҳуқуқий омиллар таҳлил қилинган, мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан айрим мулоҳазалар билдирилган.
- ◆ В статье проанализированы правовые факторы, влияющие на инвестиционный климат и привлекательность нашей страны, высказаны некоторые рассуждения по совершенствованию действующего законодательства.
- ◆ The article analyzes the legal factors influencing the investment climate and attractiveness of our country, some arguments have been made on improving the current legislation.

Таянч сўзлар: инвестиция, инвестиция муҳити, тадбиркор, инвестор, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Тадбиркорлик кодекси.

Ключевые слова: инвестиция, инвестиционный климат, предприниматель, инвестор, нормативно-правовые акты, Предпринимательский кодекс.

Key words: investment, investment climate, entrepreneur, investor, normative legal acts, Entrepreneurial Code.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни бекиёс. Ҳар қандай инвестициялар, у хорижий бўладими ёхуд маҳаллий бўладими, тадбиркорлик соҳасига янги техника, технологиялар, сармоялар олиб келади, янги иш ўринлари яратилади, мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Инвесторларни иқтисодиётга жалб этиш учун қулай инвестициявий муҳит, инвестициявий жозибadorлик бўлиши лозим. Қулай инвестициявий муҳит, инвестициявий жозибadorлик муайян сиёсий, иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий омиллар, шарт-шароитлар мажмуи ва тизимидан иборат бўлади. Инвестициявий муҳит, инвестициявий жозибadorликнинг юридик тизими қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

а) мамлакатда тадбиркорлик инвестициявий фаолиятни тартибга солувчи, қўллаб-қувватловчи қонун ҳужжатлари тизими мавжудлиги, уларда қулай, содда тартиб-таомиллар, имтиёзлар, преференциялар белгилаб қўйилганлиги;

б) тадбиркорлик инвестициявий фаолиятни тартибга солувчи қонун ҳужжатларига қатъий, аниқ ва очиқмасдан риоя қилиш тизимининг мавжудлиги;

в) тадбиркорлар, инвесторлар ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг, низо-

ларни ҳал қилиш ҳуқуқий механизмнинг йўлга қўйилганлиги.

Биринчи омил билан боғлиқ шарт-шароитлар тўғрисида шуни таъкидлаш ўринлики, мамлакатимизда тадбиркорлик ва инвестициявий фаолиятнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Фуқаролик, тадбиркорлик, солиқ, божхона, маъмурий тартиб-таомиллар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилмоқда. Бу соҳадаги миллий қонунчилик тизими халқаро тажрибани ва ривожланган мамлакатлар илғор амалиётини, мамлакатимиздаги анъанавий ишбилармонлик кўникмаларини ўзида мужассамлайди. Айти пайтда тадбиркорлар ва инвесторлар учун ноқулайликларга сабаб бўладиган муаммоли жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Бу биринчи галда норматив массивнинг ниҳоятда улкан, қўпол ва ноқулайлиги билан боғлиқ. Юзлаб қонунлар, минглаб қонуности ҳужжатлари саноғига сўнгги вақтларда жадал ривожланаётган локал корпоратив норматив ҳужжатлар ҳам қўшилмоқда. Тадбиркорлик соҳасидаги норматив массивни бирхиллаштириш, тизимлаштириш ва ҳатто кодификациялаштириш масаласи ўн йиллардан буён долзарб вазифа сифатида ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришга,

хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон Фармони қабул қилингандан кейин тадбиркорлик соҳасини тартибга солувчи қонун-ости ҳужжатлари жиддий хатловдан ўтказилди. Эскирган, бозор муносабатлари талабларига мос келмайдиган нормалардан воз кечилмоқда. Бироқ маҳкамавий ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни ҳам жадал кетмоқда, бу эса, ўз навбатида, вазирликлар, қўмиталар ва бошқа муассасалар томонидан янгидан-янги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун асос бўлмоқда. Қонун-ости ҳужжатларидаги ички зиддиятлар, бўшлиқлар муаммосини ҳал этиш учун тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонунларда мустаҳкамлаб қўйилди. Гарчи у муайян маънода ўзига хос ижобий роль ўйнаган бўлса ҳам, бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиётида, айниқса, суд амалиётида ундан тўлақонли ва самарали фойдаланишга ҳозирча муваффақ бўлинмаяпти. Кейинги пайтларда бу муаммонинг ечими сифатида Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклиф этилмоқда, ҳатто Тадбиркорлик кодексининг бир неча муқобил вариантлари ишлаб чиқилди. Бироқ таклиф этилаётган лойиҳалар асосида оригинал ёндашувлар, янгича ечимлар эмас, балки амалдаги қонунлар ва қонуности ҳужжатларини механик бирлаштириш концепцияси ётади. Гарчи бунда тадбиркорлар учун муайян қулайликлар яратилса ҳам, бироқ у бу соҳадаги мавжуд муаммоларнинг узил-кесил ечими сифатида баҳоланиши мумкин эмас.

Илмий адабиётларда қонун ҳужжатларини тизимлаштиришда алоҳида йўналишлар бўйича кодификациялаштириш нуқтаи назари ҳам илгари сурилган. Жумладан, банкларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, банк фаолияти бўйича – Банк кодексини қабул қилиш, суғурта ташкилотлари ҳуқуқий мақомини белгилаш ва суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича — Суғурта кодексини қабул қилиш, транспорт ташкилотлари ҳуқуқий мақомини ва турли транспорт воситалари орқали юк ва йўловчилар ташиш муносабатларини тартибга солувчи — Транспорт кодексини қабул қилиш, савдо-сотик масалаларини тартибга солувчи — Савдо кодексини қабул қилиш, интеллектуал мулк объектларини яратиш, улардан фойдаланиш ва уларга нисбатан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича — Интеллектуал мулк кодексини қабул қилиш, инвесторлар ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи ва инвестиция муносабатларини тартибга солувчи — Инвестиция кодексини қабул қилиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики, айрим мамлакатларда юқоридаги каби кодекслар мавжуд. Бироқ Ўзбекистон миллий

қонунчилигидаги доктрина кодификация жараёнини ҳуқуқ тармоқлари билан боғлайди. Яъни бир турдаги ҳуқуқий муносабатлар мажмуи, ягона предмет ва ҳуқуқий тартибга солиш усулининг ўзаро уйғунлигига асосланган ҳуқуқ тармоқлари бўйича кодекслар амал қилиши мақсадга мувофиқлигига асосланади. Масалан, жиноят ҳуқуқи тармоғи бўйича — Жиноят кодекси, фуқаролик ҳуқуқи тармоғи бўйича — Фуқаролик кодекси каби. Агарда қонун ҳужжатлари ҳуқуқий тармоқлар бўйича эмас, балки муайян йўналишлар бўйича кодификация қилинса, бу ҳолда бундай кодекслар билан тартибга солинадиган муносабатлар моҳиятан бир турдаги муносабатлар бўлмай қолади. Бошқача айтганда, у комплекс характерга эга бўлади ва уларни тартибга солишда ҳам оммавий ҳуқуқий, ҳам хусусий ҳуқуқий усуллар ва воситалар тизимидан фойдаланилади. Албатта, қонун чиқарувчи биринчи галда прагматик ёндашувга асосланади. Яъни ҳуқуқ назариясидаги формал ҳуқуқий доғмаларга эмас, балки ижтимоий муносабатларда уни тартибга солувчи муайян ҳуқуқий механизмнинг самарадорлиги ва қулайлигидан келиб чиқади. Бинобарин, тадбиркорлик ва инвестиция муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив массивни тизимлаштириш, бирхиллаштириш ва кодификациялаштириш муаммоларини ҳал этишда бошқа мамлакатлар тажрибасида мавжуд бўлган барча ёндашувлар чуқур ўрганиб чиқилиши, танқидий таҳлил этилиши лозим. Бу ўринда шу нарсани эслатиб ўтиш ўринлики, тадбиркорлик ва инвестиция соҳасида норматив массив ҳажмини сунъий равишда қисқартиришга уринмаслик лозим. Бунда ҳар қандай қисқартиришга ноўрин уриниш ҳуқуқий бўшлиқларга олиб келади. Ҳуқуқий бўшлиқлар эса муайян ноқулайликлар, англашилмовчиликлар ва ўзбошимчаликларга сабаб бўлиши табиий. Европа Иттифоқида амал қилаётган бизнес соҳасидаги норматив массив, шунингдек, ривожланган бошқа мамлакатлардаги норматив массив ҳолати, уларнинг улкан ҳажми салбий баҳоланмайди ва ҳатто ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун қийинчиликларни ҳам вужудга келтирмайди. Чунки ушбу мамлакатларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида фаолият юритадиган юридик хизмат ва юридик ёрдам тизими яхши йўлга қўйилган.

Бошқа жиҳатдан олганда, қонун ҳужжатларини ихчамлаштириш имконияти мавжуд бўлган ҳар бир ҳолатдан унумли фойдаланиш лозим. Масалан, инвестиция қонун ҳужжатларини ихчамлаштириш бўйича “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг “Иқтисодий ётади янада ривожлантириш ва либераллаштириш” устувор йўналишларига бағишланган учинчи бўлими 3.4-қисми 1.4-бандида хорижий инвесторларни жалб этиш мақса-

дида инвестициявий жозибадорликни ошириш, инвестиция фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базасини, шу жумладан, хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида, хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари, чоралари тўғрисида, инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонунларни танқидий таҳлил қилиш, хорижий мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибасини ўрганиш асосида тўғридан-тўғри амал қиладиган инвестиция фаолиятини, хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлайдиган, хорижий инвесторлар ҳуқуқларини кафолатлайдиган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Бу ўринда шунини таъкидлаш ўринлики, чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун ва чет эллик инвесторлар ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги қонунни бирлаштириш муайян мантиқий уйғунликка асосланади. Бироқ “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонун, биринчидан, умумий характерга эга ва иккинчидан, маҳаллий инвестициялар учун асосий норматив негиз ҳисобланади. Бинобарин, унинг алоҳида ўрни ва функциялари мавжуд. Шу сабабли ҳам уни хорижий инвестициялар ҳуқуқий режимини белгиловчи махсус қонун таркибига киритиш мақсадга мувофиқ бўлмаган бўлур эди.

Инвестиция жозибадорлигини оширувчи муҳим омиллардан бири — инвестиция соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш ва уларга риоя қилиш ҳисобланади. Ҳар қандай инвестор, биринчидан, ўйин қоидаси аниқ бўлишини ва иккинчидан, қабул қилинган ушбу ўйин қоидасига аниқ риоя қилинишини хоҳлайди. Қоидасиз ўйин ёхуд қоидага риоя қилинмайдиган ўйин ҳар қандай инвестор учун ўта ноқулай ҳисобланади ва инвестор бундай мамлакатдан қочади. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизда инвесторлар учун қонунларнинг мукамаллиги нуқтаи назаридан ҳам, уларга риоя қилиниши нуқтаи назаридан ҳам қулай шарт-шароитлар мавжуд. Лекин бу соҳада барча муаммолар ҳал этилган, деб баҳолашга ҳали эрта. Хусусан, қонун ҳужжатларидаги ҳаволаки нормаларнинг кўплиги ва ҳавола этилаётган нормалар ўртасидаги зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Айрим ҳолатларда қонун нормалари мазмуни мавҳум, уларни турлича талқин қилишга имкон берадиган мазмунга эга. Ушбу муаммони ҳал этишда мамлакатимизда қонун ҳужжатлари нормалари мазмунини шарҳлаш тизими муҳим рол ўйнаши мумкин. Кейинги вақтларда расмий шарҳлаш жараёни Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларига уларни илк мартаба эълон қилиш билан бирга, расмий шарҳнинг ҳам эълон қилиниши муносабати билан жонланди. Расмий шарҳ содда, тушунарли ва раво тарзда, амалий мисоллар билан маз-

кур фармон ва қарорлар мазмунининг кенг халқ оmmasига етиб боришини таъминламоқда. Бироқ бошқа манбалар томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш амалиёти деярли ишламаяпти. Бу борада Конституциявий суднинг кенг имкониятлари мавжуд. Бироқ Конституциявий суд бу масалада ўз ваколатларидан деярли фойдаланмаяпти. Қонун ҳужжатларига норасмий шарҳлар тизимида олимлар, мутахассислар томонидан бериладиган илмий шарҳлар алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимизда Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Жиноят кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Жиноят-процессуал кодексига ва бошқа қатор қонунларга шарҳлар мавжуд. Бироқ бу соҳада аниқ тизимли ва мақсадли ёндашув ҳалига қадар шаклланимаган. Қонунлардаги ўзгартиш ва қўшимчалар, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётидаги ўзига хосликлар ҳисобга олинган ҳолда кодексларга қилинган шарҳлар мунтазам равишда, энг камида ҳар беш йилда янгилаб турилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 сентябрда тасдиқланган “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонунида ҳуқуқий ахборот тушунчаси белгилаб қўйилди. Унга кўра, ҳуқуқий ахборот норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, уларга оид расмий шарҳларнинг, норматив ҳужжатларнинг қўлланиш тартиби тўғрисидаги тушунтиришларнинг, Ўзбекистон Республикаси конституциявий суди қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қонун ҳужжатлари қўлланиши масалалари бўйича қарорларининг матнлари, шунингдек, суд амалиётини умумлаштириш материаллари бўлиб ҳисобланади. Кўриниб турибдики, расмий шарҳлар ҳуқуқий ахборотнинг таркибий қисми ҳисобланади ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларга риоя қилиш лозим.

Қонун ҳужжатларининг ижросини таъминловчи муҳим омиллардан бири — уни ижрочиларга етказиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори²да бу борада қатъий тартиб белгилаб қўйилди. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг ижрочиларга ўз вақтида етказилишини таъминлаш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, шунингдек тегишли қонун ҳужжатлари матнidan монеликсиз фойдаланиш имконини яратиш, ўз таркиби ва ҳудудий бўлинмаларида қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хилда қўлланилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муҳим вазифалари этиб белгилаб қўйилди.

Албатта, бугунги кунда барча қонун ҳужжатлари ўзбек ва рус тилларидаги матнларда ўз ифодасини топган. МДХ мамлакатлари доирасида рус тили барча учун тушунарли, бироқ глобал миқёсларда хорижий инвесторлар учун Ўзбекистондаги тадбиркорлик ва инвестиция соҳасидаги қонунларнинг инглиз, француз, немис, испан, хитой, ҳинд, япон, корейс тилларидаги матнларининг ҳам мавжудлиги хорижий инвесторлар учун қулайлик вужудга келтирган бўлур эди ва бу ҳол инвестиция жозибadorлиги даражасини оширишга хизмат қилиши табиий.

Норасмий шахлар тизимида “Норма” ва “Юрида” ҳуқуқий ахборот манбаларининг фаоллигини қайд этиш лозим. Ушбу ахборот тизимларида янги қонунлар, қонун ҳужжатларига ҳозиржавоблик ва тезлик билан шарҳлар бериш тажрибаси йўлга қўйилди. Кўп ҳолларда тадбиркорлар, инвесторлар ушбу манбалардан ўзлари учун зарур маълумотларни олишга муваффақ бўлмоқдалар. Бироқ бундай шарҳлар, биринчидан, норасмий характерга эга бўлганлиги сабабли ҳар доим ҳам тегишли мутасадди идоралар ходимлари томонидан эътиборга олинавермайди, иккинчидан, чуқур, атрофлича батафсил тушунтиришлар бер-

майди ва учинчидан, уларнинг амал қилиш майдони интернет ахборот майдони доираси билан чекланган.

Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасида, шу жумладан, инвестиция фаолияти тўғрисида қонун ҳужжатларига расмий ва норасмий шарҳларни тайёрлаш, электрон ва қоғоз матнларда, шу жумладан, китоблар нашр этиш орқали барчанинг танишиши учун имкон бўладиган даражада доимий барқарор ишлаб турадиган тизим ва ҳуқуқий ахборотлар манбалари мажмуаси яратилиши лозим. “LexUZ”, “Норма”, “Юрида” ҳуқуқий ахборот тизимлари фаолиятини бу соҳада такомиллаштириш талаб этилади.

Инвестициялар учун қулай ва жозибador шарт-шароитлар яратишнинг ҳуқуқий омиллари фақат юқоридагилар билан чекланмайди. Ушбу омиллар жумласига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар амалий фаолияти, одил судлов жараёни, юридик ёрдам ва хизмат тизими кабилар ҳам киради. Юридик фанлар ҳуқуқий омиллар таъсир даражасининг ҳар бирини алоҳида ва яхлит бир бутун ҳолида намоён бўлиш хусусиятларини чуқур ўрганмоқлари ва ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни учун тегишли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишлари лозим.



¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 76-модда.

Музаффар ДУСТКОРИЕВ,
Старший преподаватель Высших учебных курсов
Генеральной прокуратуры

ИНСТИТУТ СОДЕЙСТВИЯ ОСУЩЕСТВЛЕНИЮ ПРАВОСУДИЯ В ГРАЖДАНСКОМ ПРОЦЕССЕ

◆ Мақолада фуқаролик процессида одил судловни амалга ошириш институтини янада такомиллаштириш, одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг вазифа ва функциялари, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва фуқаролик процессидаги ўрнига доир масалалар ўрганилган.

◆ В статье исследованы вопросы дальнейшего совершенствования института осуществления правосудия, задачи и функции лиц, содействующих осуществлению правосудия, их правового статуса и положения в гражданском процессе.

◆ This article outlines views on further improving the institution of promoting to the administration of justice, their legal status and place in the civil procedure.

Таянч сўзлар: одил судловга кўмаклашувчи шахслар, процесс иштирокчилари, ишда иштирок этувчи шахслар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, юридик манфаатдорлик.

Ключевые слова: лица, содействующие осуществлению правосудия, участники процесса, лица, участвующие в деле, права и обязанности, юридическая заинтересованность.

Key words: persons contributing to the administration of justice, participants in the process, persons involved in the case, rights and duties, legal interest.

В соответствии с правилами Гражданско-процессуального кодекса Республики Узбекистан, субъекты гражданских процессуальных отношений разделены на две категории: лица, участвующие в деле и лица, содействующие осуществлению правосудия. Такое разделение, на наш взгляд, объясняется тем, что к деятельности каждого из участников перечисленных групп присущи признаки, так или иначе связанные с их общими задачами.

Лицами, участвующими в деле, признаются стороны, третьи лица, их представители, прокурор, органы государственного управления, организации и отдельные граждане, участвующие в процессе в защиту прав и охраняемых законом интересов других лиц.

А лицами, содействующими осуществлению правосудия признаются свидетели, эксперты, специалисты, переводчики, держатели письменных и вещественных доказательств, понятые и хранители в исполнительном производстве.

При этом важно отметить определяющий критерий при внесении того или иного лица в данную категорию — отсутствие юридической заинтересованности от исхода дела. В литературе заинтересованность обычно разделяется на личную и юридическую. Личная заинтересованность выражается в ожидании конкретного материального результата процесса. Юридическая же заинтересованность

в основном связана с исполнением своей профессиональной функции и ожидании законного, обоснованного и справедливого судебного решения. При наличии личной, прямой или косвенной заинтересованности в результатах дела и иных обстоятельствах, вызывающих сомнение в их беспристрастности, эксперту, специалисту, переводчику может быть заявлен отвод.

Следует отметить, что юридический интерес к делу — это не только ожидание определенного правового результата от судебного процесса, но также и субъективная направленность, т.е. определенный мотив, который заставляет заинтересованное лицо добиваться в суде принятия решения определенного содержания. Другими словами, юридический интерес — это необходимое условие участия конкретного участника гражданского процесса.

Несмотря на то, что вышеуказанные участники процесса входят в одну категорию, определены их функции и задачи, в общей теории практически не используется понятие «институт содействия осуществлению правосудия». Это можно объяснить следующими причинами:

Во-первых, механизм содействия осуществлению правосудия не в полной мере доработан с учетом его правовых оснований. Так, в ГПК не дано понятие определению всех лиц, входящих в данную ка-

тегорию. В Кодексе перечислены функции и задачи в основном такой категории лиц, как свидетели, эксперты или специалисты, участие которых более ярко выделяется среди других участников процесса при рассмотрении тех или иных гражданских дел. Касательно же остальных лиц: держателей письменных и вещественных доказательств, понятых и хранителей в исполнительном производстве закон в основном ограничивается внесением указанных участников процесса в категорию лиц, содействующих осуществлению правосудия.

Во-вторых, правовое положение и статус каждого участника данной категории так или иначе резко отличается друг от друга. Так, например, свидетелем, в отличие от эксперта или специалиста, может быть физическое лицо, не обременяемое конкретным полномочием и не преследующим цели, вытекающей из ежедневной выполняемой работы.

Когда речь идет о статусе и функциях лиц, содействующих осуществлению правосудия, следует обратить внимание на то, какие цели они преследуют в процессе. По мнению некоторых ученых, лица, содействующие осуществлению правосудия участвуют в суде с целью правильного разрешения интересов истца или ответчика¹.

Лица, содействующие правосудию, имеют права, несут обязанности в соответствии со строгими нормами закона, обладают повышенной мерой ответственности, которая основана на выполнении гражданского и профессионального долга. Они непричастны к оспариваемому материальному праву, и не несут прав и обязанностей сторон, как лица, участвующие в деле².

По мнению большинства ученых, особенными чертами функций лиц, содействующих осуществлению правосудия являются следующие признаки:

- 1) их действия носят вспомогательный характер;
- 2) они не имеют юридической заинтересованности в исходе дела;
- 3) они не имеют права на совершение действий диспозитивного характера;
- 4) определяющим признаком их статуса выступают процессуальные обязанности, а затем процессуальные права;
- 5) законом для них предусмотрена соответствующая ответственность за действия, неправильно совершенные в процессе.

Следует отметить, что в гражданском процессе деятельность лиц, содействующих осуществлению правосудия регулируется императивными методами. Указанные лица в основном выполняют процессуальные обязанности. Например, свидетель обязан явиться в суд в назначенное время и дать

правдивые показания.

В соответствии с ГПК Республики Узбекистан, права и обязанности лиц, содействующих осуществлению правосудия определены следующим образом: они имеют право излагать устно или письменно свои объяснения, пользоваться записями, а также использовать другие процессуальные права, предоставленные им гражданско-процессуальным законом. Лица, содействующие осуществлению правосудия, должны выполнять возложенные на них процессуальные обязанности.

Что касается процессуальных обязанностей, возложенных на них, то следует отметить, что они осуществляются в суде в ходе рассмотрения гражданского дела. Так, например, в соответствии со ст. 21 ГПК, в протоколе судебного заседания, в частности, указываются сведения о явке лиц, содействующих осуществлению правосудия. Из содержания и сути множества процессуальных норм можно понимать, что вышеуказанные лица своим участием реализуют свои функции по содействию осуществлению правосудия, поэтому их участие для судебного процесса имеет особое значение.

Кроме того, из содержания ст. 34 ГПК можно определить, что лица, содействующие осуществлению правосудия в ходе рассмотрения гражданского дела отвечают на вопросы участвующих в деле лиц, тем самым вносят ясность в суть рассматриваемого вопроса или обстоятельства.

Развитие гражданского процесса как судебной формы разрешения споров требует исследования правового статуса каждого из лиц, отнесенных законом к лицам, содействующим осуществлению правосудия и дальнейшего совершенствования данного института в гражданском процессе. Ответственность таких лиц, а также вопросы прекращения их процессуального статуса до сих пор остается малоизученным.

Следует отметить, что лица, содействующие осуществлению правосудия, не имея юридической заинтересованности в исходе дела, содействуют установлению истины и помогают разрешению дел путем предоставления доказательственной информации и иным способом.

Таким образом, определение деятельности указанных лиц по содействию осуществлению правосудия как отдельного института гражданского процесса и дальнейшее его совершенствование позволит определить место каждого участника процесса в содействии осуществлению правосудия, тем самым способствует обеспечению эффективного разрешения дел, и постановления справедливых и основанных на законе судебных решений.

¹ Ш.Ш.Шорахметов. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. — Тошкент: ТДЮИ, 2010. 84-б.

² Завадская Л.Н. Гражданский процесс в схемах с комментариями/ 3-е издание. — М., Эксмо, 2016. — С. 28-29.



Дилзода ДОВУДОВА,
Бош прокуратура бошқарма
катта прокурори

СУД ТЕРГОВИ ЖАРАЁНИДА СЎРОҚ ҚИЛИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ

- ◆ Мақолада сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг таснифи, унинг процессуал тартиби, тергов ва суд терговидоғи фарқли жиҳатлари тадқиқ қилинган ва муайян ҳулосага келинган.
- ◆ В статье исследованы классификация, процессуальный порядок допроса как следственного действия, изучены его отличия от допроса в судебном следствии.
- ◆ In the article the classification of the investigative action — interrogation, its procedural order, the differences of that during investigation and judicial investigation process have been analyzed, and certain conclusions have been made.

Таянч сўзлар: жиноят процесси, сўроқ қилиш, тергов ҳаракати, суд тергови, кўрсатув, прокурор.

Ключевые слова: уголовный процесс, допрос, следственное действие, судебное следствие, показание, прокурор.

Key words: criminal procedure, interrogation, investigative action, judicial investigation, testimony, prosecutor.

Жиноят процессида муҳим босқичлардан бири бу сўроқ қилиш тергов ҳаракатидир. Чунки биринчидан, процесснинг ҳар қайси босқичида тўпланган далиллар сўроқ қилиш жараёнида текширилади ҳамда баҳоланади. Иккинчидан, бошқа тергов ҳаракатларидан фарқли равишда сўроқ қилиш ҳар қайси жиноят иши юзасидан ўтказилиши шарт ҳисобланади. Булар эса сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг аҳамиятини белгилаб беради.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракати тўғрисида фикр юритишдан олдин, бизнингча, сўроқ тушунчаси ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Манбаларда қайд этилганидек, сўроқ (ҳуқуқда) – шахдан кўрсатув ва тушунтирув олиш воситаси¹.

Шу ўринда сўроқ қилиш тергов ҳаракати сўроқ, сўров ва шунга ўхшаш маълумот олиш усуллари-дан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилишини кўрсатиб ўтиш жоиз:

биринчидан, сўроқ қилиш жиноят процессида тергов ҳаракатларидан бири ҳисобланади;

иккинчидан, сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг процессуал тартиби қонун билан белгиланади;

учинчидан, фақат ваколатли субъектлар томонидан амалга оширилади;

тўртинчидан, унинг натижасида тўпланган кўрсатувлар жиноят ишида далилий аҳамиятга эга;

бешинчидан, сўроқ қилиш тергов ҳаракати жараёни белгиланган процессуал тартибда расмийлаштирилиши шарт.

“Сўроқ” тушунчаси процессуал адабиётларда икки хил маънода: кенг маънода – кўрсатув бериш жараёнининг бошидан охиригача ифодалаш учун; тор маънода – кўрсатув беришнинг терговчи (суд) сўроқ қилинувчига саволлар берадиган, у эса саволларга жавоб берадиган қисмини ифодалаш учун қўлланилади².

Юридик адабиётларда сўроқ қилиш тергов ҳаракати тушунчасига оид ягона фикр мавжуд эмас. Бу ҳақда ҳуқуқшунос олимлар, назариётчилар ва амалиётчилар томонидан турли фикрлар билдирилган.

Хусусан, З.Иноғомжонованинг фикрича, сўроқ қилиш жиноят судлов ишларини юритишда энг кенг тарқалган тергов ҳаракати бўлиб, бир шахдан (гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчидан) оғзаки кўрсатувлар олиш ва мустаҳкамлаш мақсадида процессуал сўров тарзида амалга оширилади. Сўроқ қилинувчи томонидан билдирилган маълумот ҳамда баъзи ҳолларда топшириладиган график, ашё ва хабарларнинг бошқача тасвирлари кўрсатув беришнинг шакли ҳисобланади³.

Ю.Раҳимов сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг барча жиҳатларини ўрганиб чиқиб, сўроқ қилишга қуйидагича таъриф беради: “Ишда мавжуд далилларни текшириш ва янгиларини тўплашнинг самарали ва кенг тарқалган тури сифатида сўроқ қилиш — процессуал ташкилий, криминалистик психологик, ахлоқий жиҳатларга эга бўлган кўп қиррали тергов ҳаракатидир.

Процессуал-криминалистик жиҳатдан сўроқ қилиш — қонун томонидан белгиланган нормаларга оғишмай, қатъий амал қилган ҳолда тергов қилинаётган жиноят, унинг ҳолатлари, иштирокчилари ҳамда иш учун аҳамиятли бошқа ҳолатлар юзасидан сўроқ қилинувчидан маълумот олиш демакдир.

Психологик жиҳатдан сўроқ қилиш — терговчи билан сўроқ қилинувчи ўртасида бўладиган режалаштирилган ва олдиндан пухта ўйланган муносабат бўлиб, бу муносабат жараёнида сўроқ қилинувчидан тергов олиб борилаётган жиноят ҳақида унга маълум бўлган фактлар ва терговни қизиқтирувчи тўла ва ҳаққоний маълумотларни олиш мақсадида унинг фикрий, эркий ва ҳиссий жиҳатларига қонуний таъсир ўтказишга эришиш тушунилади”⁴.

Фикримизча, сўроқ қилиш тергов ҳаракатига тўрт хил таъриф бериш мумкин:

а) терговчи ва сўроқ қилинувчи ўртасидаги маълум вақт давом этадиган⁵, процессуал ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган⁶, белгиланган тартибда расмийлаштириладиган⁷ процессуал жараён;

б) сўроқ қилиш тергов ҳаракати ҳуқуқий асосга таянган ҳолда содир этилган жиноят ҳодисаси тўғрисидаги муайян маълумотларни билиш ҳамда уларни тасдиқлаш процессуал жараёнларининг йиғиндиси, яъни сўроқ қилишга ваколатли субъектлар учун кўрсатма олиш воситаси, ундан ташқари жиноят содир қилишда фош этувчи усул;

в) сўроқ қилиш — сўроқ қилиш тергов ҳаракати жараёнида сўроқ қилинувчидан жиноят ишининг юридик аҳамиятга эга бўлган фактик ҳолатлари ҳақида маълумотларни сўраш;

г) сўроқ қилиш — жиноят процессуал қонунчилик томонидан исботлашда далил тўплаш учун мустақил тан олинган процессуал усулдир.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракати нафақат терговда, балки суд жараёнида ҳам далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашнинг муҳим омили ҳисобланади. Айнан бу жараён суд терговда ўз ифодасини топади.

Б.Пўлатов суд терговдаги сўроқ қилишнинг терговдаги сўроқ қилишдан қуйидаги фарқларини кўрсатиб ўтади:

1. Суд терговдаги сўроқнинг ошкоралик характери.

2. Маълум даражада қисқа вақт давомида ўтказилиши.

3. Тергов билан жиноят содир қилинган вақт ўртасида жиддий оралиқ мавжудлиги.

4. Тактик қоидалар қўлланиши имкониятларининг маълум даражада қисқариши.

5. Прокурорнинг сўроқ қилинувчилар шахсиятига доир хусусиятлар ҳақида минимал ахборотга эгалиги⁸.

Фикримизча, суд тергови жараёнида сўроқ қилиш терговдаги сўроқ қилишдан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

— суд тергови жараёни иштирокчилари доираси сўроқ қилиш тергов ҳаракати иштирокчиларига

нисбатан кенгроқ. Чунки, терговдаги сўроқ қилишда одатда терговчи, ҳимоячи ҳамда сўроқ қилинувчи (айбланувчи, гумон қилинувчи, гувоҳ, жабрланувчи ва ҳ.к.), суд терговда эса бир пайтнинг ўзида прокурор, судья, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, судланувчилар иштирок этади;

— сўроқ тергов ҳаракатида жиноят иши юзасидан жиноят процесси иштирокчиларининг берган кўрсатувлари асосида маълумотлар йиғилади. Суд терговда эса мазкур кўрсатувлар процессуал тартибда текширилиб, баҳоланади;

— терговдан фарқли равишда суд тергови жараёни жиноят процессининг тортишувчилик принципи асосида олиб борилади. Суд терговда айблов ва ҳимоянинг тенг ҳуқуқчилиги таъминланади. ЖПКнинг 25-моддасига асосан биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек, ишлар юқори судларда кўрилатганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади. Иш судда кўрилатганда айблов, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида ажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас. Давлат ва жамоат айбловчилари, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан муносабат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар;

— терговда сўроқ қилиш жараёнида ҳар бир сўроқ қилинган шахсга нисбатан алоҳида сўроқ қилиш баённомаси тузиш талаб қилинса, суд терговда уларнинг барчаси фақат суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

Суд терговда сўроқ қилишнинг процессуал тартиби умумий ва махсус қоидалар асосида амалга оширилади. Умумий қоидалар ЖПКнинг 96-108-моддаларида белгилаб қўйилган. Махсус қоидалар эса ЖПКнинг 52-боб 442-моддасида ўзининг ҳуқуқий аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 22 августдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонунчиликка риоя қилиниши тўғрисида”ги қарорининг 4-бандида “судларнинг эътибори ҳар бир ишни кўришда далилларни бевосита суд мажлисида текширишга, яъни судланувчиларни, жабрланувчиларни, гувоҳларни сўроқ қилиш, эксперт ҳулосасини тинглаш, далилий ашёларни кўздан кечириш, баённомаларни ва бошқа ҳужжатларни эълон қилишга қаратилиши, судланувчининг (жабрланувчининг, гувоҳнинг) эълон қилинган кўрсатувлари суд томонидан суд тергови жа-

раёнида текширилиши лозим”лиги белгиланган.

Айтиш жоизки, судда сўроқ қилиш жараёни қу-йидаги босқичларда амалга оширилишини кўриш мумкин:

1) сўроқ қилинадиган иштирокчиларни судга ча-қириш ва уларнинг шахсини аниқлаш;

2) судда сўроқ қилишга тайёргарлик кўриш ва уни режалаштириш;

3) судда сўроқ қилиш;

4) суд терговини тамомлаш ва қайд этиш.

Суд терговидида содир этилган жиноий ҳодиса юзасидан процесс иштирокчилари тўлиқ сўроқ қилинмаганлиги, уларнинг кўрсатувлари иш ҳужжат-ларида мавжуд бўлган далиллар билан баҳолан-маганлиги суд қарорларининг юқори инстанциялар-да бекор бўлишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, Ш.А.га ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, у 2015 йил 3 декабрдаги ам-нистия актига кўра жазодан озод қилинган.

Мазкур жиноят иши Бош прокуратура томони-дан ўрганиб чиқилиб, тергов ва суд терговидида жабр-ланувчи, гувоҳлар тўлиқ сўроқ қилинмай, уларнинг кўрсатувлари таҳлил қилиниб, баҳоланмаганлиги натижасида Ш.А.нинг ҳаракатларида қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш жинояти аломатлари борлиги аниқланган ва жиноят ишини қўшимча тер-говга юбориш ҳақида протест келтириш юзасидан кўрсатма юборилган.

Тошкент вилоят прокурорининг протести асоси-да 2016 йил 28 июнда мазкур жиноят иши кўри-либ, суд ҳукми бекор қилинган ва жиноят иши қўшим-ча терговга юборилган.

Янгийўл туман судининг 2017 йил 20 январь кун-даги ҳукмига кўра, Ш.А. ЖКнинг 25, 97-моддаси 1-қисми билан айбдор, деб топилган ва унга 9 йил 10 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, қонуний қарор қабул қилинишига эри-шилган.

Бундан ташқари, Бош прокуратура томонидан фуқаро У.Р.нинг ўзига нисбатан чиқарилган суд қарорларидан норози бўлиб ёзган аризаси ўрга-нилан.

Жиноят иши ҳужжатларига кўра, Н.Д. Жиззах шаҳар ИИБ ХООБ профилактика инспектори ла-возимида хизмат қилган У.Р. билан тил бириктириб, фуқаро Ф.У.ни алдаб, унинг ўғли К.Қ.ни ИИБ орган-ларига ишга тиклаб беришни ваъда қилишган. 2012 йил сентябрь ойида жами 3 500 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олишиб, шу миқдордаги пулларни пора тариқасида беришга далолатчилик қилишган.

У.Р.га нисбатан бўлган жиноят ишини ўрганиш натижасига кўра, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар то-монлама, тўла ва холисона текширилмаганлиги, судланувчи, гувоҳлар тўлиқ сўроқ қилинмай, улар-нинг кўрсатувларига етарли баҳо берилмаганлиги, тергов органи томонидан ЖПК талаблари бузил-

ганлиги сабабли, терговчининг ЖПКнинг 83-модда-си тартибида қабул қилинган қарорлари ҳамда суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини қўшимча терговга юбориш ҳақида Бош прокуратура томо-нидан назорат тартибидаги протест жиноят ишла-ри бўйича Тошкент вилоят судига киритилган.

Мазкур протест вилоят судида 2016 йил 1 июл-да кўрилиб, суд ҳукми бекор қилинган ва жиноят иши қўшимча терговга юборилган.

Қўшимча тергов натижасига кўра, У.Р.га нис-батан 2016 йил 23 августдаги ЖПКнинг 83-мод-даси 2-қисмига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида адолатли қарор қабул қилин-ган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, судда про-курор иштироки суд қарорларининг қонуний, асос-ли ва адолатли бўлишига эришишдан ҳамда қону-нийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фу-қароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаат-ларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир.

Шунга кўра, суд муҳокамасида прокурор ишти-рокининг мақсади, *биринчидан*, қонунийликни таъ-минлаш, *иккинчидан*, давлат айбловини қувватлаш-дир.

Судда прокурорнинг қонунийликни мустаҳкам-лашдаги вазифаси барча суд босқичларида қонун-ларни аниқ ва бир хилда бажарилишини, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашдир.

Бу борада прокурор суд терговини жиноят про-цесси принциплари асосида олиб борилиши, сўроқ қилишнинг процессуал тартиби, сўроқ қилиш жа-раёнида ишдаги барча ҳолатлар ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқилиши, айбланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланишини талаб қилувчи қонунларга қатъий риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим.

Прокурор қонунийликни таъминлаш билан бир-га, давлат айбловини олиб борар экан, мазкур жараёнда турли тактик усуллардан фойдаланади.

Судда сўроқ қилишнинг ўзига хос шартлари-дан ташқари, давлат айбловини қувватловчи про-курор тактикаси бошқа ҳолатлар билан ҳам бел-гиланади. Улар қаторида: сўроқ қилинувчининг унга эълон қилинган айбига нисбатан тутган позиция-си, низоли вазиятнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмас-лиги, ҳимоянинг фаоллик даражаси, тергов даво-мида сўроқ қилинувчининг ўз кўрсатувларини ўзгар-тириши, сўроқ қилиш пайтида судьяларнинг фаол-лик даражаси ва бошқалар. Бундан ташқари, сўроқ қилиш давомида давлат айбловчисининг тактика-си бошқа сўроқ қилинувчи шахсларнинг қандай йўл тутшига қараб тузатиб борилади. Бундай вазиятда сўроқ қилиш режасига эга бўлган дав-лат айбловчиси ўзини эркинроқ ҳис қилади?.

Кўринадики, қонунга асосан прокурорнинг процесс иштирокчиси сифатида суддаги вазифалари ишда иштирок этаётган бошқа иштирокчиларнинг вазифаларидан фарқ қилади.

Шунингдек, сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг жиноят-процессуал ва бошқа моддий-ҳуқуқий асосларини илмий-амалий ўрганиш мазкур тергов ҳаракатини янада либераллаштириш ҳамда такомиллаштириш юзасидан қуйидагича фикр-мулоҳазалар юришти имконини беради:

1. Сўроқ қилиш тергов ҳаракатига ҳуқуқшунос олимлар томонидан ягона илмий таъриф мавжуд эмас. Шунга кўра, жиноят-процессуал қонунчилигини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида сўроқ қилиш тергов ҳаракатига қуйидаги ракурсларда таъриф бериш мумкин:

а) терговчи ва сўроқ қилинувчи ўртасидаги маълум вақт давом этадиган, процессуал ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган, белгиланган тартибда расмийлаштириладиган процессуал жараён;

б) сўроқ қилиш тергов ҳаракати ҳуқуқий асосга таянган ҳолда содир этилган жиноят ҳодисаси тўғрисидаги муайян маълумотларни билиш ҳамда уларни тасдиқлаш процессуал жараёнларининг йиғиндиси, яъни сўроқ қилишга ваколатли субъектлар учун кўрсатув олиш воситаси, ундан ташқари, жиноят содир қилишда фош этувчи усул;

в) сўроқ қилиш – сўроқ қилиш тергов ҳаракати жараёнида сўроқ қилинувчидан жиноят ишининг юридик аҳамиятга эга бўлган фактик ҳолатлари ҳақида маълумотларни сўраш;

г) сўроқ қилиш — жиноят-процессуал қонунчилик томонидан исботлашда далил тўплаш учун мустақил тан олинган процессуал усулдир.

2. Сўроқ қилиш тергов ҳаракати юзасидан жуда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Шунингдек, мазкур жараён процессуал тартибга кўра, бир неча босқичга бўлинган. Лекин сўроқ қилиш тергов

ҳаракати сўроқ қилишга ваколатли орган фаолиятига кўра умумий асосда ўрганилган бўлса-да, бу борада махсус илмий тадқиқот олиб борилмаган. Фикримизча, сўроқ қилиш тергов ҳаракатини олиб боришга ваколатли органнинг фаолиятини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- а) суриштирув босқичида сўроқ қилиш;
- б) тергов босқичида сўроқ қилиш;
- в) суд тергови босқичида сўроқ қилиш.

3. Юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар ҳамда амалиётчи ходимлар томонидан сўроқ қилишнинг самарали олиб борилиши юзасидан бир қатор фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилган. Бизнингча, сўроқ қилувчи томонидан сўроқнинг самарали амалга оширилиши учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

1. Дастилаб сўроқ қилувчи сўроқ жараёни ва унинг босқичларини аниқ ҳамда пухта режалаштириб олиши;

2. Сўроқ қилиш жараёнида сўроқ қилувчи лозим даражада шароитлар мавжудлигига эътибор қаратиши;

3. Сўроқ қилувчи сўроқ қилинувчининг психологик, руҳий, ахлоқий жиҳатларини ўрганиб, сўроқ жараёнида уларни эътиборга олиши;

4. Сўроқ қилувчи сўроқ қилинувчининг берган кўрсатувларини таҳлил қилиши даркор.

Хулоса сифатида шунини айтишимизки, суд тергови жиноят процессининг муҳим процессуал босқичларидан бири бўлиб, унинг асосий негизини сўроқ қилиш жараёни ташкил этади. Айтиш мумкинки, суд терговида сўроқ қилишнинг самарали олиб борилиши, *биринчидан*, процессуал қонунийликнинг кафолати ҳисобланса, *иккинчидан*, жиноят иши бўйича муҳим далилларни тўплаш ҳамда уларни текширишнинг усули ҳисобланиб, суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинишига замин яратади.



¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: 2004. Т.8. 201-б.

² Голнуский С.А. Допрос на предварительном следствии. – Ашхабад: 1942. Бахин В.П., Кочалов М.Ч., Карпов Н.С. Допрос на предварительном следствии (уголовно-процессуальные и криминалистические вопросы). – М., 1999.; Бахин В.П. Допрос. Лекция. – Киев: 1999.

³ Жиноят процесси (Умумий қисм): Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик (З.Ф.Иноғомжонованин умумий таҳрири остида). – Тошкент: ТДЮИ, 2008.

⁴ Раҳимов Ю.Р. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси асосида сўроқ қилиш ва кўрсатувларга баҳо беришнинг процессуал ва психологик муаммолари: Юрид. фан. докт. Автореферати. – Тошкент: 2000. 9-б.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 107-моддасида сўроқнинг умумий давом этиш вақти бир кунда саккиз соатдан ошмаслиги лозимлиги белгиланган.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 10-бобида сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг умумий қоидалари белгиланган.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 106-моддасига биноан, сўроқ жараёни ва натижалари суриштирув ва дастилабки тергов босқичида сўроқ баённомасида, суд муҳокамасида эса суд мажлиси баённомасида қайд қилинади.

⁸ Пўлатов Б.Х. Давлат айбловчисининг судда далилларни текширишдаги иштироки. – Тошкент: 2004. 25-б.

⁹ Пўлатов Б.Х. Юқоридаги манба 21-б.

Жўрабек НЕМАТОВ,
Бош прокуратуранинг
Олий ўқув курслари ўқитувчиси, PhD

ДАВЛАТ ХИЗМАТИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МАЪМУРИЙ ПРОЦЕДУРАЛАРНИНГ ЎРНИ

- ◆ Ушбу мақолада давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишнинг самарали усулларида бири бўлган маъмурий процедуранинг АҚШ мисолидаги таҳлили келтириб ўтилган.
- ◆ В данной статье проанализированы административные процедуры США как важный из эффективный метод предотвращения конфликта интересов в государственной службе.
- ◆ This article analyses US administrative procedure as an effective method of preventing conflict of interest in the public administration.

Таянч сўзлар: манфаатлар тўқнашуви, маъмурий процедура, эшитиш жараёни, тўғри процедура, холислик.

Ключевые слова: конфликт интересов, административные процедуры, процедура заслушивания, правильная процедура, беспристрастность.

Key words: conflict of interest, administrative procedure, hearing, due process, impartiality.

Ҳозирги кунда давлат бошқарувини демократлаштириш ва уни модернизациялаш борасида кўпгина ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлат хизматида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳам шулар жумласидандир. Ушбу мақола доирасида коррупцияга қарши курашишда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишда маъмурий процедураларнинг ўрни таҳлил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида "...Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш учун аниқ чоралар кўришни мен ўзим учун энг муҳим ва устувор вазифа, деб ҳисоблайман... Лекин, ҳаммамиз тушунамизки, халқ билан мулоқот, одамларнинг ичига кириш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, инсон манфаатларини таъминлаш – бу биз учун фақат бир йиллик иш эмас. Бу масала келгуси беш йиллик фаолиятимизда ҳам энг устувор вазифа бўлиб қолади ва бу ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур тушуниб, яхши англаб олишимиз шарт"¹ деганди. Ушбу мақола мавзуси ҳам айнан халқ билан мулоқот масаласи билан чамбарчас боғлиқлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Зеро,

маъмурий орган ходимлари халқ билан мулоқот қилар экан, унинг дарди ва манфаатларидан хабардор бўлиши, шахсий манфаатларини ўйла-маслиги ва доимо ўз ишига виждонан, холисона ёндашиши талаб этилади. Бу эса шунчаки декларатив гап сифатида эмас, балки маълум бир процессуал тартиб асосида ишлайдиган тизим сифатида шакллантирилгандагина ўзининг амалий ифодасини топади. Маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонун айнан мана шу мақсадни кўзлайди.

Маъмурий процедура маъмурий органлар ҳамда хусусий шахслар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган жараён бўлиб, тарафларни кўриб чиқилдиган иш юзасидан хабардор қилишдан бошланиб то қарор чиқаришгача бўлган турли босқичларни ўз ичига олади. Маъмурий процедурада энг муҳим босқич бу тарафларнинг тингланиши (эшитилиши) ҳисобланади. Бу эса муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаган "халқ билан мулоқот"нинг ажралмас қисмини ташкил этади.

Маъмурий процедуранинг энг муҳим босқичи бўлган тарафнинг тингланиши тарафни хабардор қилиш, ишга доир ҳужжатлар билан тараф ҳам танишиш имконига эга бўлиши, шунингдек

тарафга ўз фикри (важлари)ни айта олиш имкониятини бериш кабиларни ўз ичига олади².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон Фармонида 2017 йилда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган эди. Маъмурий процедуранинг миллий қонунчилигимизга илк бора киритилаётганини инобатга оладиган бўлсак, бу борада хорижий давлатларнинг тажрибасини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Маъмурий процедура ҳақидаги замонавий мазмун-моҳиятдаги қонун илк бора АҚШда вужудга келган бўлиб, қуйида АҚШдаги маъмурий процедуранинг умумий жиҳатларига тўхталиб ўтилади.

АҚШда маъмурий процедура тўғрисидаги қонун 1946 йилда қабул қилинган бўлиб³, унинг қабул қилинишида АҚШ Адвокатлар ассоциацияси (American Bar Association)нинг ўрни катта бўлган⁴. 1946 йилда қабул қилинган намунавий қонун (model act) асосан уч қисмдан иборат бўлган: маъмурий қонунчилик ижодкорлиги (rule making), маъмурий акт қабул қилиниши (administrative adjudication or “proceedings in contested cases”) ҳамда маъмурий судлов (judicial review of administrative action). Қуйида асосан маъмурий актнинг квази-суд тартибда қабул қилиниши (administrative adjudication or “proceedings in contested cases”) ҳақида сўз боради.

АҚШда маъмурий амалиётнинг ҳар хиллиги ва ягона қоидаларнинг мавжуд бўлмаганлиги бир қанча муаммоларни келтириб чиқарган эди. Шундан келиб чиқиб, 1938 йилда АҚШ Бош прокурори Президентга Маъмурий процедура қўмитаси (комиссияси)ни тузиш ва маъмурий процедуранинг ягона қоидаларини ишлаб чиқиш юзасидан таклиф тайёрлаш лозимлигини ўз ҳисоботида тақдим этган эди. Қўмита 1941 йили Сенатга ўзи тайёрлаган “Маъмурий процедура тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тақдим этган. Аммо ушбу қонун жуда хом ва пухта ишланмаган эди. Ҳаттоки Қўмита ичида маъмурий амалиёт ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, маъмурий процедура тўғрисида кодекс ёки қонун қабул қилиниши тўғрисида ҳам кўплаб баҳслар юзага келган⁵.

Бундай баҳслар маъмурий органларнинг квази-суд ваколатлари маъмурий органларнинг оператив бошқарув фаолиятдан қанчалик алоҳида лаштирилиши лозимлиги (how far should adjudicating functions be separated from other administrative activities), эшитиш процедурасида

раислик қилувчининг мустақил қарор қабул қила олиши (how far should hearing commissioners be independent of the administrative agencies), судлар маъмурий органлар томонидан қабул қилинган қарорларни қайси даражада текшириши мумкинлиги (how far should the courts review administrative action) каби масалаларни ўз ичига олган эди⁶.

АҚШда маъмурий процедура қонуннинг бир неча лойиҳалари ишлаб чиқилган эди. Булардан биринчиси, адвокатлар ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган Walter-Logan bill номи билан танилган 1940 йилда Конгрессда муҳокамадан ўтган лойиҳа эди. Ушбу лойиҳанинг асосий хусусияти шунда эдики, маъмурий органлар устидан назорат қилишда суд ваколатларини кенгайтириш назарда тутилган эди. Иккинчи лойиҳа Маъмурий процедура қўмитаси (комиссияси)нинг лойиҳаси бўлиб, унда маъмурий органларнинг турли ички йўриқномаларини қабул қилиш ва уларни суд тартибда текширишга қаратилган меъёрлар назарда тутилган эди. Учинчи лойиҳа адвокатлар ассоциацияси томонидан аввалги икки лойиҳанинг умумлашмаси тарзида ишлаб чиқилиб, Сенатга тақдим этилган лойиҳа эди. Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан 1941 йилда муҳокама этилган учала лойиҳа ҳам ижобий баҳо ололмаган эди. 1944 йил 21 июнда Адвокатлар ассоциацияси яна иккита янги лойиҳани ишлаб чиқиб, Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасига тақдим этди. Қўмита муҳокамаларида манфаатдор давлат органлари ва мутахассислар таклиф этилиб, уларнинг ёзма хулосалари олинди ва шу тариқа қонун лойиҳасининг якуний шакли шаклланиб борди⁷.

Таъкидлаш жоизки, гарчи АҚШ замонавий маъмурий процедура тўғрисидаги қонунни қабул қилган давлатларнинг биринчиси бўлса-да, 1958 йилга қадар қабул қилинган ушбу қонуннинг барча меъёрларини ҳамма штатларда амалга оширишнинг имкони бўлмагани кузатилади. АҚШ Адвокатлар ассоциацияси ўша даврда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этиш юзасидан фаол қатнашиб, керакли тавсияларини ҳукуматга тақдим этган. Шунинг натижаси ўлароқ, 1956 йил декабрь ойида Бош прокурор (General Attorney) томонидан Адлия Департаменти (Department of Justice) таркибда маъмурий процедура бўлими (Office of Administrative Procedure)ни ташкил этилишига эришилган⁸.

Маъмурий процедура тўғрисидаги ягона қонуннинг қабул қилиниши кўпгина ижобий жиҳатларга, жумладан, судья Arthur T.Vanderbilt (Chief Justice, Supreme Court of New Jersey)нинг фикрига кўра, бир-бирига яқин ёки такрорловчи ваколатларга эга бўлган маъмурий органлар ва улар-

нинг фаолият тартибини ягона шаклга келтириши билан эътиборга моликдир⁹.

АҚШда маъмурий процедуранинг асоси АҚШ Конституциясининг V ва XIV ўзгартиришида намоён бўлади¹⁰. АҚШда маъмурий процедура тўғри процедура – *due process* (дю процесс) асосида ўрганилади¹¹. АҚШ Конституциясида назарда тутилган дю процесс принципи инсоннинг ҳаёти, эркинлиги ва мулкига дахл қиладиган ҳар қандай маъмурий ҳаракатларга татбиқ этилишини назарда тутди. Аммо маъмурий ҳаракатларнинг инсон ҳаётига дахл қилиши амалда жуда кам учрагани сабабли асосий эътибор ва назарий излашлар инсоннинг эркинликлари ва мулкига ҳар қандай шаклда дахл қиладиган маъмурий ҳаракатларнинг дю процесс принципи асосида амалга оширилишига қаратилган ҳисобланади. *Дю процесс* принципи асосида вужудга келган маъмурий процедураларнинг асосий ғояси — маъмурий қарорнинг адресатига иш юзасидан унинг далил ва важларини тинглаш имконини тақдим этиш, бошқача айтганда, “тингланиш ҳуқуқи” билан таъминлашда акс этади.

Таъкидлаш жоизки, инсоннинг эркинликлари ва мулк ҳуқуқига дахл қиладиган ҳар қандай ҳолда ҳам дю процесс принципи татбиқ этилавермайди ва бунинг баъзи талаб ва истисно этувчи ҳолатлари мавжуддир. АҚШ умумий ҳуқуқ тизимига асосланган давлатлигидан келиб чиққан ҳолда, судларнинг маъмурий процедура қоидаларининг татбиқ этилишини назорат қилишдаги ўрни катталигини эътироф этиш лозим¹². Бу ўринда маъмурий қарор қабул қилиниши натижасида дахл қилиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва манфаатнинг характери ҳамда дю процесс принципи татбиқ этилиши натижасида маъмурий органларнинг ишига қанчалик тўсқинлик қилишига қаралади. Мисол учун, Ferrel Heady ўз илмий ишида маъмурий процедура қоидалари, бир томондан, шахсни адолатсиз муносабатдан сақлайдиган бўлса, бошқа томондан, оммавий дастурларни ҳам амалга оширишга тўсиқларни бартараф этишдаги ўрни катталигини таъкидлаб ўтган¹³. Мана шу мувозанат асосида дю процесс принципини татбиқ этиш ёки татбиқ этмаслик масаласи кўриб чиқилади¹⁴. Зеро, маъмурий қарор адресатининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилиш характерига кўра аҳамияти унчалик юқори даражада бўлмаган ишларга нисбатан ҳам *дю процесс* принципини татбиқ қилиш маъмурий органларнинг фаолиятига ортиқча юк юклайди ва уларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиши мумкин. Маълум бир маъмурий ҳаракат юқорида таъкидланган ҳуқуқ ва манфаатларга дахл қиладиган ҳаракат деб топиладиган бўлса, уларга нисбатан дю процесс принципи татбиқ этилади ва куйида мана шу ҳақда

фикр юритилади. Дю процесс принципнинг илк процессуал талаби тарафнинг фикрини тинглаш учун уни *хабардор қилиниши*да намоён бўлади. Дю процесс принципнинг кейинги процессуал талаби тарафга суд тартибига ўхшаган тартибда *фикрини тинглаш имкониятини тақдим этиш*да намоён бўлади. Бундан ташқари, дю процесс принципнинг процессуал талаблари тарафнинг *маслаҳатлашув ҳуқуқи*, қарор чиқарувчи (маъмурий орган ёки мансабдор шахс)нинг *холис бўлиши*, маъмурий қарор (акт)нинг чиқарилишида тегишли *фактик ҳолатлар* ва *ҳуқуқий асослар*, қарорни *асослантирувчи далил ва сабаблар тўла ва етарли даражада асослантирилиши*да намоён бўлади¹⁵.

АҚШда маъмурий процедура тўғрисидаги қонуннинг вужудга келиши масаласига мурожаат этганда, албатта, унинг кўплаб асосларига тўхталиб ўтиш мумкин. Юқорида АҚШ маъмурий процедура тўғрисидаги қонунининг вужудга келиши ҳамда назарий-ҳуқуқий асосларининг асосий жиҳатлари ҳақида сўз юритилди. АҚШ маъмурий процедура тўғрисидаги қонунининг вужудга келиши юзасидан келтирилган таҳлиллардан шуни хулоса қилиш мумкинки, АҚШ маъмурий процедура тўғрисидаги қонуни маъмурий ҳуқуқни тушуниш ва маъмурий амалиётда мавжуд бўлган кўпгина муаммоларнинг ҳал қилинишида ўзига хос ва муҳим аҳамият касб этган¹⁶.

Ўзбекистонда маъмурий процедуранинг институционал асосларини такомиллаштириш масаласига мурожаат этар эканмиз, шуни тан олиб айтиш лозимки, Ўзбекистонда маъмурий процедура институти маъмурий ҳуқуқнинг кам тадқиқ этилган мавзуларидан бири бўлиб қолмоқда. Маъмурий процедура асосан “совет маъмурий ҳуқуқи”дан мерос қолган маъмурий ҳуқуқ назарияси доирасида кўриб чиқилган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ҳозирги кунда маъмурий процедуранинг яхлит назарий-ҳуқуқий асослари ҳали шаклланмаган, дейиш мумкин.

Ўзбекистонда маъмурий процедура тўғрисида қонун ҳали қабул қилинган йўқ. Лекин Япония (JICA), АҚШ, Германия (GIZ) томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш дастури доирасида 2007 йил 21 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, аммо Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланмаган қонун мавжуд¹⁷.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик соҳасидаги маъмурий процедурага оид масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 20 декабрдаги “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ЎРҚ-341-сон Қонун қабул қилинган. Лекин ушбу

қонун фақат тадбиркорлик соҳасидаги рухсат берувчи процедураларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган бўлиб, у фуқаролар адресат бўлиб қатнашадиган ишлар ва тадбиркорлик соҳасидаги бошқа турдаги маъмурий процедураларга татбиқ этилмайди. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш зарурияти ҳали ҳам мавжуд¹⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини

янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида ҳам “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунни 2017 йилда қабул қилиш назарда тутилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб шунини хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунни қабул қилишда илғор хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда ва айни вақтда Ўзбекистондаги миллий ҳуқуқнинг ўзига хос жиҳатларини назарда тутиш муҳим аҳамият касб этади.



¹ Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамуз/ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи/ <http://president.uz/uz/lists/view/111>

² Маъмурий процедуранинг аҳамияти фуқаролар маълум бир процедура асосида ўз ишининг кўрилиши ва натижада маъмурият билан муносабатларнинг мувозанатлашуви, шунингдек, маъмурий ҳуқуқнинг кўпгина принциплари амақ қилиниши каби масалаларда намоён бўлади. Қаранг: Галлиган Д., Полянский В.В., Стариков Ю.Н. Административное право: история развития и основные современные концепции. – М., Юристъ, 2002. – С. 276-305.

³ See, Pub. Law 404, Ch. 324, 79th Cong., 2nd sess., approved June 11, 1946.

⁴ See, Ferrel Heady. “State Administrative Procedure Laws: An Appraisal”, *Public Administration Review*, Vol. 12, No. 1 (Winter, 1952), p. 10. Бундан ташқари, О. Р. McGuire ўз илмий ишида АҚШ Адвокатлар ассоциацияси президенти Elihu Root биринчилардан бўлиб 1916 йилги маърузасида мамлакатда маъмурий процедурага оид ислохотларни ўтказиш ҳамда маъмурий органлар фаолиятига ҳам қандайдир мажбурий процессуал қоидалар асосида ишлашни жорий этиш лозимлигини таъкидлаганини келтириб ўтган (See, O. R. McGuire. “Administrative procedure reform moves forward”, *American Bar Association Journal*, Vol. 27, No. 3 (March, 1941), pp. 150-153).

⁵ See, Carl McFarland. “A Code of Administrative Procedure”, *The Annals of the American Academy of Political and Social Science*, Vol. 221, Administrative Regulation of Private Enterprise (May, 1942), pp. 160-165.

⁶ See, Gilbert H. Montague. “Reform of Administrative Procedure”, *Michigan Law Review*, Vol. 40, No. 4 (Feb., 1942), pp. 516-540.

⁷ See, Foster H. Sherwood. “The Federal Administrative Procedure Act”, *The American Political Science Review*, Vol. 41, No. 2 (Apr., 1947), pp. 271-281.

⁸ See, Ferrel Heady. “The New Reform Movement in Regulatory Administration”, *Public Administration Review*, Vol. 19, No. 2 (Spring, 1959), p. 89-93.

⁹ See, Arthur T. Vanderbilt. “Administrative Procedure: Shall Rules Before Agencies Be Uniform?”, *American Bar Association Journal*, Vol. 34, No. 10 (October 1948), pp. 896-898, 974-976.

¹⁰ See, Bernard Schwartz, Roberto L. Corrada, J. Robert Brown, Jr. “Administrative Law: a casebook” seventh edition. Aspen Publishers, 2010. 385 p. See, William F. Funk, Richard H. Seamon “Administrative Law: examples я explanations” 2nd edition. Aspen Publishers, 2006. 116 p.

¹¹ See, William F. Funk, Richard H. Seamon. “Administrative Law: examples я explanations” 2nd edition. Aspen Publishers, 2006. 117 p.

¹² See, Allan D. Jergesen. “The Enforcement of Administrative Procedures in Great Britain and the United States”, *The American Journal of Comparative Law*, Vol. 30, No. 2 (Spring, 1982), pp. 267-295.

¹³ See, Ferrel Heady. “State Administrative Procedure Laws: An Appraisal”, *Public Administration Review*, Vol. 12, No. 1 (Winter, 1952), p. 10.

¹⁴ Англо-саксон ҳуқуқи асосидаги давлатларда бу масала суд прецеденти асосида шаклланиб боради.

¹⁵ See, Ernest Gellhorn, Ronald M. Levin “Administrative Law and Process in a Nutshell” fifth edition. Thomson/West, 2006. 217-219, 222-234, 234-241 p. Ушбу ўринда шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, маъмурий процедурада қарор чиқарувчи (маъмурий орган ёки мансабдор шахс)нинг ҳолислигини таъминлаш ходимнинг ўзини ўзи рад этиши ёки бевосита адресат томонидан рад этилишида намоён бўлади. Мамлакатимизда худди шунга ўхшаш қоидалар Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 17-22-моддаларида, Фуқаролик-процессуал кодексининг 25-30-моддаларида, Жиноят-процессуал кодексининг 76-80-моддаларида, шунингдек, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасида назарда тутилган. Бироқ бошқа ҳолларда маъмурий органларнинг қарор чиқариш жараёнида ҳолисликни таъминлашга қаратилган қоидалар деярли назарда тутилмаган. Бу эса маъмурий органлар фаолиятида кундалик ижро жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ноҳолис муносабатларни процессуал жиҳатдан тартибга солинмаганини англайди.

¹⁶ АҚШ маъмурий процедура тўғрисидаги қонуннинг вужудга келиш тарихи ва аҳамияти тўғрисида қаранг.: Kathryn E. Kovacs. “A history of the military authority exception in the administrative procedure act”, *Administrative Law Review*, Vol. 62, No. 3 (Summer 2010), pp. 673-728. See, Lisa Schultz Bressman. “Procedures as Politics in Administrative Law”, *Columbia Law Review*, Vol. 107, No. 8 (Dec., 2007), pp. 1749-1821. See, Cornelius J. Peck. “Recent efforts to improve state administrative law and procedures”, *Administrative Law Review*, Vol. 16 (Fall, 1963), pp. 70-73. See, J. D. Bond. “Administrative Procedure Act Committee report”, *Administrative Law Bulletin*, Vol. 6, No. 3 (May 1954), pp. 150-155.

¹⁷ Таъкидлаш жоизки, Қонун лойиҳасининг 2007 йил 21 июндаги варианти 34 моддадан иборат таҳрирда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, дастлабки варианти эса 143 моддадан иборат бўлган.

¹⁸ 2007 йилдан кейин ҳам маъмурий процедура тўғрисидаги қонуннинг лойиҳалари ишлаб чиқилган эди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 25 июндаги Р-4305-сон фармойишининг 4-банди “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддалар)га киритилган ўзгартиришлар муносабати билан амалдаги қонунларни мақбуллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури”нинг 3-кичик бандига асосан “Маъмурий процедура тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган эди.

Нилуфар МИРАҲМЕДОВА,
Бош прокуратуранинг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ СУДДА КЎРИЛИШИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ: ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ

- ◆ Мақолада меҳнат низоларини фуқаролик ишлари бўйича судларда кўрилишида прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.
- ◆ В статье освещены особенности участия прокурора в рассмотрении трудовых споров в судах по гражданским делам.
- ◆ In this article the characteristics of the participation of a prosecutor in courts of labor disputes by civil courts are enlightened.

Таянч сўзлар: фуқаролик ишлари бўйича суд, прокурор, меҳнат низолари, даъво ариза, Меҳнат кодекси.
Ключевые слова: суд по гражданским делам, прокурор, трудовые споры, исковое заявление, Трудовой кодекс.
Key words: civil court, prosecutor, labor disputes, statement of claim, Labor code.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, иқтисодий ва барқарор ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган тизимли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўз навбатида, ҳуқуқий демократик давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла таъминланиши, қонун устуворлиги ва барчанинг қонун олдида тенглиги кафолатланади. Ўзбекистон Республикасида прокуратура давлатнинг бутун мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган мустақил орган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар зиммасига юкланган (118-модда)¹.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилак-

тика қилишдан иборат эканлиги белгиланди².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони қабул қилиниши прокуратура органлари зиммасига жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, прокуратуранинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлашга оид қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши бўйича роли ва масъулияти оширилишига олиб келди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йилнинг 18 апрель куни “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг родини кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-5019-сон Фармон имзоланди³.

Мазкур ҳужжатда қайд этилишича, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг самарали рўёбга чиқарилиши — мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини сўзсиз ижро этиш учун прокуратура органларининг куч ва имкониятларини тўлиқ сафарбар этишни тақозо этмоқда.

Жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда

демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқаришга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан самарали назоратни амалга ошириш орқали “халқ манфаатларига хизмат қилиш” прокуратура органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатлаб қўйилган фуқароларнинг муҳим ижтимоий ҳуқуқи ҳисобланган меҳнат ҳуқуқининг суд орқали ҳимоя қилинишида, меҳнат соҳасидаги қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан самарали назоратни амалга ошира бориб, суд жараёнида ҳам ушбу соҳадаги қонунларга риоя этилиши юзасидан прокурор ваколатини таъминлашда прокуратура органлари муҳим ўрин тутди.

Маълумки, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири судларда фуқаролик ишларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш ҳисобланади (“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси). Қонунларни тўғри татбиқ қилиш борасида прокуратура органларининг фаолияти судларникига бирмунча ўхшаш бўлса-да, судлар ўз фаолиятини одил судловни амалга оширишга қаратадилар. Прокуратура эса одил судловни амалга оширишда судларга ҳар томонлама кўмаклашувчи орган ҳисобланади.

Судларда меҳнат низолари кўрилишида прокурорнинг асосий вазифаси қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришиш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир. Бу эса судда иштирок этувчи прокурордан меҳнат низоларини судда кўришнинг ўзига хос процессуал хусусиятларини чуқур билиш, меҳнат ва фуқаролик процессуал қонунчиликни қўллаш юзасидан юқори малака ва кўникмага эга бўлиш кабиларни тақозо этади. Ўз навбатида, меҳнатга оид низоли ишларни ҳал қилиш учун қонунда белгиланган процессуал хусусиятларга эътибор бермаслик мазкур туркумдаги ишлар юзасидан ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз ҳал қилув қарорлари чиқарилишига сабаб бўлади.

Судларда меҳнат низолари кўрилишида прокурор иштирокининг муҳимлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 124-сон буйруғида ҳам ўз ифодасини топган. Унга кўра, фуқароларни ишга тиклаш тўғрисидаги ишларнинг судларда кўрилишида прокурор иштироки мажбурий эканлиги, фу-

қароларнинг меҳнатга доир ҳуқуқлари ҳимояси, шу жумладан, уларни гайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиш билан боғлиқ низоларнинг судларда кўрилишида ФПКнинг 259-моддаси қоидаларининг қўлланилиши, айниқса, процесснинг ўзидаёқ мансабдор шахс зиммасига мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган иш бажарилган вақт учун ҳақ тўлаш натижасида ташкилотга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти юкланиши процессуал ваколатлар доирасида таъминланиши белгиланган.

Меҳнат низоларининг судда кўрилишида прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятларидан бири, фуқаролик процессининг бошқа иштирокчиларидан фарқли равишда, прокурорнинг ишда иштирок этиш асослари ҳамма вақт ҳам суд орқали манфаати ҳимоя қилинаётган шахслар доирасига боғлиқ бўлмаслигидадир. Масалан, меҳнатга оид низоли ишлар бўйича прокурорнинг даъво аризасида меҳнат ҳуқуқлари бузилган ходимлар ёки меҳнат жамоасининг меҳнат ҳуқуқларини тиклаш мақсадида судга мустақил равишда даъво аризаси билан мурожаат қила олмаслигининг узрли эканини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши талаб этилмайди. Касаба уюшмалари, меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилар экан, фақатгина қонунда кўрсатилган ҳоллардагина судда даъво қўзғата оладилар. Прокурор эса ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво аризаси билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир. Бундан ташқари, касаба уюшмалари, меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори процессга қонунда кўрсатилган ҳолларда ўз ваколатлари доирасида иш юзасидан ҳулоса бериш мақсадида жалб қилиниши ёки суд ташаббуси билан киришлари мумкин.

Шу ўринда, мамлакатимиз ФПКнинг 5- ва 46-моддалари прокурорга ҳар қандай шахснинг ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқини беради. Хусусан, ФПКнинг 5-моддасига кўра, суд фуқаролик ишини прокурорнинг аризаси бўйича қўзғатиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, мазкур кодекснинг 46-моддасига кўра, прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга ариза билан мурожаат қилиш, шунингдек, бошқа шахслар ташаббуси билан қўзғатилган ишни кўришда процесснинг бошидан бошлаб иштирок этиш ҳуқуқига эга⁴.

Мамлакатимиз Меҳнат кодексининг 9-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга

бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Мазкур кодекснинг 268-моддасига кўра эса прокурор ходим, касаб ва уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи, меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори ҳамда иш берувчи билан бир қаторда, меҳнат низосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга экани белгиланган⁵.

Бир сўз билан айтганда, фуқаролик суд ишларини юритиш билан боғлиқ бўлган қонунларнинг бажарилиши юзасидан прокурор ваколатини таъминлаш мақсадида прокурор судларнинг мустақиллиги ва фақатгина қонунга бўйсунуш тамойилига қатъий риоя этиб, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан одил судловни амалга оширишга кўмаклашади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этаётган бир пайтда, фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш вазифаси юклатилган прокурорларнинг фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал этиш жараёнидаги иштироки алоҳида эътибор талаб этади. Шунинг учун ҳам фуқаролик процессида прокурор иштирокига йўл қўйилиши керак, унинг ушбу процессдаги иштирокига юқорида баён этилган объектив заруратлар мавжуд. Қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига юридик ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокурор ваколатларининг чекланиши мақсадга мувофиқ эмас. Айниқса, мамлакатимиз қонун ҳужжатларида фуқаролик ишлари бўйича адвокатлар томонидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган бир вақтда, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар ўзларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб прокуратура идораларига мурожаат қилишлари турган гап.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 46-моддасида назарда тутилган қоидалар асосида фуқаролик ишларининг биринчи инстанция судида кўрилишида прокурор қуйидаги икки шаклда иштирок этади:

1) бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш;

2) бошқа шахслар ташаббуси билан қўзғатилган ишни кўришда ишнинг моҳияти бўйича фикр бериш мақсадида иштирок этиш (ФПКнинг 46, 47-моддалари).

Судга мурожаат қилаётган ҳар қандай шахс каби прокурор ҳам судга меҳнат низосини ҳал қилишни сўраб мурожаат қилаётганда, фуқаро-

лик процессуал қонунчиликда белгиланган шартлар ва тартибга риоя қилиши талаб этилади. Зеро, ФПКнинг 1-моддасида ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқни ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли экани белгиланган.

Ишга тиклаш ёки ишдан бўшатиш асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида берилаётган даъво аризаларининг мазмунига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Судлар мазкур туркумдаги ишлар бўйича берилаётган даъво аризаларида ходим иш учун муҳим аҳамиятга молик далилларни (масалан, ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ нусхаси ёки унинг кўчирмасини, касаб ва уюшмаси қўмитасининг ишдан бўшатиш учун берган розилиги тўғрисидаги қарори нусхасини, иш ҳақининг миқдори тўғрисидаги маълумотномани ва ҳ.к.) ҳар доим ҳам илова қила олмайди. Шунинг учун мазкур даъво аризалари прокурор томонидан тақдим этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Меҳнат низосини ҳал қилишни сўраб судга мурожаат қилиш шартларидан бири **қонунда белгиланган муддатларда** судга даъво аризаси билан мурожаат қилишдир.

Меҳнат кодексининг 270-моддасига мувофиқ, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича, хусусан:

— ишга тиклаш низолари бўйича – ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

— ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича — зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан эътиборан бир йил;

— бошқа меҳнат низолари бўйича – ходим ўз ҳуқуқни бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой муддат белгиланган.

Даъво муддатлари меҳнатга оид барча низоли ишлар учун қўлланилади, деб бўлмайди. Хусусан, Меҳнат кодексининг 270-моддасига кўра, ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

Судлар меҳнатга оид низоли ишлар юзасидан берилган даъво аризаларини қабул қилиб олар эканлар, албатта, ходимнинг судга мурожаат қилиш муддатини ўтказиб юборган-юборилмаганлик масаласини аниқлашлари лозим бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги 12-сон қарорининг 2-бандида тушунтириш берилишича, ишга тиклаш ҳақидаги

низо бўйича ариза, ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан эътиборан бир ой муддат ичида бевосита судга берилади. Меҳнат кодексининг 270-моддасида белгиланган муддатлар прокурор, касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органлари томонидан бериладиган даъволарга нисбатан ҳам татбиқ қилинади⁶.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз юридик адабиётларида ва миллий қонунчилигимизда “номуайян шахслар доираси”, “номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқлари” тушунчасини аниқловчи таърифлар мавжуд эмас.

Миллий қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (амалдаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси — *муаллиф*) ҳамда унинг ҳудудий органлари истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга экани назарда тутилган. Худди шундай ваколат мазкур қонуннинг 24-моддасига кўра, маҳаллий ҳокимияти органларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ваколатларида ҳам ўз ифодасини топган⁷. Бироқ мазкур қонунда ҳам номуайян шахслар доираси деганда қандай шахслар тушунилишига аниқ таъриф берилмаган. Бу эса, ўз навбатида, ушбу идоралар томонидан судга даъво тақдим этиш жараёнида муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Зеро, ФПКнинг 149-

моддасига кўра, судга тақдим этилаётган аризаларда (даъво аризалари ва шикоятларда) даъвогарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва яшаш жойи, агар даъвогар ташкилот бўлса, унинг қаерда жойлашганлиги ва манзилига оид маълумотлар бўлиши талаб этилади. Мазкур модданинг учинчи қисмида баён этилишича, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томонидан бериладиган аризаларда, ФПКнинг 149-моддасида санаб ўтилган маълумотлардан ташқари, ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили кўрсатилиши лозим. ФПКнинг 154-моддасида кўрсатилишича, судья ариза ушбу талабларга риоя қилинмай берилганлигини аниқласа, аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқариб, бундан даъвогарни хабардор қилади ва камчиликларни тузатиш учун унга муҳлат беради.

Бир сўз билан айтганда, прокурор томонидан айниқса, меҳнатга оид низоларда жамоа манфаатларини ҳимоя қилиб мурожаат қилинган даъво аризаларида номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи ва уни амалга ошириш механизмлари мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида батафсил тартибга солиниши тақлиф қилинади. Мазкур қонуннинг қонунчиликка киритилиши ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоялашнинг қўшимча кафолати вазифасини бажаради.



¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

² // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 168-модда.

³ // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 17-сон, 285-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. – Тошкент: Адолат, 2015.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Тошкент: Адолат, 2016.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова.

⁷ // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 59-модда.

Азамат АКБАРОВ,
Профессор Казахского национального университета
(Алматы, Казахстан)

ПОСТРОЕНИЕ ЮРИДИЧЕСКОГО ДИСКУРСА И ОБЩЕСТВЕННАЯ ПРАКТИКА

◆ Инсоний муносабатларда марказий ўринни эгаллайдиган тил ҳуқуқ соҳасида айниқса муҳим аҳамият касб этади. Моҳиятан, ҳуқуқ тилсиз мавжуд бўла ололмас эди. Ҳуқуқ икки асосий функцияни бажаради: инсоний ўзаро муносабатларни тартибга солади ва ижтимоий тартибни, у бузилган тақдирда, тиклайди. Кўрсатилганларни инобатга олиб, ҳуқуқ функцияси икки мазмунли характерга эга: регулятив ва конститутив. Мақолада ушбу масалаларга эътибор қаратилган.

◆ Язык, занимает центральное место в сфере человеческих отношений, играет особенно важную роль в области права. В сущности, право не могло бы существовать без языка. Право выполняет две главные функции: упорядочение человеческих взаимоотношений и восстановление социального порядка, в случае его нарушения. В свете указанного, функция права носит двоякий характер: регулятивный и конститутивный. В статье особое внимание уделено этим вопросам.

◆ Language, which is central to the sphere of human relations, plays a particularly important role in the field of law. Logically, law could not exist without language. The law fulfills two main functions: the regulation of human relationships and the restoration of the social order, in the event of its violation. In the light of this, the function of law is twofold: regulative and constitutive. The article focuses on these issues.

Таянч сўзлар: ҳуқуқ, юридик тил, қонунчилик, матн, тилшунослик.

Ключевые слова: право, юридический дискурс, законодательство, текст, лингвистика.

Key words: law, legal discourse, legislation, text, linguistics.

1. Введение

Право определяет и регулирует отношения между юридическими лицами; посредством права возникают новые отношения, не существовавшие ранее, примером может служить церемония бракосочетания. Язык, используемый в деятельности, направленной на восстановление социального порядка, раскрывается в спорах между отдельными лицами, а также в уголовных процессах, когда возникает конфликт между личностью и государством. В настоящем исследовании особое внимание уделяется языку и стилистике, используемым в специфических целях составления документов и написанию норм права, что, в широком смысле включает в себя не только законодательство, но также документы, относящиеся к частному праву, такие как контракты, завещания и сделки.

Изучение повседневного юридического дискурса непрофессионалов также представляет собой один из самых важных аспектов развития социально-правовых исследований, поскольку часто именно в результате такого дискурса право во множестве своих проявлений устанавливается и вводится в действие. В залах судов, юридических дискурсах непрофессионалов, в отличие от формального юридического дискурса, является «общим голосом» и жаргоном закона в действии: таким образом, к примеру, соседи ведут спор в суде мелких тяжб и автомобилист заявляет свой иск в суд по рассмот-

рению дел о дорожно-транспортных происшествиях. Этнографы судов низших юрисдикций, в частности, часто изображают повседневное лингвистическое построение «правовых» споров двумя концептуально разными, но эмпирически взаимно налагающимися способами: (1) посредством дискурса, ориентированного на право, который структурирует проблемы вокруг правовых категорий и вопросов, и (2) посредством дискурса, ориентированного на отношения, который структурирует проблемы вокруг требований установления связей, последствий возникновения отношений и личных потребностей (Конли и О'Барр 1998). Такие дискурсы важны, поскольку они могут оказать влияние на рассмотрение и исход дел, в особенности, в судах мелких тяжб, в которых свидетельские показания, как правило, являются характерным (или единственным) источником доказательств (Конли и О'Барр, 1988). Дискурс, ориентированный на отношения, в целом представляется менее эффективным, чем дискурс, ориентированный на право, в достижении целей спорящих сторон, и может рассматриваться судьями как «абсолютно неприменимый» (Конли и О'Барр 1990).

Необходимо выяснить причины, по которым обыватели используют конкретный дискурс и способы эффективного анализа такого дискурса. Мы концептуализируем эти вопросы в связи с социальным распространением повседневного юриди-

ческого дискурса (Конли и О'Барр 1990). Этот подход, таким образом, способствует исследованиям как «жесткого», так и «мягкого» детерминизма языка в действии; в частности того, как различные виды социальных категорий определяют повседневный юридический дискурс, а также того, как непрофессионалы используют повседневный юридический дискурс для создания и выражения социального контекста их споров (Эвик и Силби, 1998). Ученые, занимающиеся социально-правовыми исследованиями, утверждают, что на дискурс, используемый непрофессионалами в правовых спорах, оказывают влияние два аспекта социального распространения повседневного юридического дискурса – «пол и половые различия» и «контекст отношений».

2. Дифференциация правового дискурса

Современный юридический язык стал высоко дифференцируемой разновидностью языка, специфичность которого вызывает вопросы о том, может ли он рассматриваться как отдельный диалект, регистр или подъязык. Чарроу и др. (1982) утверждает, что степень лингвистической вариации правового английского языка обеспечивает его классификацию в качестве разновидности языка, тогда как Данет (1985) предпочитает рассматривать правовую язык как особый регистр, в свете предположения Болингера (1975) о том, что «регистр в основном является предметом формальности». Правовой язык является специфическим доменом языка для специфических целей (Language for Specific Purposes (LSP)), который в свою очередь, может быть разделен на ряд под-доменов, предположительно подразумевающих лингвистическую диверсификацию. Язык права рассматривается как один из нескольких подъязыков юридического языка. Мое определение как таковое рассматривается в рамках концепции LSP, которая рассматривает LSP как ряд доменов, которые разветвляются на субдомены, каждый из которых охватывает ряд подъязыков. Язык права необходимо отличать от других разновидностей юридических языков, например, от языка, используемого в зале суда, языка учебников по праву, языка, используемого в разговорах о праве как в формальной, так и в неформальной обстановке.

Этот способ определения юридического языка и «языка права» ни в коей мере не является единственным способом разграничения двух концепций. Фактически, Курзон (1989) поддерживает подход двойного разделения, при котором то, что он называет «языком права» используется в узко определенных правовых доменах, а «юридический язык» является более емким понятием, которое охватывает более широко определяемые разновидности языка, используемого в различных правовых контекстах, за исключением тех, в которых превалирует «язык права». При этом, некоторые лингвисты рассматривают язык права как часть юридического языка; более того, они полагают полезным применять более дифференцированный подход к тому, что Курзон (1989) классифицировал как юридический язык. Мы можем начать поиск характеристик

определенного юридического подъязыка, сконструированного специально для выполнения определенной функции в определенной коммуникативной ситуации, только определив субдомены. Для того, чтобы определить характеристики, связанные с определенной коммуникативной ситуацией в рамках определенного субдомена, нам необходимо принимать во внимание социально-прагматические аспекты. Классификация по взаимоотношениям между говорящим и адресатом (т.е. эксперт и обыватель), а также по коммуникативной функции (напр. директивная, информативная и экспрессивная) является фундаментальной для любого выбора альтернативных лингвистических выражений (напр. уровень формальности). Язык меняется в зависимости от цели общения. Например, когда адвокат обращается к свидетелю на заседании суда, он/она будет использовать язык, отличный от языка, используемого тогда, когда он/она обращается к клиенту, даже если в обоих случаях адресатом является обыватель. При обращении юриста к клиенту его коммуникативное намерение может, к примеру, заключаться в информировании клиента об аспектах права наследования и предоставлении ему/ей соответствующей консультации; также намерение может заключаться в определении штрафа, взыскания задолженности, и т.д.; и соответственно, риторические функции будут отличаться соответствующим образом, и включать в себя либо письменные, либо устные средства (решения составляются из устной речи, зафиксированной в письменном виде).

Обозначая уровни формальности (сдержанный, формальный, консультативный и неофициальный), Данет (1980) размещает юридический дискурс в область формальности на указанной шкале. Сдержанное использование английского языка на письме встречается в документах: страховых полисах, контрактах, завещаниях, и т.д.; сдержанный стиль в устном общении свойственен церемониям бракосочетания или произнесению клятвы свидетелем («говорить правду, только правду и ничего, кроме правды»). Формальный английский на письме охватывает язык законов, писем юристов и апелляционных заключений, а устный язык встречается на допросах свидетелей в суде, речи адвоката и показаниях экспертов. Консультативный стиль ограничен дачей показаний свидетелями, взаимодействием между клиентом и адвокатом и тому подобным, тогда как неофициальный стиль используется только в неформальных беседах, например между судьями и адвокатами на совещаниях в лобби, беседах между юристами в отсутствие клиентов, и т.д. (Данет, 1985).

Что касается функции, от юридических текстов мы ожидаем регулятивной функции. В то же время, мы ожидаем, что учебники по праву будут информативными, общение между консультантом/клиентом будет носить признаки аргументации риторической техники, а взаимодействие между юристом и клиентом будет выполнять более широкий спектр функций. Вердикт (оправдательный/обвинительный)

заклучается в «сообщении о приговоре, официальном или неофициальном, вынесенном по рассмотрению доказательств или оснований в отношении ценности или факта, насколько они являются различимыми» (Остин, 1962). Вердикт является правовым актом, отличным от законодательных или исполнительных документов, которые являются регулятивными актами. Согласно парадигме Сирла (1976), вердикт рассматривается как декларация. Если судья объявляет человека виновным, то юридически человек виновен. Декларирование находится в зависимости от внелингвистических структур.

3. Язык права

Отдельным видом декларации является утверждение закона. Когда утверждается закон, каждому законодательному акту предшествует то, что нам известно как *формула утверждения*. В Великобритании, формула утверждения, так называемая *формула промульгации*, как правило, носит следующие формы:

ПОДЛЕЖИТ УТВЕРЖДЕНИЮ Ее достопочтенным Величеством Королевой, по представлению и согласованию с лордами духовными и светскими, и членами Палаты общин, в присутствии Парламента, и на основании полномочий, как изложено ниже: - (Закон о договорах с лицами, не достигшими совершеннолетия, 1987)

В точки зрения речевого акта, формула утверждения, которая является явным перформативом, содержащим перформативный глагол *утверждать*, придает иллокутивную силу, т.е. макро-функцию, всему тексту (понятие «речевого акта властителя», использованное Фотионом в 1971). Перформативный закон сигнализирует об иллокутивной силе высказывания, например «настоящим я приказываю вам удалиться». Формула промульгации составляет перформативную часть акта, тогда как сборник правил имеет пропозициональное содержание.

Когда (и только в этом случае) декларация совершается должным образом, она меняет мир. В этой связи, должна быть применена соответствующая

лингвистическая формула. Завещание, написанное неправильно, не является завещанием, а церемония бракосочетания, осуществленная в нарушение правил, не приносит «счастья» (в смысле, подразумеваемом Остин (1962) и Сирлом (1969, 1976)). Успешное утверждение закона (путем применения формулы промульгации), является необходимым условием законоположения. Фактически, этот признак обозначает рассматриваемое действие как декларацию и является условием, при котором закон вводится в действие. Аналогично, такие документы, как контракты и завещания должны быть написаны согласно установленной формуле и должным образом подписаны, чтобы они имели законную силу.

4. Заключение

Отличительные лексические черты, такие как технические термины, архаичные выражения и общие понятия, наделенные значением, присущим правовому применению, представляются относящимися исключительно к юридическому языку. Эта область представляет проблемы и подводные камни для переводчика юридических текстов. Дело не только в разнообразии «языков права», которое настолько велико, насколько велико количество дел, рассматриваемых судами ежедневно, но и в том, что перевод осложнен недостатком лексических эквивалентов между исходным и целевым языком, часто обусловленным различиями между правовыми системами. До настоящего времени анализ, главным образом, ограничивался отдельными языками. Одной из областей, которые почти полностью игнорировались в исследованиях составления юридических документов, является прагматика. Анализ признаков юридического языка на уровне дискурса едва был начат, когда Данет (1985) указал на слова-связки как на очевидные объекты исследования. Более того, был бы полезен анализ различных доменов юридического языка в свете коммуникативных функций. Важной целью дальнейших исследований является кросс-лингвистическое и межкультурное сравнение аспектов юридического дискурса.



¹ Austin, J. L. (1962): *How to do things with words*. New York: Oxford University Press.

² Bolinger, D. (1975): *Aspects of language*. New York.

³ Charrow, W.R./Crandall, J.A./Charrow, R.P. (1982): Characteristics and functions in legal language: In: R. Kittredge/J. Lehrberg (eds.): *Sublanguage*. Berlin: Walter de Gruyter.

⁴ Conley, J. M., & William M. O. (1988) "Fundamentals of Jurisprudence: An Ethnography of Judicial Decision Making in Informal Courts," 66 *North Carolina Law Rev.*

⁵ Conley, J. M., & William M. O. (1990) *Rules versus Relationships: The Ethnography of Legal Discourse*. Chicago: Univ. of Chicago Press.

⁶ Conley, J. M., & William M. O. (1998) *Just Words: Law, Language, and Power*. Chicago: Univ. of Chicago Press.

⁷ Danet, B. (1980): Language in the legal process. In: *Law and Society Review*, 14.

Danet, B. (1985): Legal discourse. In: *Handbook of discourse analysis*, vol. 1, London: Academic Press.

⁸ Ewick, Patricia, & Susan S. Silbey (1998) *The Common Place of Law: Stories from everyday Life*. Chicago: Univ. of Chicago Press.

⁹ Fotion, N. (1971): "Master speech acts". *Philosophical Quarterly*, 21.

¹⁰ Kurzon, Dennis (1989): Language of the law and legal language. In: Christer Laurin/Marianne Nordman (eds.): *Special language: From humans thinking to thinking machines*. Multilingual Matters: Clevedon/Philadelphia.

¹¹ Searle, John R. (1969): *Speech acts*. Cambridge: Cambridge University Press.

¹² Searle, John R. (1976): The classification of illocutionary acts. In: *Language in Society*, 5.

Эркин ҲОЖИЕВ,
Давлат бошқаруви академияси доценти, ю.ф.н.

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

- ◆ Ушбу мақола 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналиши сифатида кўрсатиб ўтилган давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишнинг мазмун-моҳиятини ёритилган.
- ◆ В данной статье освещена сущность реформирования системы государственного управления, указанного в приоритетных направлениях совершенствования системы государственного и общественного строительства Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.
- ◆ This article analyses reforming the system of state governance appointed in developing the system of state and society according to the Strategy of action on five priority directions of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021.

Таянч сўзлар: маъмурий ислоҳот, бошқарув функцияси, маъмурий процедура, давлат бошқаруви, давлат хизмати, жамоат назорати.

Ключевые слова: административная реформа, функция управления, административная процедура, государственное управление, государственная служба, общественный контроль.

Key words: administrative reform, function of governance, administrative procedure, state governance, civil service, public control.

Ўзбекистонда амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсади барқарор ривожланаётган иқтисодиётга эга демократик давлат қуриш, инсон олий кадрият ҳисобланган жамиятни шакллантиришдан иборатдир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда инсонпарвар ҳуқуқий давлат барпо этиш ва унинг заминиди эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, Биринчи Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, бизнинг бош концепциямиз ва миллий равнақимиз асосидир.

Умуман олганда, мамлакатимизда охириги йилларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятида инсон манфаатларининг устуворлиги, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъуллиги янада кенгрок намоён бўлмоқда. Шундай экан, ҳар бир амалга оширилаётган кундалик ишларимизда қонун устуворлигига эътибор қаратишимиз ҳамда масъулиятимизни янада кучайтиришимиз лозим.

Давлат бошқаруви тизимида олиб борилган ислоҳотлар ва, хусусан, маъмурий ислоҳотлар борасида ҳар бир давлат тарихий, сиёсий, ҳуқуқий

ёки маданий хусусиятлардан келиб чиқувчи ўзининг тажрибасига эга. Лекин шу билан бирга баъзи бир умумий хусусиятлар ҳам мавжуд. Бундай умумийлик, биринчи навбатда, олиб борилган маъмурий ислоҳотларнинг мақсади, асосий йўналишлари ҳамда кўринишларида намоён бўлади.

Маъмурий ислоҳотлар: бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишга, давлат бошқаруви тизимига “рақобат” принципини жорий этишга, давлат бошқаруви тизимини номарказлаштиришга, бошқарув қарорларини қабул қилиш механизминини ўзгартиришга қаратилган.

Аксарият давлатларда маъмурий ислоҳотларнинг мақсади оммавий бошқарув тизимининг транспарентлигига ҳамда маъмурий ва суд процедураларини такомиллаштиришга, иккинчи гуруҳ давлатларда эса, бошқарув тузилмалари ва улар фаолиятини такомиллаштириш, давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга қаратилган. Учинчи гуруҳ давлатларда маъмурий ислоҳотлар давлат бошқарувини демократлаштириш ҳамда номарказлаштиришни назарда тутди.

Ҳозирги кунда маъмурий ислоҳотларнинг қуйи-

даги иккита асосий йўналишини кўрсатиб ўтиш мумкин:

Биринчидан, бошқарув функцияларини ислоҳ этиш.

Бундай ислоҳотларнинг мазмунини давлат органлари ваколат (вазифа, функция)ларини оптималлаштириш, ортиқча ва такрорланувчи функциялардан воз кечиш ташкил этади.

Бошқарувдаги функционал ўзгаришлар бир неча йўналишларда, яъни бошқарув функцияларини номарказлашган ташкилотларга ўтказиш ёки бошқарув функцияларини давлат органлари тизимида қайта тақсимлаш ёхуд марказий давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида қайта тақсимлашда намоён бўлади.

Замон талаби асосидаги маъмурий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири айнан номарказлаштириш, яъни марказий давлат органларининг айрим ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказиш ҳисобланади.

Иккинчидан, маъмурий процедураларни ислоҳ этиш.

Маъмурий процедураларни ислоҳ этиш жараёнида бошқарув қарорларини қабул қилиш тартиби, ушбу механизмдаги давлат хизматчиларининг тутган ўрни ва роли ўзгаради.

Маъмурий процедуралар шундай жараёнки, унда бошқарув субъектларининг ваколати доирасидаги вазифаларни бажаришга ҳамда оммавий хизматлар кўрсатишга қаратилган ҳаракатларнинг кетма-кетликда амалга оширилишини назарда тутувчи тартибот намоён бўлади¹.

Бошқарув тизимидаги процедуравий ислоҳотлар бошқарувдаги функционал ўзгаришлар сингари, давлат тузилмаларининг фаолиятига тегишли масалаларни кўриб чиқиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш орқали таъсир кўрсатади.

Процуравий ислоҳотларнинг олиб борилиши билан, биринчидан, маъмурий процедураларни ҳуқуқий тартибга солиш такомиллашади; иккинчидан, ортиқча ва такрорланувчи процедуралар (хатти-ҳаракатлар) бартараф этилади, яъни соддалаштирилади; учинчидан, маъмурий процедуралардаги очиқлик таъминланади.

Процуравий ислоҳотлар нафақат бошқарув қарорларини қабул қилиш тартибининг ўзгаришига, балки давлат хизматчиларининг мақоми (хатти-ҳаракати)га ҳам таъсир кўрсатади.

Давлат хизматини ислоҳ этиш унинг самарадорлигини оширишга ҳамда тез ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий муносабатларга мослашиб боришига хизмат қилиши лозим.

Хорижий давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, маъмурий ислоҳотлар давлат тузилмаларидаги бошқарув билан бизнес соҳасидаги менежментни яқинлаштириб, хизматлар сифатини оширишга ҳамда бошқарув қарорларини опе-

ратив қабул қилиш ва амалга оширишга хизмат қилиши лозим.

Олиб борилган ислоҳотлар давлат хизматчиси томонидан аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини соддалаштириши, жисмоний ва юридик шахсларнинг тегишли ҳужжатларни (маълумотларни) олишини енгиллаштириши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида аҳоли хабардорлигини яхшилаши лозим.

Маъмурий ислоҳотлар давлат хизматида маъмурий-буйруқбозлик ва коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.

Маъмурий ислоҳотлар давлат хизматчиларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмини жорий этиш ва такомиллаштириб боришни ҳам назарда тутди.

Давлат хизматидаги ислоҳотлар давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш механизмини ҳам жорий этади. Амалда давлат хизматчиси фаолиятининг натижасига қараб баҳолаш кенг қўлланилади. Баҳолаш механизми хизмат мажбуриятларини самарали амалга ошираётган давлат хизматчисининг олдинга қараб ҳаракатланишига, давлат хизматчиси фаолиятидаги нуқсонларни аниқлашга, нолойиқ хизматчиларни бўшатишга хизмат қилади. Баҳолаш механизмининг омиллари сифатида давлат хизматчиси томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг самарадорлиги, сифати, кам харажат, ишчанлик, ташкилотчилик, мажбуриятларнинг ўз вақтида тўлиқ бажарилиши ва бошқалар намоён бўлади.

Маъмурий ислоҳотлар давлат хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш механизмини ҳам йўлга қўяди.

Ҳозирги тез ривожланиб бораётган жамиятда ҳар қандай билим, кўникма ва малака замон талабидан орқада қолмаслиги шарт. Шу сабабли давлат хизматчиларининг касбий билим, кўникма ва малакалари доимий ошириб борилади, масофавий таълим олиш имкониятлари кенгайтирилади, ахборот тармоқлари орқали янги таълим дастурлари жорий этилади.

Ўзбекистонда давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминоти даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни бошқаришда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали ислоҳ қилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек: "...давлат бошқаруви тизимини бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Бу борада 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида маъмурий бошқ-

арув соҳасидаги ислохотлар концепцияси қабул қилиниши, унда давлат бошқаруви органлари тузилмасини, вазифа ва ваколатларини оптималлаштириш, уларнинг ўзига хос бўлмаган, такрорланадиган функцияларини ҳамда ходимлар умумий сонини қисқартириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини кескин камайтириш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда". 2017 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5185-сон Фармони билан "Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепцияси" тасдиқланди².

Шуни ҳам айтиш лозимки, Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатиб ўтилган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида"ги Қонунини қабул қилиш мамлакатимиз олдида турган муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга замин яратади.

Ҳозирги даврда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодиётида хусусий бизнес ва давлат ўзаро муносабатларининг янги шакли — давлат-хусусий шерикчилик кенг тарқалган.

Давлат-хусусий шериклик бутун давлат миқёсида ёки алоҳида ҳудудлар миқёсида жамият учун аҳамиятли лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ташкилий ва институционал жиҳатдан давлат ва хусусий бизнеснинг бирлашувини ўзида ифода этади.

Мазкур шакл давлатнинг иқтисодиётга тўғридан-тўғри таъсирини камайтириш ва функционал ваколатларни хусусий секторга ўтказиш ҳамда бир вақтнинг ўзида давлатнинг тартибга солиш функциясини сақлаб қолиш ва кучайтиришга асосланади.

Давлат мулк ҳуқуқини кафолатлайди, имкониятлар ва кафолатларни, шунингдек, молиявий ресурсларни тақдим этади. Давлат-хусусий шерикчилик асосида ўзининг асосий функцияси — назорат, мувофиқлаштириш, умумдавлат манфаатларига амал қилишни ривожлантиради.

Давлат — хусусий шерикликдаги манфаат, биринчи навбатда, фойдани максималлаштириш, шунингдек, лойиҳалардаги хўжалик эркинлигига эга бўлиш, хусусий сектор, меҳнат ва янгиликларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга уринади.

Иккинчидан, бизнес, агарда лойиҳани амалга оширишда муваффақиятсизликка учраса, лойиҳани амалга ошириш учун сарф этилган харажатларни қайтариш кафолатига эга бўлади.

Бунда давлатнинг манфаатдорлиги шундаки, хусусий секторга харажатларининг маълум қисмини ўтказиш ёки инвестиция киритишни таклиф қилади. Шунингдек, ижара ва концессия тўловлари ҳисобидан давлат тузилмаси ўз бюджети

учун қўшимча даромад олади.

Давлат-хусусий шерикликнинг аҳоли учун имтиёзли томонлари сирасига товарлар ва хизматлар сифатининг юксалиши, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш киради. Бундан ташқари, давлатнинг харажатлари унданда муҳимроқ бўлган ва биринчи даражали бошқа масалаларни ҳал қилишга сарфланиши мумкин.

Замонавий дунёда давлат-хусусий шериклиги шундай механизмки, бу механизм иқтисодиётни модернизация қилиш билан боғлиқ бўлган юқори технологияга асосланган бизнес ва давлат масалаларини ҳал қилишни таъминлашга йўналтирилган корпоратив структураларни яратиш асосидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур қонун ҳужжатининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши давлат ва хусусий бизнес ўртасида манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда унинг барқарор ривожланишини йўлга қўйишга хизмат қилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмини шакллантириш ва такомиллаштириш ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида долзарб масала ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари ҳамда кундалик эҳтиёжларини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эга. Давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар, жумладан, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати доимо муҳим масалалардан бири бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикасида давлат органлари фаолиятида ўзаро мувозанатда ушлаб туриш механизми мавжуд. Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, давлат назорати билан бир вақтда жамоатчилик назоратини амалга ошириш унинг самарадорлик даражасини бугунги кундаги тараққиёт талаблари даражасига кўтариши мумкин. Шу сабабли, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш, унинг механизмини такомиллаштириш лозим.

Демократик тузум аҳолининг нафақат ўз вакиллари орқали қонунлар яратиш, уларнинг ижросини ташкил этиши ҳамда низоларнинг ҳал қилишини, балки бу жараёнлар устидан назорат олиб боришини ҳам тақозо этади. Қабул қилинаётган қонунларнинг самарадорлиги, уларни ижро этиш сифатига баҳо беришда аҳолига давлат механизмнинг барча бўғинлари фаолияти ҳақида ишончли ва тўлиқ ахборот керак бўлади.

Давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати мавжуд бўлмаса, халқ суверенитети, давлатнинг демократик хусусиятлари, фуқа-

ролар ва жамиятнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, ошкоралик принципи амалда ишламайди.

Жамоатчилик назорати жамият ва давлат ўртасидаги муносабатни ифодаловчи ҳодиса бўлиб, у мазкур ижтимоий институтлар ўртасида оммавий ва хусусий манфаатлар мувозанатини сақлашга хизмат қилади. Ҳозирги замон давлат тузилмалари жамоатчилик назоратисиз қолиб кетиши мумкин эмас.

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий давлат қуришнинг зарурий шarti, шунингдек, ушбу институтлар фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи кўрсаткич ҳамда мамлакатда қонунийликни таъминловчи кафил сифатида майдонга чиқади.

Жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий адолат қарор топиши учун шахс, жамият ва давлат ўртасидаги алоқаларда мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилувчи асосий омил ҳисобланади. Мазкур институт инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатланганлигини, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор аҳамиятга эгаллигини таъминлайди, бунда жамоатчилик назоратининг мавжудлиги сиёсий ҳокимиятнинг том маънода халқ қўлида бўлишининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Жамоатчилик назорати — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда нодавлат ташкилотлари фаолияти устидан фуқаролар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (институтлари), шунингдек, давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назоратдир.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан олиб бориладиган жамоат назоратининг аҳамиятли томонлари ва хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади: жамият ва шахс манфаатларининг устунлиги; жамоатчилик назоратининг кенг қамровлилиги, яъни у ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари ва соҳаларида амалга оширилиши; ҳар бир фуқаро ва фуқаролар гуруҳлари учун бундай назоратда истисносиз иштирок эта олиш имкониятининг мавжудлиги; назоратни амалга ошириш жараёни ва натижалари барча учун очиқ-ойдинлиги; назорат ўтказишнинг ихтиёрийлиги; назоратни амалга ошириш жараёнида давлат органлари, мансабдор шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига бевосита аралашмаслик.

Жамоатчилик назоратининг асосий субъекти фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланади. Улар жамоатчилик назоратини амалга ошириш, унинг самарадорлигини таъминлаш, мавжуд ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш борасида

алоҳида фаоллик кўрсатиши лозим. Мамлакатимизда ҳозирги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, маҳаллалар муайян даражада жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид маълум бир қоидалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Жамоатчилик назорати бир қатор шаклларда: ижтимоий манфаатларга тегишли масалалар бўйича сўровлар юбориш, жамоатчилик текшируви, жамоатчилик фикрини ўрганиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, жамоатчилик экспертизаси ва бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин.

Бугунги кунда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, аҳолининг сиёсий маданияти ва фаоллигини ошириш, давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шаффофлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, авваламбор, мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатлари нечоғли муҳим эканини кўрсатади. Ўз навбатида, ислохотлар ислохот учун эмас, балки инсон учун ўтказилаётганини фуқароларнинг онгига синдириш ва уларни ушбу жараёнларнинг фаол иштирокчисига айлантириш билан боғлиқ муаммолар мавжуд эканлиги олдимизга давлат органлари мансабдор шахсларининг масъулиятини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тарғибот-ташвиқот қилишга қаратилган тадбирларни кўпайтириш, айниқса, ОАВ орқали замонавий ва ҳаётий кўрсатувлар, содда, халқчил тилдаги мақола ва эшиттиришлар сонини кўпайтириш талабини қўймоқда.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрнини юксалтириш, матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш масалалари ҳаётимизни ислоқ қилиш ҳамда янгилаш борасида олдимизга қўйган асосий вазифалардан бири этиб белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида сўз эркинлигининг муҳим жиҳати — ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатлар “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги³ Қонун билан тартибга солиниши мустаҳкамлаб қўйилган.

Сўз ва матбуот эркинлигини ҳуқуқий ҳимоя қилишга, ахборот олиш ва тарқатишни кафолатлашга қаратилган яна бир қонун ҳужжати — бу “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун⁴дир. Мазкур қонун журналистнинг

касб фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солиди, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, унга ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар беради, қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгилайди.

Бугунги кунда жамоатчилик назоратининг муҳим субъекти сифатида ОАВ зиммасига муҳим масъулият юкланган. Бунда улар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг тегишли қонунчилик ва давлат дастурларида белгиланган вазифаларни қай даражада бажараётганликлари, қабул қилинаётган муҳим қарорларнинг жойлардаги ижроси ҳолати юзасидан мунтазам тизимли назорат олиб боришлари зарур бўлади. Бунинг учун журналистлардан юксак даражадаги касбий маҳоратга эга бўлиш, ҳалоллик, дадиллик ва, энг муҳими, халқ олдидаги ижтимоий масъулияти юқори даражада бўлиши талаб этилади.

Юқоридаги фикрларнинг барчаси соҳанинг қай даражада шиддат билан ривожланиб бораётганини, ушбу соҳани тартибга солиш ва вужудга келаятган ижтимоий муносабатларни замон талаблари даражасида ҳуқуқий тартибга солиш, соҳани бошқариш ва унинг фаолиятини белгилашга масъул давлат органлари фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб бориш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини жорий “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да ва кейинги йилларда амалга оширишга оид давлат дастурида оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини янада кучайтириш борасида қуйидаги вазифалар белгиланган:

биринчидан, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг професси-

онал фаолиятини химоя қилиш мақсадида “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги⁵ ва “Журналистлик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Лойиҳада қуйидагилар акс эттирилади: оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмлари; оммавий ахборот воситалари томонидан жамоатчилик назорати шаклларини амалга ошириш тартиби ва журналистнинг эркин фаолият юритиши учун қўшимча кафолатлар.

Иккинчидан, журналистларнинг амалий касбий малакаси ва амалий кўникмаларини ошириш Дастурини ишлаб чиқиш бўйича вазифа белгиланган. Унда, хусусан, журналистларни хорижий давлатларга малака ошириш учун юбориш, хорижий журналист ва экспертларнинг Ўзбекистонда семинар-тренинг ва маҳорат дарсларини ўтказиш масалалари ўз ифодасини топган.

Юқорида санаб ўтилган ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек, ахборот соҳасидаги амалда бўлган қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мамлакат фуқароларининг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширишдаги кемтик жойларни тўлдириш, шунинг баробарида ҳокимият ва бошқарув органларининг қабул қилинаётган қарорлар учун жавобгарлигини кучайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ҳамда парламент назоратини таъминлашда, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда ОАВнинг ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни вужудга келтириш, журналистларнинг касбий маҳоратини тизимли ривожлантириб бориш механизмларини янада кучайтириш имкони беради.

¹ Тихомиров Ю.А. Административное право и процесс: Полный курс. – М., 2005. 611-с.

² //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 37-сон, 979-модда.

³ //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сон, 108-модда.

⁴ //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сон, 110-модда.

⁵ //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 20-модда.

Шерзод ЖАЛОЛОВ,
Ҳарбий-техника институти
кафедра бошлиғи ўринбосари, подполковник

КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ, УНГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

◆ Мақолада коррупция тушунчаси, унга қарши курашнинг асосий йўналишлари ва муаммолари ёритилган. Шунингдек, ижтимоий ҳодиса ҳисобланган коррупцияга қарши кураш фақат биргина давлатнинг эмас, балки бутун инсониятнинг вазифаси эканлиги таъкидланган, тегишли хулосаларга келинган.

◆ В статье рассмотрены понятие коррупции, основные направления в борьбе с ней как актуальная проблема сегодняшнего дня, а также пути борьбы с ней. Вместе с тем, отдельно отмечено то, что борьба с коррупцией — задача не одного государства, а всего человечество.

◆ The article deals with the concept of corruption, the main direction in the combat against it as an actual problem of the present day, as well as ways to combat it. In addition, it was separately noted that the combat against corruption is not the task of one state, but of the whole mankind.

Таянч сўзлар: коррупция, коррупцияга қарши курашиш, коррупция жиноятчилиги, пора олиш, пора бериш, пора олиш ва беришда воситачилик қилиш, тамағирлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш.

Ключевые слова: коррупция, борьба с коррупцией, коррупционная преступность, дача взятки, получения взятки, посредничество в даче и получении взятки, вымогательство, превышение должностных полномочий.

Key words: corruption, combat against corruption, corruption crime, giving bribes, receiving bribes, mediation in giving and receiving bribes, extortion, abuse of authority.

Мамлакатимизда турли соҳалардаги каби ҳуқуқ соҳасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислоҳотларнинг бош мақсади – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, эркин ва фаровон жамият, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти куришдир. Ўзбекистон Республикаси шу йўлдан борар экан, бугунги кунда амалга оширилаётган давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар, айниқса, миллий ҳуқуқий тизимни барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Ўтган мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар инсон манфаатларига хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлардан бири бу одил судловни амалга ошириш ва коррупцияга қарши курашишдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида коррупция ва жиноятчиликнинг ўсиши на-

фақат ислоҳотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга қарши ҳам бевосита таҳдид туғдиради¹, деб таъкидлаган эди. Ўзбекистонда ҳам муайян даражада ушбу ижтимоий салбий ҳодиса — коррупция мавжуд. Ушбу ҳодисага қарши кураш ҳам халқаро миқёсда, ҳам республикаимизда долзарб муаммолардан ҳисобланади. Чунки, коррупция жиноятчилик, айниқса, уюшган жиноятчилик билан бевосита боғлиқдир.

Коррупцияга фақат жиноят-ҳуқуқий ёки криминологияга оид муаммо деб қараш унчалик тўғри бўлмайди. Чунки ушбу ҳодиса мураккаб сиёсий, иқтисодий ва ахлоқий аҳамиятга эга бўлган муаммо ҳисобланади.

Коррупция даражаси юқори бўлган давлатларнинг халқаро миқёсда ҳамда фуқароларнинг олдидан обрўи тушиб кетади.

Мустақил давлатимиз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида Биринчи Президентимиз томонидан бу иллатнинг олдини олиш бўйича қатор тавсиялар берилган. Хусусан, Биринчи Президентимиз Ислон Каримов 2005 йил 7 февралда ҳуқуқат-

нинг янги таркиби билан ўтказилган амалий кенгашда давлат аппарати ходимларига асосий иккита мезон: 1) ўзига бўлган масъулиятни тубдан ўзгартириш; 2) давлат хизматчиларига билдирилган ишонч, вазифага муносиб равишда билим, тажриба ва юқори малакага эга бўлишлари, ўз ишининг устаси ва соҳанинг сирларини ҳар томонлама чуқур билишлари лозимлигини таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилди.

Ҳозирги даврда коррупция кўпгина давлатларда кенг ёйилган. Коррупция ва унга қарши кураш муаммолари иқтисодий-сиёсий, суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш даврида долзарб аҳамият касб этади. Чунки бу давр одатда юксак даражадаги ижтимоий кескинликлар, иқтисодиётнинг беқарорлиги, қашшоқлик билан биргаликда кечади.

Шубҳасиз, Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари бевосита мамлакатимиз сиёсий мустақиллигини қўлга киритишининг ижтимоий оқибати бўлиб, унинг муҳим хусусияти ҳам, бош ислохотчи — давлатнинг ташаббусида демократик давлат барпо этиш, эркин ижтимоий тузумга хос бўлган барча қадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамиятини яратиш жараёнларига ҳамоҳанглигини эътироф этиш жоиздир.

Бироқ, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар шу билан бир жойда туриб қолиши керак эмас, балки у жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳамоҳанг тарзда ривожланиб бориши даркор. Ўзбекистонда олиб борилаётган туб ислохотлар шароитида давлат қурилиши ва ҳуқуқий сиёсатнинг мазмун ва моҳиятини аниқлаштириш, унинг мақсад ва вазифаларини ислохотларнинг бугунги тараққиёти асосида шакллантириб бориш, инсон манфаатларини таъмин этишнинг стратегик жиҳатдан янги воситалар билан бир қаторда, ҳам тактик хусусиятга эга бўлган янги усулларни қўллаш, шахс ҳамда жамият манфаатларини янада самаралироқ ҳимоя қилиш, коррупциянинг олдини олишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш эҳтиёжи вужудга келиши билан белгиланади.

Дарҳақиқат, республикаимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз” мавзусидаги маърузасида “Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъмин-

лаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур”, деб таъкидлади.

Шулардан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизми яратилди. Яъни, 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Қонуннинг 3-моддасида коррупцияга қўйиладиган таъриф берилган: Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши².

Дарҳақиқат, коррупция – мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноятдир. Коррупция фаолияти хуфёна иқтисодиётнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Аксарият ҳолларда коррупция деганда, давлат амалдорлари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади. Аммо умуман олганда, давлат амалдорларигина эмас, балки фирмаларнинг менежерлари ҳам коррупцияга доир муносабатларнинг иштирокчилари бўлиши; пора пул билан эмас, балки бошқа шаклда берилиши мумкин; коррупцияга доир муносабатларнинг ташаббускорлари баъзан давлат амалдорлари эмас, балки тадбиркорлар бўлиши мумкин.

Этимологик жиҳатдан “коррупция” атамаси “бузиш, пора эвазига оғдириш” деган маънони англатадиган латинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан. Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, “коррупция – мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият”³.

“Юридик атамалар қомусий луғати”да коррупция тушунчасига “давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган (ёки уларга тенглаштирилган) шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон бериши”⁴, деб таъриф берилган.

Бошқа бир адабиётларда коррупция атамаси “сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият бўлиб, мансабдор шахслар ўзларига берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойиш мақсадида фойдаланишидан иборат”⁵, деб тавсифланган.

1979 йил 17 декабрда қабул қилинган Ҳуқуқий

тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг ҳулқ-атвор кодексида: “Коррупция тушунчаси миллий ҳуқуқда белгиланиши лозим”, деб қайд этилган ва унда мазкур ҳодисанинг намунавий таърифи келтирилган: “...мансабдор шахс ўз мансаб ваколатлари соҳасида ҳар қандай шаклдаги ҳақ эвазига мазкур ҳақни берувчининг манфаатларида, лавозим йўриқномаси қоидаларини бузган ҳолда ёки бузмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки ҳаракатсизлиги”⁶.

БМТнинг халқаро микёсда коррупцияга қарши кураш бўйича Маълумотида шундай дейилган: “Коррупция — бу шахсий мақсадларда наф кўриш учун давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш”⁷.

Коррупция тушунчасига берилган шунга ўхшаш таърифга Жаҳон банкининг ҳозирги дунёда давлатнинг ролига бағишланган ҳисоботида ҳам дуч келиш мумкин: коррупция — бу “шахсий наф кўриш йўлида давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш”⁸.

Коррупциянинг бундай талқини ҳозирги замон криминологиясида ҳам мавжуд. Масалан, А.И.Долгова коррупция тушунчасига “давлат амалдорлари ёки ўзга хизматчилар пора эвазига оғдирилиши ва шу асосда улар ўз хизмат ваколатларидан шахсий ёки тор группавий манфаатларда фойдаланиши билан тавсифланувчи ижтимоий ҳодиса”⁹, деб таъриф берган.

Р.Зуфаровнинг қайд этишича, Коррупция “...шахсий ҳаёт ҳамда корпоратив фойда йўлида жамоат манфаатларига путур етказишни англатади”¹⁰.

Н.Ф.Кузнецова коррупция деганда давлат аппарати ва нодавлат тузилмаларининг ходимларини пора эвазига оғдиришдан иборат бўлган ижтимоий хавфли ҳодисани тушунади¹¹. Аммо ижтимоий ҳодиса сифатидаги коррупция тушунчасининг пора эвазига оғдириш, порахўрлик билангина боғлиқ бўлмаган кенгроқ талқини ҳам мавжуд ва у, бизнингча, тўғрироқ.

Б.Ж.Аҳроров “Коррупция сўзи адабиётларда турлича талқин қилинади. Унинг ягона тушунчаси йўқ, у бир неча жиноятларни ўзида мужассамлаштириши мумкин. Ҳатто халқаро ташкилотларнинг тавсияларидан ҳам унинг ягона тушунчасини яратиб бўлмайди”, деб фикр билдиради. Унинг таъкидлашича, “Сўнги вақтда чоп этилган адабиётларда “коррупция ҳуқуқбузарлиги”, бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари эса “коррупция” деб аталмоқда¹². Муаллифнинг фикрича, бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари ва коррупция тушунчаларининг моҳияти турлича ва улар орасида фарқлар ҳам мавжуд. Коррупция мансабдор шахслар томонидан давлат ҳокимияти ёки бошқаруви ваколатларидан фойдаланган ҳолда шахсий манфаатларни кўзлаб содир этиладиган жиноятлар йиғиндиси. Коррупция деганда мансабдор шахслар томонидан ҳокимият ёки мансаб ваколатларидан

қонунга зид равишда фойдаланиб, оммавий тарзда моддий ёки номоддий манфаатдорликка эришиш тушунилади”¹³.

Л.В.Михайлов “Коррупция тушунчаси АҚШ олимлари томонидан айниқса чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этилган. Коррупцияни америкалик тадқиқотчилар сиёсий арбоблар, давлат аппарати ходимлари, бизнесменлар ва бошқа шахслар бойиш ва ўз ижтимоий мақомини юксалтириш мақсадларида, шахсий, оилавий ёки гуруҳ манфаатларини кўзлаб, ўз расмий вазифалари ва давлат функцияларини бажаришдан бўйин товлаши сифатида тавсифлайдилар”¹⁴, деб ёзади.

Г.Блэкининг юридик луғатида коррупция: 1) мансабдор шахснинг расмий вазифалари ва ўзга шахсларнинг ҳуқуқлари билан мувофиқ бўлмаган муайян имтиёз бериш ниятида содир этиладиган қилмиш; 2) мансабдор шахснинг ўз хизмат лавозими ёки мақомидан ўзга шахсларнинг вазифалари ва ҳуқуқларига зид бўлган мақсадларда ўзи ёки ўзга шахс учун бирон-бир устунликни қўлга киритиш учун қонунга хилоф равишда фойдаланишдан иборат бўлган қилмиш сифатида тавсифланади¹⁵.

Коррупция жиноятчилиги тарихан ўзгарувчан ҳодисадир.

П.А.Кабанов коррупцияга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахси ўз хизмат мавқеидан шахсий бойиш учун фойдаланишдан иборат бўлган ижтимоий ҳодиса сифатида ёндашади¹⁶.

Г.А.Сатаров коррупцияни “мансаб мавқеини тамагирлик ниятида суиистеъмол қилиш” сифатида тавсифлайди¹⁷.

Қ.Тожибоев эса, “Коррупция жиноятчилиги натижасида давлат бошқарувининг имкониятларидан фойдаланиш, уни ўз манфаатларига бўйсундирилган ҳолда ташкил этилиши асосида вужудга келади”¹⁸, дейди.

“Коррупция — давлат лавозимидан шахсий наф кўриш учун ғайриқонуний фойдаланиш. “Ғайриқонуний” атамаси давлат лавозимларини эгаллаган шахсларнинг ҳулқ-атворини тартибга солувчи қонунлар (қоидалар) мавжудлигини англатади”¹⁹ дейилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар: аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш; давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш; коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-

шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашдан иборатдир.

Гувоҳи бўлганимиздек, коррупция тушунчасига юридик адабиётларда турлича таърифларни учратиш мумкин. Юқорида баён этилган таърифлар таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

биринчидан, коррупция бу ижтимоий ҳодиса; пировард натижада у коррупция ҳаракатлари жамият ҳаётининг кундалик меъёрига айланиши оқибатида бутун фуқаролик жамияти ва давлатнинг инқирозига олиб келади;

иккинчидан, мазкур ҳуқуқбузарлик субъектларининг муайян доираси мавжуд (бу, аввало, дав-

лат хизмати ходимлари, давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган шахслар, шунингдек, хусусий секторда бошқарув функцияларини бажаришга ваколатли бўлган шахслар);

учинчидан, кўрсатилган субъектлар ўз мансаб мавқеидан, хизмат лавозимидан, ҳуқуқий мақомидан ва эгаллаган лавозимининг нуфузидан хизмат (яъни давлат хизмати ва хусусий сектор ташкилотларидаги хизмат) манфаатларига ҳамда ҳуқуқ ва ахлоқнинг белгиланган қоидаларига зид равишда фойдаланадилар;

тўртинчидан, кўрсатилган субъектларнинг мазкур фаолияти шахсий бойиш мақсадида ёки ўзга шахсларнинг манфаатларида ёхуд корпоратив манфаатларда амалга оширилиши мумкин.



- ¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 85-б.
- ² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 1-сон, 2-модда.
- ³ Юридик энциклопедия. – Тошкент: Шарқ, 2001. 258-б.
- ⁴ Юридик атамалар қомусий луғати. – Тошкент: Шарқ, 2003. 201-б.
- ⁵ Юридическая энциклопедия. 2-ое изд. перераб. – М., Зерцало, 2003. 45-с.
- ⁶ Уголовный кодекс Республики Казахстан: Учебно-практическое пособие. – Алматы: НОРМА-К, 2007.
- ⁷ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. – Алматы: НОРМА-К, 2007.
- ⁸ Отчет Всемирного банка о мировом развитии / Под общ. ред. Д.Тушунова. Пер. с англ. Н. Сухова. – М., Прайм-Тасс, 1997. 26-с.
- ⁹ Криминология / Под ред. А.И. Долговой. – М., ИНФРА-М, 1997. 68-с.
- ¹⁰ Зуфаров Р. Порахўрлик – коррупция негизи // Давлат ва ҳуқуқ. 2000. – № 4. 41-б.
- ¹¹ Криминология / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, Г.М. Миньковского. – М., МГУ, 1994. 58-с.
- ¹² Кадыков В.М. Некоторые проблемы коренной трансформации экономического механизма и криминализации российской экономики // Проблемы борьбы с преступностью, охраны прав и законных интересов граждан в условиях перехода к рыночной экономике. – М., 1996. – С. 85-94.; Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: учебное пособие / Под ред. Е.О.Алауханова. – Алматы: КазАТК, 2008. 287-с.
- ¹³ Ахраров Б.Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ...диссертация. – Тошкент: 2008. – Б. 143-146.
- ¹⁴ Михайлов Л.В. Борьба с коррупцией в США (80-е годы) // Вопросы истории. 1994. – №5.
- ¹⁵ Джонстон М. Поиск определений: качество политической жизни и проблема коррупции // Международное жюри социальных наук. – Париж: 1997. – №16.
- ¹⁶ Кабанов П.А. Коррупция и взяточничество в России: исторические, криминологические и уголовно-правовые аспекты. – Нижнекамск: Гузель, 1995. 32-с.
- ¹⁷ Сатаров Г.А. Россия и коррупция: кто кого? // Российская газета. 19.02 1998.
- ¹⁸ Тожибоев Қ. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкни талон-торож қилганлик учун жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. 13-б.
- ¹⁹ Основы борьбы с организованной преступностью: Монография / Под ред. В.С. Овчинского. – М., ИНФРА-М, 1997. 92-с.

Истам АСТАНОВ,
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари
ўқитувчиси, ю.ф.н.

ШВЕЙЦАРИЯ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ: ТАҲЛИЛ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

◆ Мақолада Швейцария Жиноят-процессуал кодексидаги эксперт фаолиятида махсус билимлардан фойдаланишга оид нормалар таҳлил қилинган ҳамда Швейцария тажрибасидан Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланиш истиқболлари таҳлил қилинган.

◆ В статье анализируются нормы Уголовно-процессуального кодекса Швейцарии касавемо использования специальных познаний экспертной деятельности, а также перспективы применения Швейцарского опыта в правоприменительном практике Республики Узбекистан.

◆ The article analyzes the use of special knowledge of expert activities on standard rules in regard to Swiss Criminal Procedural Code and the matters of implementation of Swiss law experience on law applying practices of Uzbekistan.

Таянч сўзлар: махсус билим, эксперт, эксперт хулосаси, эксперт ҳуқуқ ва мажбуриятлари, эксперт қасамёди, эксперт хулосасини баҳолаш.

Ключевые слова: специальные познания, эксперт, экспертное заключение, права и обязанности эксперта, клятва эксперта, оценка заключения эксперта.

Key words: special knowledge, expert, expert opinion, the rights and obligations of the expert, the expert oath, evaluation of the expert opinions.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга бағишланган иккинчи устувор йўналишининг 2.3-бандида жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, Жиноят-процессуал кодекси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи, шахснинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминловчи қонун ҳисобланади.

Ушбу йўналишда мақсадга эришишнинг муҳим чораларидан бири – бу жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қонунчилигини ўрганиш ҳисобланади. Ушбу нормаларни миллий ўзига хосликдан келиб чиқиб таҳлил қилиш ва қўллаш мамлакат қонунчилигини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Хорижий мамлакатлар ичида Швейцария Жиноят-процессуал кодекси алоҳида аҳамият касб этади.

Швейцария Жиноят-процессуал кодекси 2007 йил 5 октябрда қабул қилинган бўлиб, 4 бўлим, 457 моддадан иборат¹. Мазкур кодекснинг 5-боби “Ваколат берилган экспертлар” деб номланиб,

ушбу боб махсус билимлардан фойдаланиш субъекти бўлган эксперт фаолиятига бағишланган ва у 10 та моддани ўз ичига олган.

Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексидаги махсус билимларга оид нормалардан фарқли равишда Швейцария ЖПКда нормалар кўпроқ процесс иштирокчисининг фаолияти доирасида таҳлил қилинган. Масалан, экспертиза тергов ҳаракати нормаларда экспертнинг фаолияти жиҳатидан изоҳланган.

Кодекснинг 182-моддаси “Экспертга мурожаат қилиш талаблари” деб номланиб, унга кўра, прокурор, суднинг махсус билимлари жиноятнинг фактик ҳолатини баҳолашга етарли бўлмаганда бир ёки бир неча эксперт гувоҳларнинг хизматидан фойдаланиш мақсадида мурожаат қилишлари мумкин. Швейцария ЖПКда эксперт гувоҳнинг бир кўриниши сифатида изоҳланади. Экспертнинг ўзи ҳам эксперт гувоҳ деб номланади.

Швейцария ЖПКнинг “Эксперт гувоҳга қўйилган талаблар” деб номланган 183-моддасида, ҳар қандай муҳим бўлган махсус билим ва кўникамага эга бўлган жисмоний шахс эксперт сифатида тайинланиши мумкинлиги белгиланган.

Фикримизча, мазкур қоидадаги “кўникама” сўзини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 67-модда-

сига ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Эксперт нафақат махсус билимга, балки кўникамага ҳам эга бўлиши керак бўлган шахсдир. Чунки, инсон тақдиридек олий қадрият масаласи ҳал қилинаётганда экспертизанинг ҳар томонлама мукамал бўлиши талаб қилинади. Шунда ушбу норма қуйидаги кўриниш олади: “Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва кўникамага эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс эксперт сифатида чақирилиши мумкин”.

Швейцария ЖПКга кўра, конфедерация ва кантонлар ҳар бир ҳудудда доимий ва расмий равишда ишлайдиган экспертлар доирасини белгилаб бериши мумкин ҳисобланади. Ушбу экспертлар рўйхати экспертларнинг қобиляти, иш тажрибаси, хулосаларининг сифатига қараб шакллантирилади.

56-модда талабларига кўра, ваколатли экспертлар ўзларини рад этишлари мумкин.

Фикримизча, ушбу махсус билимлардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш мақсадида ҳар бир маъмурий ҳудудда маълум бир соҳаларда фаолият юритадиган экспертлар рўйхатини тузиш ва улар ҳақидаги маълумотларни интернет орқали олиш имкониятини берувчи база яратиш мақсадга мувофиқ. Ушбу тадбир ХМҚОлар учун экспертиза тайинлаш мақсадида экспертни ўринли танлаш имкониятини бериши баробарида, экспертларнинг фаолият йўналишлари ҳақида маълумот олиш имконини беради. Ўз навбатида, ушбу рўйхат экспертларнинг иш тажрибаси, экспертиза хулосаси бера олиш доираси, экспертиза хулосаларининг ижобий қабул қилинганлик кўрсаткичлари, мутахассислигини инобатга олиб дифференциациялашса, экспертларнинг рейтингда баланд ўринларда бўлишга интилиши учун асос вазифасини ўтарди.

Швейцария Жиноят-процессуал кодексининг 184-моддаси “Экспертиза тайинлаш ва кўрсатмалар бериш” деб номланиб, унга кўра, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ёки мансабдор шахслар экспертиза тайинлаш ва экспертни танлаш ваколатига эгадир.

Жиноят ишини кўраётган ваколатли орган жиноят иши юзасидан эксперт фаолияти билан боғлиқ ёзма кўрсатмалар бериши мумкин бўлиб, улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- a. эксперт гувоҳ ҳақидаги шахсий маълумотларни тўплаш;
- b. ҳолат шуни талаб қилганда, эксперт-гувоҳ жиноят ҳолати юзасидан ҳисоботини тайёрлаши учун, бошқа шахсларни ҳам жалб қилишга ёрдамлашиш;
- c. экспертиза тадқиқоти учун саволларни тўғри ва аниқ шакллантириш;
- d. экспертиза тадқиқоти муддатларини белгилаш;

i. эксперт-гувоҳ ва унга ёрдам берувчи шахсларнинг тергов сири талабларига риоя қилишини талаб қилиши;

f. эксперт-гувоҳнинг ёлғон хулоса берганлиги учун 307-модда талабларидан келиб чиқиб жазога тортиши мумкинлиги.

Швейцария Жиноят-процессуал кодексининг 184-моддаси “f” бандидаги ҳолатдан келиб чиқиб, миллий қонунчилигимизда экспертни хулоса беришдан бўйин товлаши ёки уни рад этиши учун жиноий жавобгарликка тортиш масаласини қайта кўриб чиқиш лозим.

Швейцария Жиноят-процессуал кодексининг 184-моддасига асосан жиноят ишини кўришга раҳбарлик қилаётган шахс тарафларга, эксперт-гувоҳга ўз кўрсатмалари, хулосалари юзасидан изох беришни талаб қилиши мумкин.

Жиноят ишини юритувчи шахс ушбу талаблардан лаборатория тадқиқоти, тестларда қон таркибида алкоголь ёки бошқа моддалар мавжудлиги даражаси, наркотик моддалар ёки ДНК профилини аниқлаш жараёнини амалга ошириш учун воз кечиши мумкин.

Кўрсатмалар билан бирга, улар хулоса чиқариш учун керак бўладиган ҳужжатлар, предметларни ҳам тақдим қилиши мумкин.

Экспертиза тайинловчи орган ўз кўрсатмаларини қайтариб олиши ва жиноят иши мақсадлари учун янги эксперт-гувоҳларни жалб қилиши ҳам мумкин. Улар экспертиза тадқиқоти учун лозим бўлган харажатлар сметасини тақдим этишни кўрсатмалар бергунга қадар сўраши мумкин.

Агарда хусусий арз билан мурожаат қилган шахс эксперт хулосасини олишни хоҳласа, экспертиза тайинлаган орган эксперт-гувоҳни аванс шаклидаги тўлов билан таъминлаш чораларини кўриши керак.

185-модда эксперт хулосасини тайёрлаш ҳақида бўлиб, унга кўра, эксперт-гувоҳ ўз хулосаси учун шахсий жавобгар ҳисобланади.

Жиноят ишини юритувчи раҳбар эксперт-гувоҳни сўроқ қилиш жараёнида иштирок этишини сўраши ва шубҳа остига олинган ҳолатлар юзасидан эксперт-гувоҳга саволлар бериш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Агарда эксперт-гувоҳ ҳужжатлар жиноят ишига кўшилиши керак, деб ҳисобласа, мазкур ҳолат юзасидан жиноят ишини юритувчи шахсга ариза билан мурожаат қилади.

Эксперт-гувоҳ оддий жиноят ишига алоқадор бўлган ҳужжатларни, маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин бўлиб, мазкур шахслар ушбу жараёнларда қабул қилинган процессуал тартибга риоя қилишлари шарт. Агарда улар ҳужжатларни беришдан, саволларга жавоб беришдан бош тортса, мажбурий тарзда полиция томонидан эксперт-гувоҳ олдига чақиририлиши мумкин.

Эксперт-гувоҳ томонидан ҳужжатларни тақдим

қилиш билан боғлиқ масалаларда гумон қилинувчи маълумот беришдан, кўрсатув беришдан бош тортиши мумкин бўлиб, ушбу ҳуқуқ ҳақида эксперт-гувоҳ гумон қилинувчини дастлабки дақиқалардан бошлаб огоҳлантириши талаб қилинади.

ЖПКнинг 186-моддаси стационар баҳолаш деб номланиб, унда айтилишича, прокурор ёки суд тиббий маълумотни тайёрлаш мақсадида айбланувчини касалхонага жойлаштириш масаласини кўриши ҳам мумкин.

Прокурор, суднинг рухсати билан, агарда айбланувчи дастлабки эҳтиёт чораси сифатида камоққа жойлаштирилмаган бўлса, у касалхонага текшириш мақсадида юборилади. Мазкур ҳаракат судьянинг ёзма рухсати билан амалга оширилади.

Стационардаги текшириш муддатлари ҳам аниқ кўрсатилиши шарт. Бундан ташқари, стационардаги кузатиш натижаларини баҳолаш дастлабки хулосада акс эттирилади.

187-модда эксперт хулосаси шакллари деб номланиб, эксперт-гувоҳ ўз хулосасини ёзма шаклда тайёрлаши лозим. Агарда хулосани тайёрлашда кўшимча тадқиқот учун жалб қилинган шахслар ҳам иштирок этиши зарур бўлса, уларнинг тадқиқотни амалга оширишдаги ўрни ва хулосани шаллантиришдаги ҳиссаси баён қилинади.

Жиноят ишини кўришга масъул бўлган шахс тадқиқот натижаларини баёнот (маъруза, тушунтириш) шаклида таёрлашни ҳам тайинлаши мумкин бўлиб, унга кўра, эксперт тадқиқоти оғзаки кўриниш олади, эксперт мақоми эксперт-гувоҳни сўроқ қилиш, уни тинглаш шаклида намоён бўлади.

188-модда тарафларнинг экспертиза натижаси юзасидан изоҳ олиши деб аталган. Унда белгиланишича, жиноят ишини тайинлаган орган тарафларни эксперт хулосаси билан таништиради ва уларга эксперт хулосасидаги тадқиқот натижалари ва уларни шаллантиришда ишлатилган

усуллар ҳақида маълумот беради. Тарафлар эса, ўз навбатида, ўзларини қизиқтирган саволларини экспертга беришлари мумкин бўлади.

189-модда “Экспертиза хулосасига кўшимча киритиш ва уни такомиллаштириш” деб номланади. Унга кўра, жиноят ишини кўришга масъул бўлган шахс ўз ваколатларидан келиб чиқиб ёки тарафларнинг илтимосига кўра, эксперт хулосасидаги маълумотларни тўлдириш мақсадида эксперт-гувоҳнинг ўзига маълумотларни яна бир бор тўлдириш ёки бошқа эксперт-гувоҳни тайинлаган ҳолда унинг хулосасини такомиллаштиришни вазифа қилиб қўйиши мумкин. Мазкур ҳолатларга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

а. эксперт хулосаси тўлиқ ёки аниқ бўлмаган ҳолатларда;

б. икки ёки ундан ортиқ бўлган эксперт-гувоҳларнинг хулосаларидаги тадқиқот натижаларида тафовут ёки эксперт хулосасининг тўғрилигига шубҳа бўлганда;

190-модда “Ииғимлар” деб номланиб, унга кўра, эксперт-гувоҳ ўз вазифаларини бажарганлиги юзасидан тегишли тўлов олишга ҳақлидир.

191-модда совуққонлик деб номланиб, унда белгиланган нормага мувофиқ, эксперт-гувоҳ ўз мажбуриятларини ва ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширишга улгурмаса, унга экспертиза тайинлаган орган:

а. жарима солиши;

б. ўз кўрсатмасини қайтариб олиши ва унга экспертлик тўловини тўламаслиги мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Швейцария Жиноят-процессуал кодекси ва ундаги махсус билимларга оид нормалар жуда ҳам аҳамиятли бўлиб, улардан миллий қонунчиликни такомиллаштиришда самарали фойдаланиш мумкин. Миллий қонунчилигимиз сифатининг ошиши эса, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш даражасини янада оширишга хизмат қилади.



¹ Swiss Criminal Procedure Code (Criminal Procedure Code, CrimPC) of 5 October 2007 (Status as of 1 January 2015). The Federal Assembly of the Swiss Confederation, on the basis of Article 123 paragraph 1 of the Federal Constitution, and having considered the Federal Council Dispatch dated 21 December 2005.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. 76-б.

Мирза САЛИЕВ,
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари ўқитувчиси

ЕР НАЗОРАТИНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

- ◆ Мақолада ер назоратини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўрни ҳамда роли ва давлат ер назоратини амалга ошириш воситаларига оид масалалари ёритилган.
- ◆ В статье освещены вопросы обеспечения земельного надзора в государственном управлении, места и роли управленческого органа, а также методы исполнения государственного надзора за землей.
- ◆ The article highlights issues of the significance and role of state power and governance bodies in providing land supervision, as well as means of implementing state land supervision.

Таянч сўзлар: рухсат бериш, тақиқлаш, розилик бериш, мажбурий кўрсатма бериш, умумдавлат назорати, умумдавлат махсус назорати.

Ключевые слова: разрешение, запрещение, согласовательная процедура, обязательное указание, обще государственный надзор, обще специальный общегосударственный надзор.

Key words: permission, prohibition, approval procedures, giving mandatory directive, state supervision, state special supervision.

Давлат ер назоратини амалга ошириш давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия органларининг функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, унинг асосий вазифаси иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий чоралар тизими воситалари орқали ер ресурсларидан фойдаланишни таъминлашга амал қилинишини ташкил этиш ҳисобланади.

Давлат ер назоратини амалга ошириш тегишли давлат органларининг ташкилий, ижро-фармойиш берувчи ҳамда ушбу соҳада ҳуқуқий тартиботни сақлашга қаратилган фаолиятини ифодалайди. Давлат ер назоратини амалга оширишнинг фармойиш берувчи ваколатлари, шунингдек, унинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш борасидаги ваколатлари юридик ва жисмоний шахсларга мажбурий тусдаги кўрсатма (вазифа)лар бериш ҳуқуқидан келиб чиқади.

Давлат ер назоратини амалга ошириш бўйича давлат бошқаруви органлари ижтимоий муносабатлар субъектларига таъсир этиш усулларидан иборат бўлган бошқарув услубларидан фойдаланади. Рухсат бериш, тақиқлаш, розилик бериш, мажбурий кўрсатма бериш ушбу услублар сирасига киради. Давлат ер назоратининг рухсат берувчи усули асосан муайян шартлар

асосида ердан фойдаланишга рухсат беришни кўзда тутаяди. Рухсат берувчи (санкцияловчи) усул деганда, давлат органларининг ердан фойдаланувчилар томонидан тайёрланган норма, қоида ва тартиб (мақом)ларни тасдиқлаши ва рухсат бериши тушунилади. Тақиқловчи усул ер ресурсларини муҳофаза қилишни ташкил этишда кенг қўлланилиб, жойларда муайян фаолият турларини амалга оширишни тақиқлашда намоён бўлади.

Махсус илмий адабиётларда тўғри таъкидланганидек, давлат ер назорати давлат назоратининг мустақил турларидан бири бўлиб, ер ҳуқуқининг алоҳида институти ҳисобланади¹. Давлат ер назоратида норматив-ҳуқуқий актларни яратиш ва қўллаш муҳим элемент ҳисобланади. Парламентнинг давлат ер назоратини амалга оширувчи умумваколатли орган эканини ҳамма муаллифлар эътироф этадилар. Парламентнинг асосий ваколати қонун ва қарорлар қабул қилишдан иборатдир. Шундай экан, Олий Мажлис давлат ер назоратини жорий этиш, юритиш, таъминлашга қаратилган қонун ва қарорлар чиқариш ҳамда уларнинг ижро этилиши устидан назорат олиб бориш орқали бу назоратнинг амалга оширилишида ўз “ҳиссаси”ни қўшади.

Давлат ер назоратини амалга ошириш учун бир нечта воситалар қўлланилади. Хусусан, булар сирасига: 1) давлат — ҳокимият ваколатларидан фойдаланиш; 2) давлат органлари томонидан мажбурлов чораларини қўллаш; 3) давлат органлари томонидан юридик жавобгарлик чораларини қўллаш; 4) давлат органлари томонидан маъмурий-процессуал тадбирларни амалга ошириш кабилар киради. Демак, давлат ер назорати тушунчаси ва моҳиятини қисқа қилиб айтганда, ҳуқуқ яратиш ва унинг бажарилишини таъминлаш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизими ваколатларида кўзда тутилган воситаларни амалга ошириш назарда тутилади.

Давлат ер назоратини уни амалга оширувчи давлат органларининг ваколатларига қараб 4 хил турга, яъни: 1) умумдавлат назорат; 2) умумдавлат махсус назорат; 3) идоровий назорат; 4) маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари назоратига ажратиш мумкин.

Давлат ер назорати соҳасида давлат бошқаруви тизимини давлатнинг ижро ҳокимияти органлари ташкил этади. Бу жараёнда назорат фаолияти объекти сифатида ер-ҳуқуқий муносабатлар намоён бўлиб, улар доирасига ерга нисбатан мулк ҳуқуқи, ерни фойдаланишга бериш, ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, ердан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш кабилар киради. Давлат ер назоратини амалга ошириш ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, уларни муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва тўпроқ унумдорлигини ошириш, инсонлар учун қулай атроф муҳитни яратиш ва сақлаб қолиш, ерларга эгалик қилиш ва фойдаланишда ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларни амалга оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимида ифодаланади.

Ерни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ўз функцияларини ер муносабатларининг табиати га мос бўлган иқтисодий, маъмурий ва ташкилий-ҳуқуқий усуллар орқали таъминлайдилар. Бунда иқтисодий усуллар ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш; ер муносабатларини самарали тартибга солиш фаолиятини иқтисодий рағбатлантириш; ерга нисбатан мулк ҳуқуқи; ердан оқилона фойдаланиш; ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида меъёрлаш ва лимитлаш кабиларни қамраб олади². Давлат ер назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий усулларига ердан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш; давлат ер кадастрини оқилона ташкил этиш; ер участкаларини рўйхатга олиш; ер мониторингини ташкил этиш киради.

Давлат ер назоратини амалга оширишни таъминлашнинг биринчи шакли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш, қўллаш ва уларнинг бажарилишини таъминлашдан иборат. Ушбу усул умум-

давлат ваколатларига эга бўлган давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади. Олий Мажлис, Президент ва Вазирлар Маҳкамаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, қўллаш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш орқали умумдавлат бошқарувини амалга оширадilar.

Шундай қилиб, давлат ер назоратини амалга оширишни таъминлашнинг шакллари сифатида куйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: 1) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилиши, қўлланилиши ва уларнинг бажарилишини таъминлаш (назоратнинг ушбу шаклига қонун, қарор, фармон, фармойиш, дастур, шунингдек, нормативлар, стандартларни қабул қилиш, тасдиқлаш, қўллаш ва бажарилишини таъминлаш киради); 2) мониторинг хизматини юритиш; 3) назорат фаолиятини амалга ошириш (текшириш, баҳолаш, таҳлил ўтказиш, кадастр юритиш ва ҳисобдорлик).

Давлат ер назоратини амалга оширишда умумий ваколатли давлат органлари сирасига Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат вакилик ва ижроия ҳокимияти органлари киради. Ваколатлари моҳияти нуқтаи назаридан улар куйидаги фаолият йўналишларини таъминлайдилар: ерга доир давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш, ер муносабатларига оид дастурларни тасдиқлаш; ерни муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини ўрнатиш; ерга доир дастурларни режалаштириш, молиялаштириш, моддий-техник таъминлаш; ер кадастрини юритиш; ер мониторингини амалга ошириш; ердан фойдаланганлик учун тўловлар жорий этиш.

Давлат ер назоратини амалга оширишни таъминлашда давлат бошқарувини амалга оширувчи қонунчилик ҳокимияти органи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси алоҳида ўринни эгаллайди. Ер бойликларини муҳофаза қилиш ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш билан боғлиқ бўлган вазифаларни амалга ошириш ҳуқуқий замин яратишни, яъни ушбу вазифаларни амалга ошириш имконини берувчи қонунчилик ҳужжатлари қабул қилишни тақозо қилади. Бунга эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонун ижодкорлиги фаолияти воситасида эришиш мумкин.

Қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили Олий Мажлиснинг давлат ер назоратини амалга оширишни таъминлашни тартибга солиш борасидаги асосий функцияси куйидаги устувор йўналишларда амалга оширилишини кўрсатмоқда: биринчидан, ер бойликларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; иккинчидан, қабул қилинган қонунлар ижросини назорат қилиш.

Ерга доир функцияларни бажаришда Ўзбекис-

тон Республикаси Президентининг тутган ўрни бекиёс. Ўзбекистон Республикаси Президенти — давлат бошлиғи ҳисобланади. Президентлик институти ташкил этилгандан буюн мамлакатимизда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга тааллуқли юздан зиёд фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларда юридик жавобгарликни қўллаш чоралари, табиатдан фойдаланиш механизмини ҳаётга татбиқ этиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш каби масалалар ёритиб берилган. Ўзбекистон Президентининг ерга оид функциялари ижросини таъминлаш Вазирлар Маҳкамаси қарорлари орқали таъминланади.

Ер назорати соҳасида, айниқса, умумий ваколатли давлат бошқарув органи сифатида ижро ҳокимияти органлари – Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимият органларининг ваколатлари ўзига хос аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни 5-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг тадқиқ қилинаётган мавзу доирасидаги қуйидаги ваколатлари қайд этилган: аграр секторда бозор муносабатларини ривожлантириш ва замонавий технологияларни жорий этиш, мелиоратив ва ирригация тармоқларини ривожлантириш, ер ресурсларининг сифатини сақлаш ва яхшилаш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича чоралар кўради; табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш ҳамда республика аҳамиятига ва халқаро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни рўйбга чиқариш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, йирик авариялар ва ҳалокатларнинг, шунингдек табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш юзасидан чоралар кўради³.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 4-моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган. Унга биноан ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қуйидаги ваколатларга эга: ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; ер муносабатларини тартибга солиш тўғрисида норматив ҳужжатлар қабул қилиш; тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат дастурларини тасдиқлаш; қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш, ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш; давлат мулкидаги ерлар-

ни тасарруф этиш; ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда вазирликлар ҳамда идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш; ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда бекор қилиш; ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиш.

Давлат ер назоратини амалга ошириш бўйича махсус ваколатли давлат бошқаруви органларига тўхталадиган бўлсак, авваламбор, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига эътибор қаратиш зарур. Ушбу давлат органи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 майдаги 310-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида”ги Низомга биноан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва у ўз фаолияти юзасидан эндиликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосий вазифалари сифатида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқаруви, ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат экологик назоратини ўрнатиш назарда тутилган.

Давлат ер назоратини амалга оширишни таъминлашда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси каби экология соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 290-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тўғрисида”ги Низомда вазирликнинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ерлар унумдорлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиши, шунингдек, лимитдан ортиқ сув олинган, сув ресурсларидан хўжасизларча, нооқилона фойда-

ланилган тақдирда сув беришни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 529-сон Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тўғрисида"ги Низомда ҳам Давергеодезкадастрнинг асосий вазифалари сифатида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, геодезия ва картография соҳаси фаолияти бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш; ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича тизимли давлат назоратини, давлат геодезия назоратини қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан уни бузганлик учун айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш орқали амалга ошириш; ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ерларни сақлаш ва муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, геодезия ва картография фаолияти самарадорлигини кучайтириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кабилар кўрсатилган.

Шунингдек, қўмига ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича текширишларни белгиланган тартибда амалга ошириш, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши сабаблари ва оқибатларини бартараф этишга йўналтирилган, давлат бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш; айбдор фуқаролар ва мансабдор шахсларни белгиланган тартибда ваколати доирасида маъмурий жавобгарликка тортиш, ер қонунчилиги бузилиши оқибатида етказилган зарарни ундириш бўйича даъволар тақдим этиш, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал қилиш учун тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритиш ваколатларининг берилганлиги ер ресурсларидан оқилона

фойдаланишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади⁴.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб боришда ер майдонлари ажратиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссия туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қарори билан манфаатдор давлат идоралари вакиллари ва бошқа мутахассислардан иборат таркибда тузилиб, у ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, тегишли вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг қарорларига, бошқа норматив ҳужжатларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги 575-сон Қарори билан тасдиқланган "Ер майдонлари ажратиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссия тўғрисида"ги Низомга амал қилади.

Комиссия ўз ҳудуди бўйича ерларнинг тоифалари ва сифатига кўра (тупроқ бонитети, зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқалар) ҳисобга олинишини таъминлайди, ерларнинг сув билан таъминланганлик даражасини, сув хўжалиги иншоотлари билан жиҳозланганлигини ва бошқаларни ҳисобга олади; мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун сотиб олинган, мерос қилиб қолдирилган ерларнинг мақсадли фойдаланилишини назорат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ер мамлакатимизда умуммиллий бойлик ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади. Ушбу фаолиятни таъминлашда қайд этилганидек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг роли каттадир. Аммо ушбу фаолият жамоатчилик назорати билан бирга олиб борилса, янада мақсадга мувофиқ бўлади.



¹ Винокуров А.Ю. Административно-правовое регулирование государственного экологического контроля // Административное и муниципальное право. – М., 2009. – №5.

² Черныш О.В. Надзор за целевым использованием земель сельскохозяйственного назначения // <http://justicemaker.ru/view-article.php?id=6&art=1775>

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон, 138-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 30-сон, 733-модда.

Муқаддасхон АХМЕДОВА,
Ҳарбий-техника институти
катта ўқитувчиси, ю.ф.н.

“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ” – ТАРИХИЙ ҲУҚУҚИЙ МАНБА

✦ Мақолада Соҳибқирон Амир Темурнинг “Темур тузуқлари” китоби ҳақида кенг ва батафсил тўхталиб ўтилган. Тарихий манбалар орасида ноёб ва батақрор бу асарнинг бугунги кундаги аҳамияти, унинг адолат мезонлари ҳақида сўз юритилган.

✦ В статье широко и подробно освещено произведение Амира Темура «Уложение Темура». Также особой значимости этой книги как редкого неповторимого исторического источника и его критериям рассмотрены аспекты справедливости.

✦ The article widely and extensively discussed “Temur’s Code”, the works of Amir Temur. The significance aspects of this book is also considered as a rare unique historical source and its conformity to all the criteria of justice.

Таянч сўзлар: Амир Темур, “Темур тузуқлари”, салтанатни бошқариш, тўра ва тузук, адолат, инсоф-диёнат.

Ключевые слова: Амир Темур, «Уложение Темура», управление империей, уложения, справедливость, честность и благочестие.

Key words: Amir Temur, “Temur’s Code”, governing the impire, justice, honesty and piety.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи ҳақида гап кетганда, буюк давлат арбоби ва саркарда, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ўчмас номини биринчилар қатори тилга олишимиз табиий. Қарийб етти асрки, бу улўф зотнинг шон-шўҳрати, ҳаёти ва фаолиятига оид қизиқишлар тобора ортиб бормоқда.

Амир Темур номи билан боғлиқ бўлган унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари тўплами “Темур тузуқлари”, “Воқеати Темурий” (Темурнинг бошидан кечирганлари) каби номлар билан Шарқ ва Ғарбда машҳур бўлган тўплам Темурнинг ҳаётий тажрибалари асосида ишлаб чиқилган, қонун даражасига кўтарилган ва ўзининг ворислари учун насихатларини ўз ичига олган.

“Темур тузуқлари” XIV асрнинг иккинчи ярмига оид ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўрганишга доир Темур салтанати, унинг давлати тизими, бошқарилиши, суд тузилишига оид жуда муҳим қоидалар ва маълумотларни ўзида акс эттирган тарихий ҳуқуқий манбадир. Тузилиши жиҳатидан “Темур тузуқлари” маъмурий-ҳарбий кодексдир.

Мухтарам Биринчи Президентимиз Ислон Каримов бу борада: “Шахсан мен Соҳибқирон бобомиз бизга мерос қолдирган “Тузуқлари”ни

ўқисам, худдики ўзимга қандайдир катта руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ҳар бир сатри бир умр эл-юрт, салтанат ташвиши билан яшаган фидойи инсон, улкан давлат арбобининг кенг миқёсдаги ўй-фикрлари, ҳаёт ва кураш тажрибаси, мушоҳадаси, баъзан эса дардли ва изтиробли кечинмалари билан суғорилган бу асарда қандай теран маъно мужассам эканини маърифатли, зукко китобхон яхши англайди, албатта¹, — деганди.

Тузуқлар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми — Соҳибқирон Темурнинг 7 ёшидан то унинг сўнгги кунигача бўлган ҳаёти, сиёсий фаолияти ҳақида, аниқроғи, Амир Темурнинг аста-секин Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга киритиш ва унинг кейинги юришлари асосида Темурийлар салтанатига асос солиниши ҳақида ҳикоя қилинади.

Иккинчи қисмда эса, Соҳибқирон Темур номидан шахзодаларга қаратилган васиятлари, панд-насихатлари ўз ифодасини топган. Унда ўз ворисларига давлатни идора қилиш санъатининг нозик сирлари, тамойиллари ҳақида ёзган. Амир, вазирлар ва бекларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, қўшин бошлиқларининг хизматларини тақдирлаш, сипоҳийлар ва уларнинг ма-

ошлари каби масалалар хусусида васият қилинади.

“Темур тузуклари” 1783 йил Англияда, 1785 йил ва 1981 йил Ҳиндистонда, 1868 йил Эронда босмадан чиқарилган. 1787 йил француз, 1830 йил инглиз, 1845 йил урду, 1894 йил, 1934 йил рус, 1835 йил, 1857 йил турк (эски ўзбек) тилида, ўз она юртида эса 1991 йилда нашр қилинган.

Амир Темур тахт ворисларига васият ва панд-насихатлар қилар экан, жумладан, шундай дейди: “Мамлакатларни фатҳ этувчи бахтли фарзандларим ва жаҳонни идора этувчи қудратли набираларимга маълум бўлсинки, тангри таоло даргоҳида умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлодим салтанат тахтига ўтириб, мамлакатларни идора этгай. Шунинг учун салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка (дастур ул-амал) ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодларимдан бўлганларининг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин, меҳнату машаққатлар, кўп ҳарбий юришлар, уруш-талошлар билан тангрининг инояти ва ҳазрат Муҳаммаднинг саломлари бўлсин, толеъи билан миллатнинг шарофати, он ҳазратнинг улўғвор авлоди ва қимматли саҳобаларига қилган муҳаббат ва дўстлигим орқали қўлга киритган давлат ва салтанатни сақлаганлар”².

Темур ўз фикрини давом эттириб яна шундай деган: “Ворисларим бу тузуклардан ўз салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан озод бўлган.

Энди менинг номдор бахтиёр фарзандларим, мамлакатларни забт этувчи иқтидорли набираларимга йўл йўригим шулки, мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни забт этиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зийнат бердим. Улар ҳам ушбу тузукка амал қилсинлар. Давлату салтанатимни ва ўзларини эҳтиёт қилсинлар”. Амир Темур ўз ҳаёт тажрибасида кўрган-кечирганларидан келиб чиқиб, ўзи доимо амал қилиб келган ўн икки асосий қонун-қонидани баён қилади.

Амир Темурнинг таъкидлашича, агар ҳукмдор давлатда кучли ҳокимият бўлишини истаса, қуйидагиларга амал қилиши керак: “Салтанат корхонаси Тангри Таоло корхонасининг бир кичик нусхасидирки, унда турли мансабдаги ходим ва хизматчилар (амал ва феъли) ноиблар, эшик оғалари (хужжат) бордир, уларнинг ҳар бири мартабасига яраша ўз юришлари билан машҳурдир. Ҳеч бири ўз мартабасидан четга чиқмайди ва доимо Оллоҳнинг амрига мунтазир бўлиб турадилар”.

Амир Темур ўзининг “Тузуклари”да вазирлари қандай бўлишлари зарурлиги ҳақида ҳам фикр билдириб, жумладан, шундай дейди: “Амр қилдимки, вазирлар ушбу тўрт сифатга эга бўлган кишилардан бўлишлари лозим; биринчиси — асил-

лик, тоза наслик; иккинчиси — ақл-фаросатлилик; учинчиси — сипоҳи — раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалик бўлишлик; тўртинчиси — сабр-чидамлилик, тинчликсеварлик. Кимки, шу тўрт сифатга эга бўлса, ундай одамни вазирлик мартабасига лойиқ деб билсинлар. Уни вазир ёки маслаҳатчи этиб тайинласинлар. Бундай вазирга тўрт имтиёз: ишонч, эътибор, ихтиёр ва иқтидор берилсин”. Амир Темур ўз тузукларида давлат арбобларининг ва кўшин бошлиқларининг ҳам бурч ҳамда вазифалари хусусида ўз фикрларини баён қилади. Вазирларнинг хизмат қилиш тури қуйидагича амр этилган: “Тўрт вазир ҳар кунни девонхонада ҳозир бўлсинлар. Биринчи — мамлакат ва раият вазир, бу вазир мамлакатдаги муҳим ишларни, кундалик муаммоларни, раият аҳволини, вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ, ўлпонлар, уларни тақсимлаш, кирим-чиқимларни, мамлакат ободончилигини, аҳолининг фаровонлигини, хазинани қандай қилиб тартибга келтираётганини менга билдириб турсин.

Иккинчи — сипоҳ вазирдирким, у сипоҳийларнинг маошлари, танҳоларини бошқарсин ва тарқоқ ҳолатга тушиб қолмаслиги учун доимо сипоҳ аҳволидан огоҳ бўлиб турсин, уларнинг аҳволи тўғрисида менга хабар бериб турсин.

Учинчиси — эгасиз қолган, ўлиб кетган, қочганларга тегишли молларни, келиб-кетаётган савдогарлар мол-мулкидан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорваларини, уларнинг ўтлоқ ва яйловларини бошқариб, буларнинг ҳаммасидан йиғилган даромадларни омонат тарзида сақлайдиган вазирдир.

Тўртинчиси — салтанат ишларини юритувчи вазир. У бутун салтанат идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинган таом харажатлардан огоҳ бўлиши керак”. Шу тариқа Амир Темур барча давлат арбобларини ҳамда кўшин бошлиқларининг бурч ва вазифаларини белгилаб берган.

Соҳибқирон вазирларга хос бўлган ноёб фазилатларни санар экан, яна шундай деб ёзган эди: “Камолга эришган вазир ул ким, давлат муомаласини тартибга келтириб, мулкий ва молиявий ишларни тўғрилиқ билан асл-насли тозалигини кўрсатиб ажойиб тарзда кўрсатади”³.

Унинг таъкидлашича: “қайси вазир софлилик, тўғрилиқ билан вазирлик ишига киришиб, давлатнинг, молиявий-мулкий ишларини диёнат, савоб билан нафси бузиқлик қилмай, омонатга хиёнат этмай, бажарар экан, ундай вазирни энг олий мартабаларга етказсинлар”⁴.

Маълумки, Амир Темур бир вақтлар ўзи ҳам вазир бўлган. Шунинг учун унинг барча сиру асрорларидан воқиф бўлган. Бу ҳақда шундай дейди: “Халққа ёрдаму мадат бериш мақсадида мен ҳам Туғлуқ Темурхоннинг ўғли Илёсхўжага вазир-

лик ҳамда сипоҳсоларлик қилишга рози бўлган эдим. Тангри Таолонинг бандаларига ёрдам қилганимдан бўлса керакки, Оллоҳ Таоло менга салтанат мартабасига етказди”⁵.

Амир Темур хизматчиларини тақдирлашга алоҳида эътибор берган, у амирлар, вазирлар, сипоҳ ҳамда раиятни тақдирлаб, инъом ва совғалар бериш юзасидан қуйидаги тузуқларни белгилайди: “Қайси бир амир бирон мамлакатни фатҳ этса ё ганим лашкарини енгса, уни уч нарса билан мумтоз қилсинлар: биринчиси — фахрли хитоб, туғ ва ноғора бериб, уни “баҳодир” деб атасинлар; давлат ва салтанат шериги (деб) билиб, кенгаш мажлисига киргизсинлар; унга чегара вилояти топширилсин ва ўша ерлик амирлар унга бўйсунсинлар. Агар амирлардан қайси бирови тўрани (хон ўғлини) енгса ёки бирон амирга шикаст етказса, ё бирон ўлкани мағлуб этса, уни юқоридаги йўсинда мукофотласинлар”⁶.

Амир Темур шу тариха амирлар, вазирлар, сипоҳлар ҳамда раиятнинг кўрсатган баҳодирлигига қараб тақдирлаб, инъом совғалар беришни жорий этган.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, “Темур тузуқлари” бу фақат Амир Темурнинг таржимаи ҳолидан иборат асар бўлмай, балки Мовароуннахрнинг ҳали яхши ўрганилмаган ижтимоий-сиёсий тарихи ҳамдир. Бутун бир давлатнинг марказлашган тарзда бошқарилишида сўзсиз Амир Темурнинг хизмати улканлигини қайд этиб, қуйидаги хулосага келишга асос бўлди:

биринчидан, у мамлакатни мўғул босқинчилардан озод этди;

иккинчидан, мустақил ўзбек давлатчилигига асос солди;

учинчидан, мамлакатни тузуқларга (қонунларга) асосан бошқаришни таъминлади;

тўртинчидан, адолат ва маърифат ишларини “Куч — адолатда” деган шиорга асосан йўлга қўйди;

бешинчидан, қўшни давлатларни ҳам босқинчилардан, зулм ва зўравонлик ўтказаяётган диктаторлардан тозаллади ва у ерларда қонуний тартиб ўрнатди;

олтинчидан, Самарқанд (пойтахт)ни дунё марказига айлантirdи. Бу ерни узоқ Испания, Франция, Англия, Хитой каби мамлакатлардан кўплаб элчилар, сайёҳлар, савдогарлар ва олимлар келиб фаолият юритадиган илмий марказга (пойтахтга) айлантirdи.

Амир Темур ўрта асрларда Мовароуннахрда шундай шарт-шароит яратдики, натижада, илм-фан тараққий топди. Унда Улуғбек абсерваторияси, Алишер Навоий, Бобур ва бошқалар ўз асарлари, одил сиёсатлари билан дунё жамоатчилигининг диққат эътиборини тортишга муваффақ бўлдилар.

Қисқа қилиб айтганда, у давлат ва жамият қурилишида, уни бошқаришда адолат ва қонунийликка асосланди. Бугун Ўзбекистонда Амир Темур ва темурийларга бўлган эътиборнинг жуда баланд эканининг сабаби ҳам ана шундадир. Зеро, Амир Темур ва “Темур тузуқлари”ни ўрганиш ҳозирги кунда жуда муҳимдир, чунки тузуқлар кўпчиликни муомала маданиятини ўрганишга, ўзини идора этишга ўргатадиган манбалардан бири бўлиб хизмат қилади ҳамда ана шу бизнинг ҳудудимиздан экани ҳар бир ўзбекнинг қалбига гурур ва ифтихор бағишлайди десак, хато бўлмайди.



¹ Темур тузуқлари. — Тошкент: Ўзбекистон, 2013. 8-б.

² Темур тузуқлари. — Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 53-б.

³ Темур тузуқлари. — Тошкент: Ўзбекистон, 2014. 107-б.

⁴ Ўша асар. 108-б.

⁵ Ўша асар. 110-б.

⁶ Ўша асар. 116-б.

Гузал УЗАКОВА,
Старший научный сотрудник-соискатель ТГЮУ, к.ю.н.

НОРМИРОВАНИЕ ЗЕМЛЕПОЛЬЗОВАНИЯ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ

✦ Мақолада ердан фойдаланишнинг меъёрлаш тушунчаси ва ҳуқуқий асослари ёритилган. Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланишни меъёрлашга қисқача тавсиф берилган. Хорижий давлатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлил қилинган ва улар асосида ер қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

✦ В статье рассматривается понятие и правовые основы нормирования землепользования. Дается краткая характеристика нормирования землепользования в Республике Узбекистан. Проведен анализ правоприменительной практики зарубежных стран и выработаны предложения по совершенствованию земельного законодательства.

✦ This article considers the concept and legal basis of rationing of land use and brief characteristics of rationing of land use in the Republic of Uzbekistan is provided. The analysis of law-enforcement practices of foreign countries and developed suggestions for improvement of the land legislation is conducted.

Таянч сўзлар: меъёрлаш, ердан фойдаланиш, ер қонунчилиги, ер участкаси, чекланган ҳажм.

Ключевые слова: нормирование, землепользование, земельное законодательство, земельный участок, предельный размер.

Key words: regulation, land use, land legislation, land plot, limited size.

За годы независимости в Республики Узбекистан успешно проведено комплекс общественно-правовых, социально-экономических, организационно-технических мероприятий, направленных, прежде всего на совершенствование земельных отношений, создание условий для равноправного развития различных форм хозяйствования на земле, формирование многоукладной экономики, рациональное использование и охрана земель, которые стали важнейшими факторами осуществления широкомасштабных рыночных преобразований и развития экономики.

В частности, принятие Земельного кодекса Республики Узбекистан (далее – ЗК РУз) в 1998 году стала важной вехой в развитии земельных правоотношений в нашей стране. Одним из ключевых аспектов ЗК РУз является ее нормы в сфере нормирования землепользования (ст. 6, 27, 55, 56 ЗК РУз). Так как справедливо отмечается, что нормированный характер размера земельных участков дает возможность достижению целевого назначения в землепользовании¹.

Данный вопрос широко обсуждается и в научной литературе. Так А.П.Анисимов относит его к традиционным для земельного законодатель-

ства институтов и определяет в качестве установление в земельном законодательстве предельных (максимальных и минимальных) размеров земельных участков, предоставляемых гражданам в собственность для ведения крестьянского (фермерского) хозяйства, садоводства, огородничества, животноводства, дачного строительства, личного подсобного хозяйства и индивидуального жилищного строительства².

Другие исследователи рассматривает его в качестве принципа земельного права. Так, по их мнению, земельное законодательство закрепляет принцип нормирования площадей земельных участков при их предоставлении. Реализация этого принципа на практике дает возможность предоставлять в результате изъятия земельных участков объективно необходимые для использования площади участков³.

В.П.Пашков же определяет его в качестве минимальных и максимальных размеров по площади, устанавливаемые законодательством о землеустройстве. В свою очередь, и минимальные, и максимальные размеры могут быть и низкими, и высокими. Мировой опыт говорит, что чаще всего устанавливаются минимальные раз-

меры площадей земли, ниже которых нельзя формировать самостоятельные земельные участки. Этого требуют научно-технический прогресс и, как следствие, более прогрессивное землеустройство. Максимальные размеры площадей земельных участков, как правило, не устанавливаются, поскольку это противоречит требованиям научно-технического прогресса, особенно современного⁴.

По мнению В.Н.Харькова нормирование в области охраны окружающей среды осуществляется в целях государственного регулирования воздействия хозяйственной и иной деятельности на окружающую среду и гарантирующего обеспечение экологической безопасности⁵.

Вместе с тем Е.С.Болтанова связывает институт нормирования земельных участков с частной собственности на землю. Так, по мнению специалиста, одной из особенностей частной собственности на землю является нормирование земельных участков при их предоставлении. Существуют два вида норм. Первое – предельные (максимальные и минимальные) размеры земельных участков, предоставляемых гражданам в собственность из находящихся в государственной или муниципальной собственности земель для ведения крестьянского (фермерского) хозяйства, садоводства, огородничества, животноводства, дачного строительства, ведения личного подсобного хозяйства и индивидуального жилищного строительства. Второе – норма отвода устанавливается в соответствии с утвержденными в установленном порядке нормами отвода земель для конкретных видов деятельности или в соответствии с правилами землепользования и застройки, землеустроительной, градостроительной и проектной документацией для целей, не указанных выше⁶.

В целом можно заключить, что нормирование земель – это установление органами представительной власти с учетом экономической и экологической оптимизации землепользования предельных максимальных и минимальных площадей земельных участков, которые могут предоставляться или находиться во владении, пользовании, собственности или ином праве у одного физического или юридического лица.

Так, ЗК РУз и Закон Республики Узбекистан «О фермерском хозяйстве» (новая редакция) от 26.08.2004 г. предусматривают предоставление земельных участков:

1) для индивидуального жилищного строительства и обслуживания жилого дома на одну семью – до 0,06 гектара и до 0,04 гектара на аукционной основе;

2) для ведения дехканского хозяйства – в размере не более 0,35 гектара на орошаемых, не более 0,5 гектара на неорошаемых (богарных) землях и не более 1 гектара неорошаемых паст-

бищ в степной и пустынной зоне.

3) для ведения коллективного садоводства, виноградарства и огородничества – до 0,06 гектара на каждого члена садово-виноградского и до 0,08 гектара – огороднического товарищества;

4) для ведения фермерского хозяйства, специализирующейся на производстве продукции животноводства – не менее 0,3 гектара на одну условную голову скота на орошаемых землях Андижанской, Наманганской, Самаркандской, Ташкентской, Ферганской и Хорезмской областей;

5) для ведения фермерского хозяйства, специализирующейся на производстве продукции животноводства – не менее 0,45 гектара орошаемых земель в других областях и Республике Каракалпакстан, а на неорошаемых (богарных) землях – не менее 2 гектаров на одну условную голову скота;

6) для фермерских хозяйств, специализирующихся на производстве продукции хлопководства и зерноводства – не менее 30 гектаров;

7) для фермерских хозяйств, специализирующихся на производстве продукции садоводства, виноградарства, овощеводства и возделывания других культур – не менее 5 гектаров.

Также в целях дальнейшего повышения эффективности деятельности фермерских хозяйств, а также обеспечения рационального использования земельных и водных ресурсов, укрепления финансового и экономического состояния фермерских хозяйств в Республике Узбекистан были проведены меры по оптимизации размеров земельных участков, предоставленных для ведения фермерских хозяйств, с учетом уровня обеспеченности территорий трудовыми ресурсами, плотности населения, эффективности работы фермерских хозяйств, имея в виду их экономические и финансовые показатели, наличие соответствующего профессионально подготовленного кадрового потенциала⁷. Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 15.12.2015 г. №362 «О мерах по оптимизации размеров земельных участков, предоставленных для ведения фермерских хозяйств» установлено, что средний размер земельного участка на 1 фермерское хозяйство от 43,9 га сократилось на – 36,1 га.

Вместе с тем необходимо отметить, что в развитых зарубежных странах средний размер фермерских хозяйств составляет разные показатели. Так средний земельный участок фермерского хозяйства в Соединенных Штатах составляет – 190 га, а в европейских же странах, таких как Австрия – 15 га, а в Германии – 18 га и др. В среднем по ЕС на одно хозяйство приходится около 14 га земли, тогда как в Австралии – 3700 га⁸. В

Канаде наибольший удельный вес занимают фермерские хозяйства размером от 120 до 160 га сельхозугодий⁹. Сильно варьируют размеры фермерских хозяйств: средняя площадь колеблется от 3,5 га в Греции, 7,5 га в Италии до 65 га в Великобритании. Разная история аграрных отношений объясняет региональную специфику проведения аграрной политики. В Дании действует законодательное ограничение размера фермерского хозяйства до 150 га, причем фермер обязательно должен жить на своей земле¹⁰. Исключение делается в случае, если фермер докажет, что по специфике его производства нужно больше земли и никто из крестьян не против этого. Также к желающим приобрести дополнительный земельный участок ставятся определенные требования.

В Германии ни один участок не должен быть меньше 1 га. Максимальная площадь в пользовании – от 400 до 500 га. Достаточно часто необходимым условием для приобретения права аренды или права приобретения земельного участка является требование, чтобы арендатор или покупатель был местным жителем, имел профессиональную подготовку, опыт работы и необходимый капитал для эффективного использования земель, которые он получает в собственность или пользование (Дания, Германия, Финляндия, Нидерланды, Италия)¹¹.

В США проводится многоуровневая аграрная политика по обеспечению надлежащего регулирования оборота земель сельскохозяйственного назначения. В целом законодательство США направлено на сохранение сельских общин и предотвращение несельскохозяйственного использования земель. В большинстве штатов, в целях предотвращения вывода земли из сельскохозяйственного производства, запрещается предоставлять землю не фермерам, кроме того установлен минимальный размер используемого ими земельного участка¹².

В заключение следует отметить, что нормирование размера земельных участков, являясь сложным и специфическим институтом земельного права, служит важным фактором обеспечения рационального землепользования и обеспечения его оптимизации. Вместе с тем с учетом зарубежного опыта, следует в дальнейшем внедрить механизмы учета исходя из специфики регионов в осуществлении нормирования земельных участков. Кроме того, в законодательстве о фермерском хозяйстве целесообразно включить нормы об оптимизации, в т.ч. о принудительной оптимизации размера земельного участка фермерского хозяйства на основании выявленных фактов нарушения фермерским хозяйством договорной дисциплины и неэффективного ведения хозяйственной деятельности.



¹ Кульчиков Д.Е. Ограничение прав на земельные участки сельскохозяйственного назначения в России, Беларуси и Казахстане: цивилистический сравнительно-правовой анализ: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Курск: 2015. – С.11, 19.

² Анисимов А.П. Нормирование земельных участков в Российской Федерации // Вестник Тверского государственного университета. – 2007. – № 6. 109-с.

³ Норец М. В. К вопросу о принципах правового регулирования оборота земель сельскохозяйственного назначения // Молодой ученый. – 2016. – №6. – С. 28-30.; Румянцев Ф.П. Правовое регулирование оборота земель сельскохозяйственного назначения: вопросы теории и практики: Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – М., 2011. 56-с.

⁴ Пашков В.П. Предельные размеры и нормы предоставления земельных участков из земель сельскохозяйственного назначения // Никоновские чтения. – 2007. – №12. 328-с.

⁵ Харьков В.Н. Правовые основы экологического нормирования использования и охраны земель // Известия Тульского государственного университета. Экономические и юридические науки. – 2013. – № 1-2. 115-с.

⁶ Болтанова Е.С. Земельное право: Учебник. – М., РИОР, 2009. 50-с.

⁷ Указ Президента Республики Узбекистан от 22 октября 2012 года №УП-4478 «О мерах по дальнейшему совершенствованию организационной деятельности и развитию фермерства в Узбекистане» // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2012 г., N 43, ст. 493; Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 15.12.2015 г. №362 «О мерах по оптимизации размеров земельных участков, предоставленных для ведения фермерских хозяйств» // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 21 декабря 2015 г., N 50, ст. 627.

⁸ Баубекова И.М. Формирование земельных отношений на сельскохозяйственных предприятиях: Дисс. ... канд. экон. наук. – Туркестан, 2007. 36-с.

⁹ Лазарева Е. Мировой опыт рационализации землепользования // Кавказ плюс. Общекавказская общественно-политическая газета. www.kavkazplus.com

¹⁰ Мишина З.А. Зарубежный опыт в области земельных отношений // Вестник НГИЭИ. – 2011. – № 1. – С. 107-108.

¹¹ Кошкалда И.В., Ряснянская А.Н. Зарубежный опыт развития земельной собственности // Кадастр недвижимости и мониторинг природных ресурсов: международная научно-техническая интернет-конференция, 2015 // www.kadastr.org

¹² Минигазилова А.И. Зарубежный опыт регулирования оборота земель сельскохозяйственного назначения // Научное сообщество студентов XXI столетия. Общественные науки: сб. ст. по мат. XLVIII междунар. студ. науч.-практ. конф. – № 11(47). – Новосибирск: 2016.

Нуриддин КУЛДАШЕВ,
ИИБ Академияси катта ўқитувчиси, ю.ф.н.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР СОДИР ЭТИЛИШИ ОҚИБАТИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

- ◆ Мақолада маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида жабрланувчига етказилган зарарларни қоплаш тартиби, усуллари ва чораларини такомиллаштиришга оид мулоҳазалар билдирилган.
- ◆ В статье изложены мнения, касающиеся совершенствования порядка, способов и мер возмещения вреда потерпевшему, причиненного в результате совершения административных правонарушений.
- ◆ The article presents the views concerning the improvement of the order, the methods and measures of compensation to the victim of harm caused by the administrative offenses.

Таянч сўзлар: маъмурий ҳуқуқбузарлик, зарар, зиён, деликт, жабрланувчи, зарарни қоплаш, зарарни тўлаш, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Ключевые слова: административное правонарушение, вред, ущерб, деликт, потерпевший, возмещение вреда, выплата вреда, незаконные действия (бездействие).

Key words: administrative offense, harm, damage, delict, victim, indemnification, harm payment, illegal action (inaction).

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларининг моҳиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш мақсади ётади. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳуқуқнинг асосий вазифаси ҳисобланади ва бу ҳуқуқ тармоқларида ўзига хос у ёки бу усулда амалга оширилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши оқибатида етказилган зарарни ундириш турли шакллардаги мулкнинг дахлсизлигини таъминлашда, давлат, юридик шахс ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади. Умумий қоидага кўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари суд орқали ёки маъмурий тартибда ҳимоя қилинади. Шунга кўра, қонунларда (ФКнинг 10-моддаси иккинчи қисмида ва МЖтКнинг 38-моддаси учинчи қисмида) маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши оқибатида жабрланувчига етказилган зарарни ундириш маъмурий-ҳуқуқий ёки фуқаролик-ҳуқуқий тартибда амалга оширилиши белгиланган. О.Оқюлов инсон ҳуқуқ ва манфаатларини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишни ҳар томонлама, кенг қўламли ва ҳаммабоб усул сифатида эътироф этиб, жиноий-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш

таъсирчан ва самарали эканини таъкидлайди¹. Албатта, маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган зарар масаласини фуқаровий суд ишларини юритиш тартибда ҳал қилиш жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ аниқлаш имконини беради. Чунки, жабрланувчининг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган харажатларини, ҳақиқий зарарини ва бой берган фойдасини ундириш айнан фуқаролик ҳуқуқи нормаларида белгиланган (ФКнинг 14-моддаси). Зарарни ундиришнинг маъмурий-ҳуқуқий тартибда эса фақатгина жабрланувчининг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар) ҳисобга олинади. Бинобарин, МЖтКда ҳам жабрланувчининг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган харажатларини ва бой берган фойдасини (масалан, касал кунлари учун йўқотган даромадини) ҳуқуқбузардан ундиришни белгиловчи аниқ норма мавжуд эмас.

МЖтКнинг 38-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплаши шарт. Шунингдек, бу зарарни жабрланувчи фойдасига ундиришни айбдорга жазо қўллаш пайтида, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини юритиш давомида ваколатли орган (ман-

сабдор шахс) ҳал этиши назарда тутилган. Амалдаги тартибга кўра, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни суддан ташқари ўттиздан ортиқ ваколатли давлат органлари (мансабдор шахслари) кўриб чиқиши ва маъмурий жазо қўллашнинг ҳисобга олсак, улар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида жабрланувчига мулкӣ зарар етказилган-етказилмаганини ҳам аниқлаши керак бўлади (МЖТКнинг 307-м.). Бироқ МЖТКда давлат органлари (мансабдор шахслари) маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш масаласини ҳал қилиши назарда тутилган бўлса-да, ҳуқуқбузардан зарарни қандай тартибда ундиришни белгилаб берувчи нормалар мавжуд эмас. Бошқача айтганда, ҳуқуқбузарнинг етказган зарарини унинг ҳисобидан жабрланувчи фойдасига ундиришни таъминловчи чоралар кодекснинг ҳеч қайси моддасида аниқ белгиланмаган. Бу эса, амалиётда кўп ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарарнинг жабрланувчи фойдасига қопланмаслигига ва ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жазо қўллаш билан маъмурий ҳуқуқбузарлик иши якунланишига олиб келади. Натижада маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши оқибатида жабрланганлар зарарларини ундиришни сўраб турли давлат органларига мурожаат қилишларига сабаб бўлади.

Дарҳақиқат, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари: ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишдан, бу ишни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ҳал этишдан, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашдан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлашдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан, қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир. Шундай бўлса-да, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини юритишда ишни кўриб чиқувчи давлат органи (мансабдор шахс), жабрланувчига етказилган зарарни қоплаб беришнинг барча қонуний чораларини ҳам кўриши шарт. Бу чоралар қаторида, айбдорнинг етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши ўзига нисбатан жазо тайинланишида жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олинишини, жабрланувчига маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича давлат органи (мансабдор шахс) чиқарган қарор асосида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этиши ва зарарни қоплаш фуқаролик-ҳуқуқий тартибида ҳал этилишини ҳам тушунтириши керак. Бироқ маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарарларни айбдордан жабрланувчи фойдасига ундиришнинг

қатъий ва аниқ чоралари белгиланмас экан, жабрланувчига етказилган зарарни маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини юритиш пайтида ундириш имконини бермайди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сон Қонунига асосан МЖТКга “Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” номли 11 та моддадан иборат алоҳида XVI¹ боб киритилди. Эътироф этиш керакки, киритилган нормалар тадбиркорларнинг янада эркин фаолият юритишларида, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашда муносиб хизмат қилмоқда. Бироқ юқорида таъкидланганидек, киритилган янги бобда ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида тадбиркорга етказилган зарарларни ундиришнинг қатъий чоралари назарда тутилмаган. Фикримизча, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада самарали ҳимоя қилиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилиши оқибатида уларга етказилган зарарларнинг тўлиқ ва ўз вақтида қопланишини таъминлаш мақсадида МЖТКнинг тегишли моддалари мазмунига қуйидаги ҳуқуқий ҳимоя усулларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир. Булар:

биринчидан, тадбиркорларга етказилган зарар ихтиёрий равишда тўлиқ қопланганда ҳуқуқбузарни жавобгарликдан озод этиш масаласини;

иккинчидан, ҳуқуқбузарлик оқибатида тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатларини, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар)ни, шунингдек тадбиркор ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда)ни ҳам ундириш тартибини;

учинчидан, етказилган зарарни ҳуқуқбузарнинг ҳисобидан тадбиркорнинг фойдасига ундиришни таъминловчи қатъий ва аниқ чораларни жорий этишни;

тўртинчидан, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган зарар мансабдор шахслар ёки давлат хизматчиларининг айбидан қатъи назар, давлат томонидан тўлиқ ҳажмда тўланиши тартибини назарда тутувчи қоидаларни киритишдан иборатдир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган зарарлар ҳақида фикр юритганда, зарар учун жавобгар субъектни аниқлаш ёки зарарни ундириш тўғрисидаги талаб кимга нисбатан қаратилиши масаласига ҳам тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик

кодексининг 985-моддасида белгиланган қоидага кўра “Ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) тўғрисида фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим”². Аммо тегишли қонунларда зарар етказишда учинчи шахсларнинг, шунингдек давлатнинг ҳам жавобгарлиги назарда тутилган ҳолатлар мавжуд. Жумладан, МЖТКнинг “Маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлиги сабабли фуқарога етказилган зарарни қоплаш” номли 302-моддасининг 1-қисмида: “Маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлик натижасида фуқарога етказилган зарар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиққан органнинг (мансабдор шахснинг) айбидан қатъи назар давлат томонидан тўлиқ ҳажмда тўланади”³, — деган қоида белгиланган. Худди шу қоида фуқаролик қонун нормаларида ҳам белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 991-моддасининг биринчи қисмида: “Қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф қўлланиш, қамоқ тариқасидаги маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда бериш натижасида фуқарога етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айбидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда тўланади”, — дея мустаҳкамланган. Бироқ давлат томонидан тўланиши назарда тутилган зарарларни тўлаш тартибини белгилловчи қонун амалда мавжуд эмас. Шунингдек, зарарни қоплаш давлатнинг қайси органи томонидан ҳамда қандай тартибда қопланиши масаласи ҳам белгиланмаган. Шу мақсадда ФК, МЖТКнинг юқоридаги моддаларида назарда тутилган зарарларни давлат томонидан тўланишининг тартибини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул тўловларини тўлаш тартиби тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилар билан бир қаторда, маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган зарарларни жабрланувчи фойдасига ундиришда маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан бир қатор ҳолат-

лар эътиборга олиниши аҳамиятли, деб ҳисоблаймиз. Булар маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган субъектнинг ҳуқуқий мақоми, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг тури, маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида зарар етган мулк ёки шахсий манфаатнинг суғурталанган ёки суғурталанмаганлиги кабилардир. Чунки, мансабдор шахслар ёки давлат хизматчилари томонидан содир этилган айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган зарарни қоплаш давлат томонидан тўланиши (МЖТК, 302-м.), ҳар қандай маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида ҳар доим ҳам мулкӣ ёки моддий зарар етказилмаслиги (масалан, ҳақорат қилиш ёки тўхмат қилиш каби ҳуқуқбузарликлар оқибатида кўп ҳолларда жабрланувчи маънавий зарар кўради. Ушбу зарарни қоплаш суд орқали амалга оширилади), айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган зарар суғурта ташкилоти томонидан қопланиши (масалан, транспорт ҳодисаси оқибатида транспорт воситалари орқали етказилган зарар 2008 йил 21 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги⁴ Қонуни асосида суғурта ташкилоти томонидан қоплаб берилиши) мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган зарарларни қоплаш масаласи ҳуқуқбузарлик ишини юритиш ва кўриб чиқиш жараёнида ваколатли давлат органи (мансабдор шахс) томонидан ўзил-кесил ҳал этилиши шартлигини, чунки ҳуқуқнинг асосий вазифаси нафақат ҳуқуқбузарни жазолаш, балки поймол бўлган ҳуқуқларни тиклаш эканини ҳам таъкидлаш керак.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” мавзусидаги маърузасида: “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган фикрни билдирди. Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқбузар томонидан етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш нафақат жабрланувчининг ҳуқуқи, балки бу зарарнинг жабрланувчи фойдасига ундирилишини таъминлаш ҳуқуқбузарликни кўриб чиқаётган давлат органларининг (мансабдор шахсларининг) мажбурияти сифатида ҳам белгиланиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

¹ Оқюлов О. Защита от пыток гражданского-правовыми средствами // *Ҳуқуқ. Право. Law*. 2004. 39-с.

² // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 11-12-сон, 1-модда.

ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН МУЛКИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА

Амалдаги қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, суд амалиётида жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш юзасидан масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарор қилади:

1. Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш фуқаролар, корхона, муассаса, ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, давлатнинг мулкий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларнинг эътибори жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш асослари ва тартибига оид қонунчиликка аниқ ва очиқ-май риоя этишлари зарурлигига қаратилсин.

2. Шунинг назарда тутиш лозимки, шахснинг унга етказилган зарарни (яъни мулкий зиённи) қоплашга бўлган ҳуқуқи, шунингдек, зиён учун моддий жавобгарликнинг умумий асослари Фуқаролик кодексига (14-моддаси, 57-боби) белгиланган.

Чунончи, ФК 14-моддасига кўра, зарар деганда, қуйидагилар тушунилади:

ҳуқуқи бузилган шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар);

шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда).

Шу муносабат билан жиноят натижасида, айниқса, иқтисодий соҳасидаги жиноятларга, хусусан, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилган, қонунга хилоф равишда аралашиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятларга оид ишлар бўйича (ЖК 192¹ — 192⁸-моддалари) етказилган мулкий зиённи қоплаш масалаларини ҳал этиш чоғида судлар нафақат жиноят процессуал қонунчилиги (ЖПК бешинчи бўлими), балки фуқаролик, меҳнат ва бошқа қонунчилик нормаларига ҳам (ЖПК 281-моддаси) амал қилишлари лозим.

3. Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддасига мувофиқ суриштирув, дастлабки тергов олиб бориш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлардан бири жиноят натижасида етказилган зарар хусусияти ва миқдори ҳисобланади, чунки етказилган зарар тури ва миқдорини аниқлаш нафақат уни қоплаш масаласини ҳал этиш, балки жиноятни квалификация қилиш учун ҳам аҳамиятлидир.

Жиноят ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши натижасида шахсга (шу жумладан, жабрланувчи деб топилган шахсга), корхона, муассаса, ташкилотга мулкий зиён етказилганлигига оид далиллар мавжуд бўлганда, улар суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг қарори (ажрими) билан фуқаровий даъвогар деб (ЖПК 56-моддаси биринчи қисми) эътироф этилишлари лозим.

Вояга етмаганнинг, шунингдек, муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун уларнинг қонуний вакили, мулкий зиён етказилган шахс вафот этганда эса, унинг меросхўри фуқаровий даъвогар деб эътироф этилади.

Шахсни (шу жумладан, жабрланувчини) фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор (ажрим)да суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд унга фуқаровий даъвоғи тақдим этиш ҳуқуқи, тартиби ва шаклини ҳамда ЖПК 57-моддасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларини тушунтириши шарт.

4. Қонунга кўра, мулкий зиён учун жавобгарлик айбланувчи, судланувчига эмас, балки бошқа шахсга юклатилган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд тегишли жисмоний ёки юридик шахсни фуқаровий жавобгар сифатида ишда иштирок этишга жалб этиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқаради ва унга ЖПК 59-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Мулкий зиён ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахснинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган ҳолларда фуқаровий жавобгар сифатида ишга унинг ота ёки онаси (фарзандликка олувчиси), васийси ёхуд унинг васийси ҳисобланадиган тарбиялаш, даволаш ёки бошқа муассаса жалб этилиши лозим (ФК 993-моддаси).

5. Суриштирув, дастлабки тергов органларининг эътибори шунга қаратилсинки, жиноят натижасида етказилган мулкий зиён қопланишини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий механизми гумон қилинувчи,

айбланувчи, фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкни ЖПК 290-моддасига мувофиқ тезкорлик билан хатлаш ҳисобланади.

Бунда ҳар бир муайян ҳолда хатланаётган мол-мулк ЖПК 293-моддаси талабларига риоя этилган тарзда мутахассис ёки баҳоловчи ташкилот жалб этилган ҳолда баҳолалиши ва баённома билан расмийлаштирилиши лозим.

Ҳукмнинг мулкӣ зиёни қоплашга оид қисми ижроси самарадорлигини ошириш мақсадида суриштирув, дастлабки тергов органлари, шунингдек, ЖПК 280-моддасига риоя этган ҳолда гумон қилинувчи, айбланувчи, фуқаровий жавобгарнинг муайян ҳаракатларни амалга оширилиши тақиқлаш каби ФПК 249-моддасида назарда тутилган чораларни қўллашни амалиётга киритишлари лозим.

6. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида суд фуқаровий даъво қўзғатилган-қўзғатилмаганлигини, жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиён қопланилини таъминлаш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини аниқлаши зарур. Агар суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокурор томонидан бундай чоралар кўрилмаган бўлса, суд ЖПК 290-моддасига асосан ўз ташаббуси билан зарур чоралар кўради ёки буни терговчи зиммасига (ЖПК 398-моддаси) юклайди ва бу ҳақда ажрим чиқаради.

Бунда суриштирув, тергов органлари, прокурор томонидан фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари кўрилмаган ёки ўз вақтида кўрилмаган ҳар бир ҳолатга судлар хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдиришлари лозим.

7. Мулкӣ зиён судланувчи ва жиноят иши қисми алоҳида юритувга ажратилган бошқа шахснинг биргаликдаги ҳаракатлари натижасида етказилган ҳолларда суд мулкӣ зиёни тўла ҳажмда қоплаш мажбуриятини судланувчи зиммасига юклайди. Иши алоҳида юритувга ажратилган шахсга нисбатан кейинчалик айблов ҳукми чиқарилаётганда суд унга мулкӣ зиёни муқаддам судланган маҳкум билан солидар қоплаш мажбуриятини юклашга ҳақли (ФК 1000-моддаси).

Агар мулкӣ зиён судланувчи ва жиноят иши ЖПК 84-моддасига мувофиқ тугатилган бошқа шахс билан биргаликда етказилган бўлса, суд мулкӣ зиёни тўла ҳажмда қоплаш мажбуриятини судланувчига юклайди ва фуқаровий даъвогарга иши тугатилган шахсга нисбатан мулкӣ зиёни маҳкум билан солидар қоплаш тўғрисида фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқини тушунтиради.

Суд ҳукмида биргаликдаги ҳаракатлар натижасида етказилган зарарнинг судланувчидан жиноят иши тугатилган ёки алоҳида юритувга ажратилган шахслар билан солидар тартибда ундирилиши тўғрисида кўрсатма берилишига йўл қўйилмайди.

8. Жиноий ҳодиса юз бермаганлиги ёки шахснинг жиноятга дахли бўлмаганлиги, шунингдек, шахс томонидан ҳаракат зарурий мудофаа чегарасидан чиқмаган ҳолда содир этилганлиги муносабати би-

лан оқлов ҳукми чиқарилаётганда, суд ЖПК 283-моддаси иккинчи қисми ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суд ҳукми тўғрисида»-ги 2014 йил 23 майдаги 7-сонли қарори 10-банди тўртинчи хатбошисига биноан оқланган шахсга нисбатан фуқаровий даъвони қаноатлантиришни рад этади.

Шахсга нисбатан жиноят иши ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 1 — 8-бандлари, бешинчи қисмининг 1,3-бандларига мувофиқ тугатилган ҳолда унга нисбатан фуқаровий даъво кўрмай қолдирилади ва манфаатдор шахсларга уларнинг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқи тушунтирилади.

Жиноят иши апелляция, кассация ёки назорат тартибида юқорида кўрсатилган асосларга биноан тугатилганда ҳам фуқаровий даъвога нисбатан шундай оқибатлар юзага келади.

9. Мулкӣ зиён етказилган ҳар бир жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилаётганда, суд фуқаровий даъвони ҳал этиши, даъво қўзғатилмаган бўлса, мулкӣ зиёни қоплаш масаласини ўз ташаббуси билан муҳокама қилиши лозим. Бунда иш материалларида хатланган мол-мулкнинг йўқлиги мулкӣ зиёни қоплаш тўғрисидаги масалани кўрмасдан қолдириш учун асос бўла олмайдди, чунки бундай мол-мулк ҳукм ижроси жараёнида ҳам аниқланиши мумкин.

Фуқаровий даъвога оид масаласини ҳал этишда суд ЖПК 467-моддасига мувофиқ айблов ҳукмининг тавсиф қисмида даъвони тўла ёки қисман қаноатлантириш ёхуд рад этиш асосларини, жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиён хусусияти ва миқдорини кўрсатиши, шунингдек, мулкӣ зиён миқдорига тегишли ҳисоблаш яқунларини келтириши ҳамда фуқаровий даъвони ҳал қилиш учун асос қилиб олинган қонун нормасини қайд этиши лозим.

Жиноят процессида қўзғатилган фуқаровий даъвонинг рад этилиши даъвогарни ўша шахсга нисбатан ва айнан ўша асослар бўйича фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқидан маҳрум этади.

Агар фуқаровий даъвогарнинг даъводан воз кечиши қонунга хилоф бўлса ёки давлат ёхуд бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқландиган манфаатларини бузса, суд даъводан воз кечишни қабул қилмайди (ФПК 40-моддаси бешинчи қисми).

Жиноят процессида фуқаровий даъво қўзғатмаган шахс, шунингдек даъвоси кўрмасдан қолдирилган шахс уни фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида қўзғатиш ҳуқуқига эга.

10. Жиноят объекти бўлган мол-мулк қийматини аниқлашда унинг мулкдор томонидан орттирилиши (сотиб олиниши) ҳолатларига қараб, жиноят содир этилган пайтдаги шартномавий, улгуржи, чакана, биржа ёки бозор нархидан келиб чиқиш лозим. Мол-мулкнинг нархи мавжуд бўлмаганда унинг қиймати эксперт хулосасига кўра белгиланади.

Мулкӣ зиён юридик шахсга унинг ходими томо-

нидан етказилган ҳолларда, зиён миқдори бухгалтерия ҳисоботи маълумотларига асосан ҳақиқий йўқотилиш бўйича, зиён асосий фондларга (воситаларга) етказилганда эса, моддий қийматликларнинг эскирганлиги белгиланган норма бўйича чегириб ташланган ҳолда, баланс қийматидан (таннархидан) келиб чиқиб аниқланади (Меҳнат кодексининг 205-моддаси биринчи ва иккинчи қисмлари).

Иш берувчининг асосий воситаларга тааллуқли мол-мулки талон-торож қилинган, камомади аниқланган, қасддан йўқ қилинган ёки қасддан бузилган тақдирда, шунингдек, асосий воситаларга мулкӣ зиён етказилган бошқа ҳолларда, зиён миқдори бозор нархлари бўйича ҳисобланади. Қонун ҳужжатларида мулкӣ зиённинг ҳақиқий миқдори унинг номинал миқдоридан ошиб кетган ҳолларда зиён миқдорини, шу жумладан, карралаш йўли билан аниқлашнинг алоҳида тартиби белгиланиши мумкин (Меҳнат кодексининг 205-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмлари).

11. Жиноят-процессуал кодексининг 187-моддасига мувофиқ эксперт хулосаси суриштирувчи, терговчи, суд томонидан иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан биргаликда унинг илмий асосланганлиги ва экспертиза ўтказиш учун қонунчиликда белгиланган барча процессуал қоидалар, услуб ва тартибларга риоя этилганлиги нуқтаи-назаридан баҳоланади.

Жумладан, жиноят объекти бўлган мол-мулкнинг бозор баҳосини аниқлашда эксперт «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, унга мувофиқ ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси давлат мулк қўмитасининг 2006 йил 14 июндаги 01/19-19, 01/19-20, 01/19-21-сонли қарори билан тасдиқланган мол-мулкни баҳолаш миллий стандартларига риоя этиши лозим.

Судлар ҳар бир ҳолда эксперт томонидан қандай сабабга кўра, бозор баҳосини аниқлашнинг у ёки бу услуби қўлланилмаганлигини аниқлашлари ва зарур ҳолларда экспертни сўроқ қилиш йўли билан юзага келган шубҳаларни бартараф этишлари лозим.

12. Суд мулкӣ зиённи қоплаш мажбурияти юклатилган шахснинг талабига биноан мулкӣ зиённи қоплаш миқдорини фақат ФК 1012-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда камайтириши мумкин.

13. Биргаликдаги жинойӣ ҳаракатлар натижасида етказилган мулкӣ зиён қопланиши юзасидан зарарни етказган барча шахслар солидар жавобгар бўладилар. Бунда судлар қуйидагиларни назарда тутишлари лозим:

жиноятлар бир неча шахслар томонидан содир этилганда, улар биргаликдаги иштироки аниқланган эпизодлар бўйича етказилган мулкӣ зиённи қоплашда солидар жавобгар бўладилар;

бир жиноят иши бўйича судлансаларда, лекин умумий мақсад билан боғлиқ бўлмаган мустақил жиноятлар учун судланган, шунингдек, айримлари қасддан (масалан, талон-торож учун), бошқалари

эса, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар учун судланган шахсларга нисбатан солидар жавобгарлик юклатилмайди;

корхона, муассаса, ташкилотга унинг бир неча ёки бир ходими ҳамда мазкур корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларида бўлмаган бошқа шахслар айби билан мулкӣ зиён етказилганда, агар зиён уларнинг қасддан биргаликдаги ҳаракатлари натижасида етказилганлиги аниқланган бўлса, суд барча судланувчиларга солидар жавобгарлик юклашга ҳақли;

қонунга кўра, маҳкумнинг ҳаракатлари учун моддий жавобгар бўладиган фуқаро ёки корхона, муассаса, ташкилотлар жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашда солидар эмас, балки ҳиссали жавобгар бўладилар.

Фуқаролик кодексининг 1000-моддасига мувофиқ жабрланувчининг (фуқаролик даъвогарининг) аризасига кўра, суд биргаликда мулкӣ зиён етказган шахсларга солидар эмас, балки ҳиссали жавобгарлик юклашга ҳақли, башарти бундай тартиб даъвогарнинг манфаатларига мос бўлиб, мулкӣ зиён қопланишини таъминласа.

Бир неча шахслар томонидан етказилган мулкӣ зиённи қоплаш ҳақида қарор чиқариш чоғида суд ҳукмининг қарор қисмида судланувчилардан қайси бирига солидар ва қайси бирига ҳиссали жавобгарлик юкланишини, шунингдек, мулкӣ зиённи қоплаш учун қанча миқдорда ва кимнинг фойдасига сумма ундирилишини кўрсатиши шарт.

14. Тушунтирилсинки, жиноят натижасида етказилган маънавий зарарни қоплаш масалалари бўйича судлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли қарорида берилган тушунтиришларга амал қилишлари лозим.

15. Бошқа маҳкумлар билан солидар жавобгар бўлган шахсга нисбатан ҳукм бекор қилиниб, иш янгитдан судда кўриш учун юборилганда, умумий мулкӣ зиённи қоплаш ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган маҳкумлар зиммасига юклатилади. Агар ишнинг шу қисмини янгитдан кўришда айблов ҳукми чиқарилса, мулкӣ зиённи мазкур иш бўйича муқаддам судланганлар билан солидар қоплаш мажбурияти судланувчи зиммасига, фақат у ўша маҳкумлар билан иштирокчиликда содир этган жиноят эпизодлари бўйича юклатилиши мумкин.

16. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплаш ҳақидаги даъволарни ҳал этишда, судлар жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Иқтисодиёт соҳасидаги жинойӣ ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 1998 йил 17 апрелдаги 11-сонли қарорида берилган тушунтиришларга амал қилишлари лозим.

17. Фуқаролик кодексининг 999-моддасига мувофиқ фаолияти теварак-атрофдагиларга ошиқча

хавф туғдирадиган юридик шахс ва фуқаролар (транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт воситалари эгалари ва бошқалар) жабрланувчига (фуқаровий даъвогарга) ошиқча хавф манбаи етказган мулкый зиённи, агар зиён бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракати оқибатида юзага келганлигини исботлай олмасалар, тўлашлари шарт.

Ошиқча хавф манбаи эгаси деганда, уни ўзига тегишли мулк ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқи ёхуд бошқа фуқаролик ҳуқуқий асосларга (масалан, ижара, прокат шартномаси ёки ишончномага, шунингдек ваколатли давлат органи ёки унинг мансабдор шахсининг ошиқча хавф манбаини ташкилот ёки шахсга вақтинча фойдаланиш учун бериш тўғрисидаги фармойишига) кўра эксплуатация қилувчи корхона, ташкилот, муассаса ёки фуқаро тушунилиши лозим.

Ошиқча хавф манбаини унинг эгаси билан меҳнат муносабатлари туфайли бошқарган шахс (ҳайдовчи, машинист, дастгоҳ (станок) ишчиси ва ҳ.к.) ушбу манба эгаси деб топилмайди ва мулкый зиён учун жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) олдидан жавобгар бўлмайди.

Ошиқча хавф манбаи эгаси, агар манба эгасининг ихтиёридан унинг айби билан эмас, балки бошқа шахсларнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари натижасида чиқиб кетганлигини исботласа, мазкур ошиқча хавф манбаи етказган мулкый зиён учун жавоб бермайди. Бундай ҳолларда ошиқча хавф манбаи етказган мулкый зиён учун жавобгарлик манбадан фойдаланган шахсга юклатилади.

18. Ишни апелляция, кассация ёки назорат босқичида кўраётган суд ҳукмга мулкый зиённи қоплашга оид ўзгартиришлар киритишга ҳақли. Агар иш бўйича далиллар тўплаш ва қўшимча текшириш талаб қилинмаса, ишнинг мулкый зиён етказишга доир ҳолатлари биринчи инстанция суди томонидан тўлиқ ва тўғри аниқланган, бироқ моддий ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликка йўл қўйилган бўлса, юқори турувчи суд ундириладиган зиён миқдорини камайтириши ёки кўпайтириши мумкин.

Мулкый зиён миқдорининг ўзгартирилиши жиноят квалификациясига ёки айблов ҳажми маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган даражада ўзгаришига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолларда, башарти

шу асосларга кўра прокурор протести ёки жабрланувчи (унинг вакили) томонидан шикоят келтирилган бўлса, ҳукм бекор қилиниб, иш қўшимча тергов юритиш ёки янгитдан судда кўриш учун юборилади.

19. Жиноят ишидан келиб чиқувчи фуқаровий даъвои фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида кўраётганда, суд мулкый зиённи қоплаш учун ундирилаётган сўммани жиноят ишида мавжуд далиллар, шунингдек, тарафлар томонидан қўшимча тақдим қилинган ва суднинг ташаббуси билан тўпланган далиллар асосида белгилайди (ФПК 60-моддаси учинчи қисми).

Агар суд фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида аниқланган мулкый зиён миқдорининг ўзгариши натижасида ҳукм қайта кўриб чиқилиши (маҳкумнинг ҳаракатлари енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи томонга қайта квалификация қилиниши) лозим деган ҳулосага келса, у даъво талаби бўйича ўзи текширган далилларга асосланиб ҳал қилув қарори чиқариши ва жиноят иши назорат тартибида текширилиши зарурлиги тўғрисидаги масалани қўйиши лозим.

20. Ҳукмнинг мулкый зиённи қоплашга оид қисми ФПК 377-моддасида белгиланган муддатлар мобайнида ижрога топширилиши мумкин.

Қтказиб юборилган муддат ФПК 379-моддасида белгиланган ҳолларда ҳукм чиқарган ёки ижро қилинаётган жойдаги суд томонидан тикланиши мумкин.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича Олий судлари, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар жиноят натижасида етказилган мулкый зиённи қоплашга оид қонунчиликнинг судлар томонидан аниқ қўлланиши устидан назоратни кучайтиришлари, ушбу масала юзасидан суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб боришлари ва аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чорасини кўришлари лозим.

22. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг «Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида»ги 1998 йил 11 сентябрдаги 21-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси
Пленум котиби,
Олий суд судьяси

Тошкент ш.,
2016 йил 27 декабрь,
26-сон

Ш. ГАЗИЕВ

Д. КАМИЛОВ

ПОСТАНОВЛЕНИЕ ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

О СУДЕБНОЙ ПРАКТИКЕ ПО ПРИМЕНЕНИЮ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА О ВОЗМЕЩЕНИИ ИМУЩЕСТВЕННОГО ВРЕДА, ПРИЧИНЕННОГО ПРЕСТУПЛЕНИЕМ

В связи с изменениями и дополнениями, внесенными в действующее законодательство, вопросами, возникающими в судебной практике по применению законодательства о возмещении имущественного вреда, причиненного преступлением, на основании статьи 17 Закона «О судах» Пленум Верховного суда Республики Узбекистан постановляет:

1. Возмещение имущественного вреда, причиненного преступлением, имеет важное значение в обеспечении защиты имущественных прав и интересов граждан, предприятий, учреждений, организаций, субъектов предпринимательства, а также государства.

В связи с этим органам дознания, предварительного следствия и судам необходимо обратить особое внимание точному и неуклонному соблюдению законодательства об основаниях и порядке возмещения имущественного вреда, причиненного преступлением.

2. Следует иметь в виду, что право лица на возмещение причиненных ему убытков (т.е. имущественного вреда), а также общие основания материальной ответственности за причинение вреда установлены Гражданским кодексом (статья 14, глава 57).

Так, согласно статье 14 ГК под убытками понимаются:

расходы, которые лицо, чье право нарушено, произвело или должно будет произвести для восстановления нарушенного права, утрата или повреждение его имущества (реальный ущерб);

неполученные доходы, которые это лицо получило бы при обычных условиях гражданского оборота, если бы его право не было нарушено (упущенная выгода).

В связи с этим при решении вопросов возмещения имущественного вреда, причиненного преступлением, особенно по делам в сфере экономики, в частности, о воспрепятствовании, незаконном вмешательстве в деятельность субъектов предпринимательства) и других преступлениях, посягающих на права и законные интересы хозяйствующих субъектов (статьи 192¹ — 192⁸ УК) судам следует руководствоваться нормами не только уголовно-процессуального законодательства (раздел пятый УПК), но и гражданского, трудового и дру-

гого законодательства (статья 281 УПК).

3. В соответствии со статьей 82 УПК одним из обстоятельств, подлежащих установлению в ходе производства дознания, предварительного следствия, является характер и размер вреда, причиненного преступлением, поскольку определение вида и размера причиненного вреда имеет значение не только для решения вопроса о его возмещении, но и для квалификации преступления.

При наличии доказательств о том, что преступлением или общественно опасным деянием невиняемого причинен имущественный вред лицу (в том числе признанному потерпевшим), предприятию, учреждению, организации, они по постановлению (определению) дознавателя, следователя, прокурора, суда (часть первая статьи 56 УПК) должны быть признаны гражданскими истцами.

Гражданским истцом для защиты интересов несовершеннолетнего, а также лица, признанного недееспособным, признается их законный представитель, а в случае смерти лица, которому причинен имущественный вред, — его наследник.

Дознаватель, следователь, прокурор, суд в постановлении (определении) о признании лица (в том числе потерпевшего) гражданским истцом обязан разъяснять ему права, порядок и форму предъявления гражданского иска и иные права, предусмотренные статьей 57 УПК.

4. В тех случаях, когда по закону ответственность за имущественный вред, несет не обвиняемый, подсудимый, а другое лицо, дознаватель, следователь, прокурор, суд выносит постановление (определение) о привлечении соответствующего физического или юридического лица к участию в деле в качестве гражданского ответчика и разъясняет ему права и обязанности, предусмотренные статьей 59 УПК.

В случае причинения имущественного вреда преступными действиями несовершеннолетнего, не достигшего четырнадцати лет, в качестве гражданского ответчика по делу должен быть привлечен его родитель (усыновитель), опекун либо воспитательное, лечебное или иное учреждение, являющегося его опекуном (статья 993 ГК).

5. Обратит внимание органов дознания, предварительного следствия на то, что важнейшим пра-

новым механизмом обеспечения возмещения имущественного вреда, причиненного преступлением, является незамедлительное наложение ареста на имущество подозреваемого, обвиняемого, гражданского ответчика в соответствии со статьей 290 УПК.

При этом в каждом конкретном случае необходима оценка имущества, на которое налагается арест, с привлечением специалиста или оценочной организации и оформление протоколом с соблюдением требований статьи 293 УПК.

С целью повышения эффективности исполнения приговоров в части возмещения имущественного вреда органам дознания, предварительного следствия необходимо также, руководствуясь статьей 280 УПК, практиковать применение таких мер, как запрещение подозреваемому, обвиняемому, гражданскому ответчику совершать определенные действия, предусмотренные статьей 249 ГПК.

6. При назначении уголовного дела к судебному разбирательству суду необходимо выяснять, предъявлен ли гражданский иск, приняты ли меры по обеспечению возмещения имущественного вреда, причиненного преступлением. Если органами дознания, предварительного следствия, прокурором не приняты такие меры, суд на основании статьи 290 УПК должен принять соответствующие меры по собственной инициативе либо обязать сделать это следователю (статья 398 УПК), о чем выносит определение.

При этом суды должны реагировать на каждый факт непринятия либо несвоевременного принятия органами дознания, предварительного следствия, прокурором мер к обеспечению гражданского иска путем вынесения частного определения.

7. В случаях, когда имущественный вред причинен совместными действиями подсудимого и другого лица, в отношении которого часть уголовного дела была выделена в отдельное производство, суд возлагает обязанность по возмещению имущественного вреда в полном объеме на подсудимого. При вынесении в последующем обвинительного приговора в отношении лица, дело о котором было выделено в отдельное производство, суд вправе возложить на него обязанность возместить имущественный вред солидарно с ранее осужденным (статья 1000 ГК).

Если имущественный вред причинен подсудимым совместно с другим лицом, в отношении которого уголовное дело было прекращено в соответствии со статьей 84 УПК, суд возлагает обязанность по возмещению имущественного вреда в полном объеме на подсудимого и разъясняет гражданскому истцу право предъявить в порядке гражданского судопроизводства к лицу, дело в отношении которого прекращено, иск о возмещении имущественного вреда солидарно с осужденным.

Недопустимо указание в приговоре о взыскании имущественного вреда, причиненного совместными действиями, с подсудимого солидарно с лицами, дела в отношении которых прекращены либо выделены в отдельное производство.

8. При постановлении оправдательного пригово-

ра за неустановлением события преступления или за непричастностью лица к совершению преступления, а также в связи с совершением лицом действия в состоянии необходимой обороны без превышения ее пределов, суд в соответствии с частью второй статьи 283 УПК и абзацем четвертым пункта 10 постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 23 мая 2014 года № 7 «О судебном приговоре», отказывает в удовлетворении гражданского иска в отношении оправданного.

В случае прекращения уголовного дела в отношении лица в соответствии с пунктами 1 — 8 части первой, пунктами 1, 3 части пятой статьи 84 УПК гражданский иск в отношении него оставляется без рассмотрения с разъяснением заинтересованным лицам их права на предъявление иска в порядке гражданского судопроизводства.

Такие же последствия в отношении гражданского иска наступают, когда уголовное дело прекращено по вышеуказанным основаниям при его рассмотрении в апелляционном, кассационном или надзорном порядке.

9. По каждому делу о преступлении, которым причинен имущественный вред, суд при постановлении приговора должен разрешить гражданский иск, а если иск не предъявлен — обсудить вопрос о возмещении имущественного вреда по собственной инициативе. При этом отсутствие в материалах дела описанного имущества не является основанием к оставлению без рассмотрения вопроса о возмещении имущественного вреда, поскольку такое имущество может быть обнаружено и в процессе исполнения приговора.

В соответствии со статьей 467 УПК суд при разрешении вопроса о гражданском иске в описательной части обвинительного приговора должен привести мотивы, обосновывающие полное или частичное удовлетворение иска, либо отказ в нем, указать характер и размер имущественного вреда, причиненного преступлением, а также привести соответствующие расчеты размера имущественного вреда и указать норму закона, на основании которого разрешен гражданский иск.

Отказ в удовлетворении гражданского иска, предъявленного в уголовном процессе, лишает истца права на предъявление иска к тому же лицу и по тем же основаниям в порядке гражданского судопроизводства.

Суд не принимает отказ гражданского истца от иска, если эти действия противоречат закону либо нарушают права и охраняемые интересы государства или других лиц (часть пятая статьи 40 ГПК).

Лицо, не предъявившее гражданский иск в уголовном процессе, а равно лицо, чей иск был оставлен без рассмотрения, вправе предъявить его в порядке гражданского судопроизводства.

10. При определении стоимости имущества, ставшего объектом преступления, следует исходить, в зависимости от обстоятельств приобретения его собственником, из договорных, оптовых, розничных, биржевых или рыночных цен на момент совершения

преступления. При отсутствии цены стоимость имущества определяется на основании заключения эксперта.

В случаях причинения имущественного вреда юридическому лицу его работником размер вреда определяется по фактическим потерям на основании данных бухгалтерского учета, а при причинении вреда основным фондам (средствам), — исходя из балансовой стоимости (себестоимости) материальных ценностей за вычетом износа по установленным нормам (части первая и вторая статьи 205 Трудового кодекса).

При хищении, недостатке, умышленном уничтожении или умышленной порче имущества работодателя, относящегося к основным средствам, а также в остальных случаях причинения имущественного вреда основным средствам, размер вреда исчисляется по рыночным ценам. Законодательством может быть установлен особый порядок определения размера вреда, в том числе в кратном исчислении, в тех случаях, когда фактический размер ущерба превышает его номинальный размер (части третья и четвертая статьи 205 Трудового кодекса).

11. В соответствии со статьей 187 УПК заключение эксперта оценивается дознавателем, следователем, судом в совокупности с другими собранными по делу доказательствами, с точки зрения его научной обоснованности и соблюдения всех установленных для производства экспертизы процессуальных правил, методов и процедур, установленных законодательством.

В частности, при определении рыночной стоимости имущества, ставшего объектом преступления, эксперт должен руководствоваться Законом Республики Узбекистан «Об оценочной деятельности», а также разработанными в соответствии с ним национальными стандартами оценки имущества, утвержденными постановлением Госкомимущества Республики Узбекистан от 14 июня 2006 года №№ 01/19-19,01/19-20,01/19-21.

Судам в каждом случае необходимо выяснять, в связи с чем экспертом не применен тот или иной метод установления рыночной стоимости и в необходимых случаях устранять возникшие сомнения путем допроса эксперта.

12. Суд может по требованию лица, на которого возложена обязанность возмещения имущественного вреда, уменьшить размер возмещения имущественного вреда лишь в случаях, предусмотренных частью четвертой статьи 1012 ГК.

13. Солидарную ответственность по возмещению ущерба несут все лица, причинившие имущественный вред совместными преступными действиями. При этом судам следует иметь в виду:

при совершении преступления несколькими лицами они несут солидарную ответственность за причиненный имущественный вред по эпизодам преступления, в которых установлено их совместное участие;

солидарная материальная ответственность не возлагается на лиц, которые осуждены, хотя и по

одному делу, но за самостоятельные преступления, не связанные общим намерением, а также на лиц, когда одни из них осуждены за умышленные преступления (например, за хищение), а другие за преступления, совершенные по неосторожности (например, за халатность);

в случае причинения имущественного вреда предприятию, учреждению, организации по вине его нескольких работников либо работника и других лиц, не состоявших в трудовых отношениях с этим предприятием, учреждением, организацией, суд вправе возложить на всех подсудимых солидарную ответственность, если будет установлено, что вред причинен их совместными умышленными действиями;

граждане или предприятия, учреждения, организации, несущие по закону материальную ответственность за действия осужденного, возмещают имущественный вред, причиненный преступлением в долях, а не солидарно.

В соответствии со статьей 1000 ГК суд вправе по заявлению потерпевшего (гражданского истца) возложить на подсудимых, в соответствии с действиями которых причинен имущественный вред, долевую, а не солидарную ответственность, если такой порядок взыскания соответствует интересам истца и обеспечивает возмещение имущественного вреда.

Принимая решение о возмещении имущественного вреда, причиненного несколькими лицами, суд в резолютивной части приговора обязан указать, на кого из подсудимых возлагается солидарная ответственность и на кого — долевая, в каком размере и в пользу кого взыскивается сумма в возмещение имущественного вреда.

14. Разъяснить, что по вопросам возмещения морального вреда, причиненного преступлением, судам следует руководствоваться разъяснениями, данными в постановлении Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 28 апреля 2000 года № 7 «О некоторых вопросах, применения законодательства о компенсации морального вреда».

15. При отмене приговора с передачей дела на новое судебное рассмотрение в отношении лица, связанного с другими осужденными солидарной ответственностью, возмещение имущественного вреда возлагается на осужденных, в отношении которых приговор оставлен без изменения. Если при новом рассмотрении дела в этой части будет вынесен обвинительный приговор, то на подсудимого может быть возложена обязанность по возмещению имущественного вреда солидарно с ранее осужденными по данному делу лишь по тем эпизодам преступлений, которые подсудимый совершил в соучастии с ними.

16. Разрешая иски о возмещении имущественного вреда, причиненного преступлениями в сфере экономики, судам надлежит руководствоваться требованиями уголовного и уголовно-процессуального законодательства, а также разъяснениями, данными в постановлении Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 17 апреля 1998 года № 11 «О некоторых вопросах, возникших в судебной практи-

ке по делам о преступлениях в сфере экономики».

17. Согласно статье 999 ГК юридические лица и граждане, деятельность которых связана с повышенной опасностью для окружающих (транспортные организации, стройки, владельцы транспортных средств и др.) обязаны возместить потерпевшему (гражданскому истцу) имущественный вред, причиненный источником повышенной опасности, если не докажут, что вред возник вследствие непреодолимой силы или умысла потерпевшего.

Под владельцем источника повышенной опасности следует понимать предприятие, учреждение, организацию или гражданина, осуществляющих эксплуатацию источника повышенной опасности в силу принадлежащего им права собственности или права оперативного управления, либо по другим гражданско-правовым основаниям (например, по договору аренды, проката или по доверенности, а также в силу распоряжения компетентного государственного органа или его должностного лица о передаче организации или лицу во временное пользование источника повышенной опасности).

Не признается владельцем источника повышенной опасности и не несет ответственности за имущественный вред перед потерпевшим (гражданским истцом) лицо, управлявшее источником повышенной опасности в силу трудовых отношений с владельцем этого источника (шофер, машинист, рабочий на станке и т.п.).

Владелец источника повышенной опасности не отвечает за имущественный вред, причиненный действием этого источника, если докажет, что последний вышел из обладания владельца не по его вине, а в результате противоправных действий других лиц. В таких случаях ответственность за имущественный вред, причиненный источником повышенной опасности, возлагается на лицо, использовавшее источник повышенной опасности.

18. Суд, рассматривающий дело в апелляционном, кассационном или надзорном порядке, вправе внести в приговор изменения, касающиеся возмещения имущественного вреда. Вышестоящий суд может уменьшить или увеличить размер взыскания, если по делу не требуется собирание или дополнительная проверка доказательств, обстоятельства дела в части причиненного имущественного вреда установлены судом первой инстанции полно и правильно, но допущена ошибка в применении норм материального права.

В случаях, когда изменение размера имущественного вреда может повлиять на квалификацию преступления или изменение объема обвинения в сторону, ухудшающую положение осужденного, приговор подлежит отмене с направлением дела для производства дополнительного расследования или новое судебное рассмотрение, если по этим основаниям принесен протест прокурора или подана жалоба потерпевшим (его представителем).

19. При рассмотрении в порядке гражданского судопроизводства иска, вытекающего из уголовного дела, суд определяет суммы, подлежащие взысканию в возмещение имущественного вреда, с учетом доказательств, имеющихся в уголовном деле, а также дополнительно представленных сторонами и собранных по инициативе суда (часть третья статьи 60 ГПК).

Если в результате установленного в порядке гражданского судопроизводства изменения размера имущественного вреда суд придет к выводу о необходимости пересмотра приговора (переквалификации действий осужденного в сторону улучшения или ухудшения), он должен вынести решение по иску на основе исследованных им доказательств и поставить вопрос о проверке уголовного дела в порядке надзора.

20. Приговор в части возмещения имущественного вреда может быть предъявлен к исполнению в пределах сроков, установленных статьей 377 ГПК.

Пропущенный срок может быть восстановлен судом, вынесшим приговор, либо судом по месту исполнения приговора в случаях, предусмотренных статьей 379 ГПК.

21. Судебным коллегиям Верховного суда Республики Узбекистан, Верховным судам Республики Каракалпакстан по уголовным и гражданским делам, областным и приравненным к ним судам по уголовным и гражданским делам следует усилить надзор за точным соблюдением судами требований законодательства о возмещении имущественного вреда, причиненного преступлением, систематически обобщать судебную практику по этому вопросу и принимать меры к устранению недостатков.

22. В связи с принятием настоящего постановления признать утратившим силу постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 11 сентября 1998 года № 21 «О практике судов по возмещению материального ущерба, причиненного преступлениями».

**Председатель Верховного суда
Республики Узбекистан
Секретарь Пленума,
судья Верховного суда**

г. Ташкент,
27 декабря 2016 г.,
№ 26

Ш. ГАЗИЕВ

Д. КАМИЛОВ

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

– мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий тақлифлар акс этиши;

– матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

– келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

– мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

– матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;

– матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

– мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;

– мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

– мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;

– ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.

Мақолаларни қуйидаги электрон манзилга юборинг: axborotnoma@vuk.uz



Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

– статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;

– исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;

– достоверность и корректность приводимой в статье информации;

– к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;

– представление статьи на узбекском и русском языках;

– статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;

– объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;

– на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний или служебный адрес, телефоны автора;

– ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языках.

Статьи направлять по адресу: axborotnoma@vuk.uz



